

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**«КОНЧИЛИК САНОАТИ ВА ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ
ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ»
ФАНИДАН**

Ўқув қўлланма

Тошкент 2003

Муаллифлар: Алимходжаев С.Р., Сайдахмедов Х.М.,
Ибрагимова С.А.

Кончилик саноати ва геология-қидириув ишларини ташкил
қилиш: Ўқув қўлланмаси/Тошкент давлат техника университети.
Муаллифлар: С.Р.Алимходжаев, Х.М. Сайдахмедов, С.А.
Ибрагимова С.А. Тошкент.

Ушбу ўқув қўлланмада бозор иқтисодиёти муносабатлари
шароитида кончилик ва геология қидириув ишлаб чиқаришда шу
корхонларга хос бўлган хусусиятларни хисобга олган ҳолда
қўйидаги масалалар: корхона ва мулкчилик бўйича унинг
турлари, корхонада ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилиш
тамойиллари, унинг иш режими, қазиш ва кон-тайёрлов
ишларини ташкил қилиш, кон лаҳимларини кавлаб ўтиш
ишларини ташкил қилиш ёритилган. Бу ўқув қўлланма кончилик
саноати, геология-қидириув ишлари, йўналишлари бўйича
мутахассислар тайёрловчи олий ва ўрта маҳсус таълим ўқув
юртларининг талабалари, шунингдек, кончилик ва геология-
қидириув корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бўйича
малакасини ошираётган мухандис ва иқтисодчи ходимлар учун
мулжалланган.

Тоғ-кон, геология-қидириув ишлари иқтисодиёти ва ташкил
қилиш кафедраси.

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника
университетининг илмий-методик кенгаш қарорига асосан чоп
этилди.

Тақризчилар: «Саноат менежменти» кафедраси мудири,
и.ф.д., проф. Турсунходжаев М.Л.

Минерал ресурслар институтининг
«Геологик иқтисодий баҳолаш» бўлими
мудири, г-м. ф. н. Хўжаев Н.Т.

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикасини иқтисодий-ижтимоий ривожланиши ва барқарор ўсишда кончилик саноати ва геология қидирув ишларининг аҳамияти каттадир. Чунки кончилик саноати ва геология-қидирув ишлари корхоналарнинг маҳсулни бўлган минерал хом ашё ресурслари ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миллий саноатнинг дсярли барча соҳалари ва қишлоқ хўжалигини фаолияти учун асосий хом ашё базаси бўлиб хизмат қиласди.

Бугунги кунда кончилик саноати ва геология қидирув ишларида рақобатбардош, импорт ўрнини боса оладиган ва экспортга йўналтирилган сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ҳамда корхоналарда самараадорлигини ошириш масалалари долзарб бўлиб турибди.

Кончилик саноати ва геология қидирув ишларида самараадорликни оширишга фақатгина фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижаларини ҳамда инновацияни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш йўли билан бир қаторда ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш ва уни янада такомиллаштириш билан ҳам эришиш мумкин.

Ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил этиш – ишлаб чиқариш фаолияти давомида жонли меҳнатни ишлаб чиқариш воситалари билан вакт ва маконда оптималь бирга олиб бориш имконини беради.

Бу масалаларни илмий асосда ижобий ҳал этишда бозор иқтисодиёти конунларини кончилик саноати ва геология қидирув ишлари корхоналарида қандай намоён бўлаётганини ўрганиш, ишлаб чиқариш корхоналари жамоалари томонидан моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш учун қандай тадбирлар амалга оширилаётганини аниқлаш орқали ҳал этиш мумкин.

Кончилик саноати ва геология қидирув корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этишга бағишлиган мазкур ўкув қўлланма кончилик саноати учун иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашдаги иқтисодий фанлар тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Чунки кончилик саноатида ишлаб чиқариш корхонаси – асосий бўғин хисобланади.

Ушбу ўкув қўлланмада бозор муносабатларига ўтиши шароитида кончилик саноати ва геология қидирув корхоналарида

ишлаб чиқаришни ташкил этишга бағишенгандык болзарб мавзулар ёритилгандык бўлиб, кончилик саноатига иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш учун мўлжалланган.

Хозирги вақтда давлатимиз тўмонидан юқори малакалий миллӣ кадрларни тайёрлашига жуда катта эътибор берилмоқда. Бундай мухим масалани амалга оширишда ушбу қўлланма яқиндан ёрдам бериш мумкин.

Мазкур ўқув қўлланма Тошкент давлат техника университетининг «Тоф – кон геология қидирув ишлари иқтисодиёти ва ташкил қилиш» кафедраси ўқитувчилари С. Р. Алимходжаев ва Х. М. Саидхмедов ва С.А.Ибрагимовалар тўмонидан тайёрланган. Ўқув қўлланма хақидаги фикр ва мулоҳазаларни муаллифлар миннатдорчилик билан қабул қиласидилар ва кейинги нашрларда уларни ҳисобга оладилар.

КИРИЛ

1. Кончилик саноатининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти

Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётини ривожлантириш, кишиларнинг турмуш фаровонлигини таъминлашда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, қазиб олинган минерал хом ашёларни кўринишида эмас, балки уларни қайта ишлаб, турли сифатли, рақобатдош тайёр маҳсулотларга айлантириб миллий иқтисодиётни таъминлаш ва дунё бозорига олиб чиқиш жуда катта иқтисодий аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов айтганидек: «Заминимиз қимматбаҳо минерал хом ашё ресурсларига бойлиги халқ хўжалигининг ички тузилишини тубдан ўзгартириш, республиканинг жаҳон бозорига чиқишини таъминлайдиган тармоқларини ривожлантиришга имкон беради».

Хозирги саноат кўп сонли ихтисослаштирилган мустақил тармоқлар мажмуидан иборатdir. Кончилик саноати ана шу мажмууни мухим тармоқлардан бири бўлиб, турли фойдали қазилма бойликларини қазиб чиқаради ва қайта ишлов берувчи саноат тармоқларига етказиб беради.

Кончилик саноати ўз таркиби ва қазиб чиқарилган минерал хом ашёнинг ишлатилишига кўра куйидаги гурухларга бўлинади:

- а) ёнилғи қазиб чиқариш (нефть, қўмир, ёнадиган сланецлар, торф, табиий газ, уран ва бошқалар);
- б) руда чиқариш темир, хромит, марганец рудалари: рангли ва ноёб металл рудалари ва бошқалар;
- в) қурилиш ва кулолчилик саноати учун хом ашё қазиб чиқариш (мармара, гранит, бўр, графит, асбест кум ва хоказо);
- г) кон-кимё хом ашёлари қазиб чиқариш (апатит, калий тузлари ва хоказо).

Демак, кончилик саноати мамлакат иқтисодий тизимида аҳамияти жуда катта бўлиб, уни ёқилғи, хом ашё ва қурилиш материаллари билан таъминлайди: Халқ хўжалигининг фойдали қазилмалари ёки уларни қайта ишлаш маҳсулотларидан фойдаланмайдиган бирорта ҳам тармоғи йўқ. Бинобарин, шу халқ хўжалиги – тармоқлари эҳтиёжини қондириш учун ҳар

йили миллионлаб тонна фойдали қазилмалар қазиб чиқариш талаб этилади.

Рангли ва қора металлургия хамда унинг хом ашё базаси бўлмиш кончилик саноати оғир саноатининг энг муҳим тармоғидир. Кончилик саноати корхоналарининг маҳсулоти – темир рудаси, марганец, ванадий рудалари, баъзи бир рангли металлар (кобальт, никель, вольфрам, молибден) рудалари чўян, турли маркали пўлат ва қотишмалар ишлаб чиқариш учун зарур. Масалан, 1т чўян эритиб олиш учун 2-3т темир рудаси, 1,5т яқин кўмир, 300 кг гача қўшимчалар марганец, оҳак ва бошқалар керак. 1 т қалай ишлаб чиқаришда 300 т дан ортиқроқ, 1 т никелга – 200 т ва 1 т мис эрииб олишда 100 т руда сарфланади.

Хозир қазиб чиқарилаётган рангли металлар минерал хом ашёсидан корхоналарда Менделеев жадвалининг 74 элементи ажратиб олинмоқда.

Рангли металларнинг хусусиятлари уларнинг халқ хўжалигидаги ахамиятини белгилаб беради.

Энергетика саноати рангли металлургиядан электр энергиясини масофага узатиши ва бошқа мақсадлар учун зарур барча материал (мис, алюминий, симоб ва ҳоказо)ни олади.

Рангли металлургия кимё саноатига сульфат кислотанинг қарийб 30% ни, ишлаб чиқариладиган поташнинг деярли хаммасини, талай миқдорда сода ва ҳоказо етказиб беради. Рангли металлургия ўз маҳсулотини машинасозлик, нефтни қайта ишлаш ва қурилиш хамда саноатнинг бошқа тармоқларига жўнатади.

Техника тараққиёти туфайли металл ўрнини кисман пластмассалар, темир-бетон ва бошқа материаллар босади, бироқ металларнинг хусусияти турли-туман ва қимматли-ки, кўпгина соҳаларда улар ўрнини тўлиқ босадиган материал топиш қийин, шу сабабли улар халқ хўжалигига узоқ вақтгача асосий материал бўлиб қолади.

Барча кончилик тармоқлари орасида саноатнинг ёқилғи тармоғи энг салмоқлидир, унинг улушига ялни маҳсулотнинг 1/3 қисми, кончилик саноатида банд ищчиларнинг ва унинг асосий ишлаб чиқариш фондларининг 1/3 қисми тўғри келади.

Кўмир, нефть, ёнадиган табиий газлар бирламчи энергиянинг асосий манбалари бўлиб, кимё ва халқ хўжалигининг кўпгина бошқа тармоқлари учун хом ашё

сифатида хизмат қиласы. Масалан, 1 т кимёвий тола олиш учун 2020 т күмир ишлатилади, электр энергияси ишлаб чиқаришда харакатларнинг 60-70% ёқилғига тұғри келади. Faқат металургия саноати ва электронстанцияларни үзи МДХ мамлакатларыда қазиб чиқарыладын күмирни 60% истеъмол қиласы.

Кончилик саноатининг тарли тармоқлари Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётіда мухим роль үйнайды. Республикада қидириб топилған ва захиралари аникланган минерал хом ашё ресурслари жосыда бир қатор кончилик корхоналар фаолият күрсатмоқда.

Ўзбекистоннинг фойдалы қазилма конлари геология жиҳатидан ўрганилганлығы кон-техник шароитларининг кулаги, қазилмаларнинг бир ерда түпланғанлығы (концентрациялашғанлығы), ер юзига яқын жойлашғанлығы ҳамда меңнат ва ёнилғи-энергетик ресурсларни сероблиги уларни ўзлаштиришда очиқ қазиб чиқарыши усулидан кенг күламда фойдаланиш имконини беради.

Хозир Ўзбекистон юкори даражада ривожланған төг-кон ва қайта ишлаб чиқариш қувватига әга бўлиб, ишлаб турган корхоналарнинг кучини ошириш ҳамда янгиларини очиш учун етарлича тайёр захираларга әга. Республикада фойдалы қазилмаларнинг 2800 тадан кўн кони ва намоёни очилған, 100 турга яқын минерал хом ашё тошилған бўлиб, ушбу минерал хом ашёнинг 65 хили саноатда ва қишлоқ хўжалигига ишлатилмоқда [8].

Хозир Ўзбекистон кончилиқ саноатида 400 га яқин рангли металлар, кўмир, газ қазиб чиқарувчи корхоналар, нефть конлари, шахталар, тарли конлар, 200 га яқин сув хавзалари, минерал сув тайёрлаш корхоналари ишлаб турибди.

Улар таркибиға Олмалик, Навоий кон-металургия комбинатлари, Маржонбулоқ, Зармитан. Қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, «Ўзбекнефтегаз қазиб чиқариш» холдинг компанияси, «Ўзбекцемент», «Ўзбекмармар», иккиласынан ашёдан-алюминий ишлаб чиқарувчи завод каби йирик ишлаб чиқариш бирлашмалари, Ангрен разрези, 9-сонли шахта ва Шарғун шахта бошқармаси ва бошқалар киради. Республикада йирик қурилиш-монтаж илмий ва лойиха ташкилотлари ишлаб турибди. Кончилик корхоналари йилига 200 млн. м³ кон массасини қазиб чиқармокдалар.

Бирок мавжуд кончиллик корхоналарида қазиб олинаётган фойдали қазилмаларнинг микдори (айрим ҳолларда сифати) талаб даражасида эмас. Конларни қазиб олиш чукурлигини ошиб бориши, уларнинг кон геологик шароитларини тобора мураккаблашиб, қазиб олинаётган қазилманинг сифатини пасайиб бориши бунинг асосий объектив сабаблари ҳисобланади. Бу сабаблар кон қазиш ишларига сарфланаётган харажатларини кўпайтириб, кончиллик корхоналари самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш, илмий тадқиқот натижалари асосида яратилган фан ва техника янгиликларини кончиллик корхоналари фаолиятига татбиқ қилиш, ишчи ва хизматчилар малакасини узулуксиз ошириб бориш билан бир қаторда тобора мураккаблашиб бораётган кон геологик шароитларida кон қазиш ишлари самарадорлигини оширишни таъминловчи меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг янги шаклларини доимий излаш ҳамда мавжуд шаклларини такомиллаштириш зарурияти туғилмоқда.

Юқори унумдорликка эга бўлган кон машина механизmlари, юқори малакали меҳнат ва заҳиралари қайта тикланмайдиган фойдали қазилма бойликларидан тўла ва оқилона фойдаланмаслик кончиллик ишларида фойдасиз харажатларнинг кўпайишига, натижада кончиллик корхоналар самарадорлигини пасайиб кетишига олиб келади. Шунинг учун ҳам кончиллик корхоналарида меҳнат ва ишлаб чиқаришни бозор иқтисодиёти талаблари асосида ташкил қилишга ёътиборни қаратиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида кончиллик ва геология-кидирув ишларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш масаласи энг асосий вазифалардан биридир. Бу вазифани ҳал қилиш иқтисодиёт учун зарур бўлган минерал ҳом ашё ресурслари билан таъминлашни, илгор прогрессив технология ва техникаларни, ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг самарали услугларни татбиқ қилиш асосида ишлаб чиқариш ресурсларидан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, имконини беради.

2. Курснинг предмети, объекти ва вазифалари.

Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш курси «Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш» фаннинг бўлими хисобланади.

Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш деганда ишлаб чиқариш жараёнларининг хом ашёга ишлов бериш маҳсулотни тайёрлашда унинг барча элементлари (ишлаб чиқариш куроллари, меҳнат буюмлари, ишловчилар)ни бирга қўшиб олиб борилишининг оқилона тизими тушунилади. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мамлакат иқтисодиётини ва аҳолига қисқа муддатларда кам харажатлар сарфлаб юкори сифатли ва меҳнат самарадорлигини таъминлаган ҳолда зарур маҳсулотларни етказиб беришда ишлаб чиқаришнинг барча элементлари ва ресурсларини вақт ва макон бўйича мувофиқлаштиради. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш корхона жамоаси фаолиятининг кенг доирасини ўз ичига қамраб олади.

Шу жиҳатдан кончилик ва геология қидирув ишларини ташкил қилиш курси тури вазифаларни ўз ичига олади. Буларнинг асосийлари қўйидагилардан иборатdir:

- ◆ бозор иқтисодиёти шароитида кончилик ва геология қидирув ишларида мулкчилик шаклига қараб корхоналарни бўлиниши;
- ◆ кончилик ва геология қидирув ишларида асосий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;
- ◆ ёрдамчи ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;
- ◆ ишлаб чиқариш жараёнларини бир маромда олиб борилишини таъминлаш;
- ◆ маҳсулот ва бажарилган иш сифатини оширишни ташкил қилиш;
- ◆ меҳнатни техник меъёrlаштириш;
- ◆ ишловчиларни жой-жойига қўйиш ва иш хақини тўлашни ташкиллаштириш;
- ◆ ишлаб чиқаришни моддий-техника таъминотини ташкил этиш;
- ◆ корхонанинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини таҳлил этиш;
- ◆ меҳнатни илмий ташкил этиш: ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни энг рационал усувларини

танлаш, ишлаб чиқариш жараёнини барча моддий техника ва энергетика ресурслари билан таъминлаш, санитария, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника ҳавфсизлиги талабларига жавоб берувчи шароитлар яратиш кабилаг'ни ўз ичига олади.

Ишлаб чиқариши ташкил этиш – кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, тайёрлаш ва малакасини ошириш, иши жойларини ташкил қилиш ва таъминлаш, айрим жараёнларни бажариш усувларини танлаш каби меҳнатни ташкил этиш билан боғлиқдир.

Кончилик ва геология қидирув корхоналар фалоиятини ташкил қилиш, бошқариш тизими билан узвий боғлиқдир.

Кончилик саноати ва геология қидирув ишлари курсининг обьекти бўлиб, кончилик ва геология қидирув ишларини олиб борувчи корхоналар, уларнинг бўлинмалари ҳисобланади.

«Кончилик ва геология-қидирув ишларини ташкил этиш» курси корхоналар миқёсида иқтисодий қонунларнинг амал қилишини ўрганади .

Иқтисодий қонунлар ишлаб чиқаришга кишилар орқали таъсир қиласди. Корхона фаолиятининг такомиллашуви унинг асосий ва айланма фондларидан тўлароқ фойдаланиши, меҳнат унумдорлигини ўсиши, маҳсулот таннархини пасайиши, ишлаб чиқариш рентабеллигини ошиши билан характерланади, яъни курс корхона фаолиятининг барча иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш йўлларини ўрганади.

Кадрларни жой-жойига қўйиш, уларни мақсадга мувофик таҳсимлаш, корхонадаги техникадан ва бошқа жиҳозлардан самарали фойдаланиш ушбу фаннинг асосини ташкил этади.

Бу курс корхоналардаги иш хақини ташкил қилиш, меҳнатни иқтисодий ва моддий рағбатлантириш масалаларини ўрганади, тажрибаларни умумлаштиради ва ишлаб чиқади.

Шулардан келиб чиқиб, кончилик ва геология қидирув ишларини ташкил қилиш курсининг предмети ишлаб чиқаришнинг умумий қонуниятларини кончилик корхоналари ва геология-қидирув ташкилотларида уларнинг ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятининг ташкилий масалаларини ечимлари ва усувларини белгилаш чоғида намоён бўлишини ўрганишдан иборат деб қарашиб мумкин.

Кончилик саноати ва геология-қидирув ишларини ташкил этиш фани бир қанча иқтисодий ва техник фанлар билан узвий боғлиқдир. Иқтисодий фанларга: иқтисодий назария, бозор

иқтисодиёти асослари, статистика, иқтисодий таҳлил, иқтисодий математик усуллар, менежмент асослари, маркетинг, соҳа иқтисодиёти фанлари киради. Техник фанларга: фойдали қазилма конларини қидириш ва разведка қилиш, фойдали қазилма конларини қидиришни техника технологияси, гидрогеология ва инженерлик геологияси, геофизика, конларни очиқ усулда қазиб олиш, конларни ер остидан қазиб олиш, конларни қазиб олишни электрлаштириш ва автоматлаштириш, рангли металургия, маркшейдерлик иши, каби фанлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Юқорида кўрсатиб ўтилган фанларни билмасдан туриб кончилик саноати ва геология-қидирув ишларини самарали ташкил қилиб бўлмайди.

Кўлланмада курснинг айрим масалалари корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш шакллари ва усулларини янада такомиллаштириш руҳида ёритилган. Унинг мазмуни геология-қидирув ташкилотлари ва кончилик корхоналарнинг бўлгуси мутахассисларнинг ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг замонавий усулларни ўргатиш зарурияти билан белгиланади.

Назорат саволлар

1. Кончилик саноати ва геология қидирув ишларини миълий иқтисодиётнинг ўзак соҳаларидан бири эканлигини изоҳланг.
2. Кончилик саноати ва геология қидирув ишларини самарадорлигини оширишнинг мамлакат иқтисодиётнинг барқарор ривожлантиришдаги аҳамияти.
3. Кончилик саноати ва геология қидирув ишлари фанининг предмети ва объекти.
4. Кончилик саноати ва геология қидирув ишларини ташкил этиш фанининг мақсади ва вазифалари.
5. Фанинг қандай техникавий ва иқтисодий – гуманитар фанлар билан боғлиқлиги бор, унинг моҳиятини очиб беринг.
6. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни, хусусан кончилик саноатини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатинг.
7. Бозор иқтисодиёти шароитида геология қидирув ишларининг ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини изоҳлашиб беринг.
8. Кончилик саноати ва геология қидирув ишлари ташкил этишни такомиллаштириш ўйларини таърифлаб беринг.

I. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА КОНЧИЛИК САНОАТИ ВА ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИДА КОРХОНАЛАР ВА ФИРМАЛАР.

1.1. Корхона ва фирмалар түғрисида умумий тушунчалар.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар иқтисодиётнинг асосий бўғини бўлиб, улар мамлакат иқтисодий имкониятларининг юксалиши ва ривожланишини таъминлайдилар, миллий иқтисодиётнинг ва ҳалкнинг маҳсулотларга бўлган талабини қондирадилар.

Хукукий шахс хукуқига эга бўлган, мулкчилик хукуки ёки хўжаликни тўла юритиш хукуки бўйича ўзига қарашли молмулкдан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва сотадиган ёки маҳсулотни айрибошлайдиган, ишларни бажарадиган, хизмат кўрсатадиган, ракобат ҳамда мулкчиликнинг барча шакллари тенг хукуқлиги шароитида амалдаги қонунларга мувофиқ ўз фаолиятини рӯёбга чиқарадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект корхона ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар түғрисида қонун 1991 йилда қабул қилинди.

Шундан сўнг бу қонунга бир қанча кўшимча ўзгартиришлар киритилди. Бунинг асосий сабаби миллий иқтисодиётнинг, шу жумладан, корхоналарнинг бозор муносабатларига мослашиб бориш ва иқтисодий ислоҳотларнинг чукурлашувидан иборатdir. Бундай кўшимча ўзгаришлар 1993 йил 7 майда киритилган бўлиб, бунда 40га яқин қонун моддалари қайта кўриб чиқилди ва ўзгартирилди.

Ушбу қонун товар – пул муносабатлари ривожланаётган ва бошқариладиган бозор иқтисодиёти шароитида мулкчиликнинг барча шаклига мансуб корхоналарни барпо этиш, улар фаолиятининг, уларни қайта ташкил этиш ва тугатишнинг умумий хукукий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини белгилаб беради.

Қонун фойда олишни кўзлаб иш олиб борадиган корхоналарнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган бўлиб, уларнинг хукуқлари ва масъулиятини белгилайди, бошқа корхоналар ва ташкилотлар, ҳалқ депутатлари Советлари, давлат бошқаруви идоралари билан муносабатларини тартибга солади.

Қонуннинг биринчи бўлимида корхоналар ва уларнинг асосий вазифалари, корхоналарнинг турлари, хўжалик ўюшмалари тўғрисидаги моддалар кўрсатилган.

Қонуннинг иккинчи бўлимида корхонани барпо этиш ва уни руйхатдан ўтказиш, яъни корхонани барпо этишнинг умумий шартлари, корхонани давлат руйхатидан ўтказиш, шўъба корхоналар ва корхоналарнинг алоҳида бўлинмаларини барпо этиш, фаолият турларига лицензия олиш қоидалари келтирилган.

Учинчи бўлим корхонанинг мулкдори ва мол-мулкига эгалик қилишга бағищланган ҳақида.

Тўртинчи бўлим корхонани бошқариш бўйича: корхонани бошқариши ташкил этишни умумий қоидалари, корхонанинг раҳбари, корхона кенгаши бўйича моддалари келтирилган.

Бешинчи бўлим корхона хўжалик фаолиятининг асослари: корхона оладиган фойда, ходимларнинг меҳнат даромадлари, корхона фаолиятини режалашибдириш, хўжалик муносабатлари, маҳсулотни сотиш, нарх ва наръ белгилаш, молия ва кредит муносабатлари, капитал қурилиш, корхонанинг ташки иқтисодий фаолияти ҳақидаги моддалар ўрин олган.

Қонуннинг олтинчи бўлими корхонанинг ижтимоий кафолатлари тўғрисида, яъни: корхонанинг ижтимоий фаолияти; корхонанинг меҳнат жамоаси, унинг ваколатлари; корхона меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши; жамоа шартномаси ҳақидаги конун моддалари келтирилган;

Қонуннинг еттинчи бўлими корхона ва давлат ҳақидадир: корхоналар хукуқлари ва манфаатларининг кафолатлари; корхона хўжалик фаолиятининг хукуқий ва иқтисодий шарт-шароитлари, ҳисоб ва ҳисобот; корхонанинг тижорат сири; корхонанинг масъулияти; корхона фаолиятини назорат қилиш; корхонанинг маҳалгий хокимият ва бошқарув идоралари билан муносабатлари ҳақидаги моддалар келтирилган;

Қонуннинг саккизинчи бўлими корхонани тугатиш ва қайта ташкил этишга бағищланган ва корхонани тугатиш ва қайта ташкил этиш шартлари; тугатиш комиссияси; ва қарз берганларни даволарини қондириш тўғрисидаги моддалари келтирилган.

Ўзбекистон Республикасидаги барча кончилик ва геология-кидирув корхоналари ушбу қонунга биноан ташкил этилади ва фаолият кўрсатади.

Корхона мустақил балансга эга бўлиб, у хуқуқий шахс ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисида қабул қилинган қонунга биноан қуйидаги турдаги корхоналар фаолият кўрсатиши мумкин:

- жисмоний шахснинг хусусий мулкига асосланган корхоналар;
- ширкат (жамоа) мулкига асосланган жамоа, оила, маҳалла корхоналари, ишлаб чиқариш кооперативлари;
- хўжалик жамиятлари ва ширкатларига, жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотларга қарашли корхоналар ҳамда жамоа мулкининг бошқа шаклларига асосланган корхоналар;
- давлат мулкига асосланган республика корхоналари;
- аралаш мулкка асосланган давлатлароро ва қўшма корхоналар ҳамда мулкчиликнинг турли шаклларига мансуб, тўлиқ ёки ҳиссабай усулида иштирок этишга асосланган бошқа корхоналар.

1.2. Кончилик ва геология-қидирув ишларида мулкчилик шаклига кўра корхона ва фирмаларнинг турлари

Кончилик саноати ва геология-қидирув ишларида давлат геологик корхоналарни, экспедициялар, партиялар, акциядорлик жамиятлари, қўшма корхоналар, кичик корхоналар, масъулияти чекланган корхоналар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, шахталар, рудниклар, разрезлар, карьерлар, бойитиш ва брикетлаш фабрикалари, таъмирлаш механика заводлари, устахоналар ва бошқа корхоналар мавжуд.

Фойдали казилмаларни қазиб чиқарувчи кончилик корхоналари –ишлаб чиқариш бирлашмалари, шахталар ва разрезлар (карьерлар) бу саноатининг асосий бўғиндаридир.

Геология-қидирув ишларида – давлат геологик корхоналари ва экспедициялар ишлаб чиқаришининг асосий бўғини ҳисобланади.

Кончилик саноатида хўжалик фаолияти вазифаларига, бошқариш тизимининг таркибига ва тузилиши хусусиятларига кўра шахталар (рудниклар), карьерлар(разрезлар) мустақил корхоналар бўлиши мумкин.

Агарда кончилик саноати ёки геология-қидирув корхоналари мустақил бўлса, у мустақил балансга, банкда ҳисоб ракамига эга бўлиб, ҳисоб- китобни тугалланган тартибини ва ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятининг таҳлили учун ҳисобот беришини олиб боради. Агарда кончилик ва геология-қидирув корхонаси бирлашма ёки давлат геологик корхонаси таркибига кирса, унинг ҳуқук ва мажбуриятлари бирлашмада ёки давлат геологик корхонасида амал қўлаётган хўжалик механизми қоидалари билан белгиланади.

Кончилик ва геология-қидирув корхоналари кончилик саноати ва геология-қидирув ишларининг асосий бўғини бўлиб, у фойдали қазилмаларни қидириш, разведка қилиш, фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш ва бойитиш учун ташкил қилинади.

1.3. Кичик корхоналар

Республикамизда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга катта ахамият берилгандын ва уни ривожлантиришга оид давлат томонидан қонун ва қарорлар қабул қилингандын. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омилларидан биридир. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда кичик корхоналарнинг роли каттадир.

Кичик корхоналар тизимини кенг миқёсда ташкил қилиниши ҳамда ривожланиши истеъмол бозорини маҳсулотлар билан тўлдиришга, хизмат кўрсатиш кўламини оширишга, ижтимоий меҳнат тақсимотини кенгайтиришга, ишлаб чиқаришда илгор илмий-техника ютуқларини жорий қилишга ва маҳсулотларни ҳорижий давлатлар бозорига чиқиши имконини оширади.

Кичик корхоналарда ишловчилар сони саноатда ва қурилишда 200 кишигача, фан ва бошқа илмий хизмат кўрсатиш муассасаларида 100 кишигача, бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида эса 15 кишигача штайди. Кичик корхоналарни қонун бўйича ҳалқ ҳўжалигининг ҳамма соҳаларида давлат ёки жамоат мулки асосида ташкил қилиш мумкин.

Кичик корхоналарнинг қуйидаги афзалликлари бор:

-кичик корхоналар истеъмол бозорининг ўзгаришига тезлик билан мослашади;

-истеъмолчиларнинг турли хил талабларини тезлик билан ҳисобга олади ва қониқарли маҳсулотлар ишлаб чиқаради;

-улар янги техника ва технологияларни тезлик билан ишлаб чиқаришга жорий этадилар.

-курилиш ишларини ва қувватларни тезлик билан амалга оширадилар ва қўллайдилар;

-бошқариш харажатлари кам;

-ишилизикни камайтиради.

Кичик корхоналар мустақил балансга ва банқда алоҳида ҳисоб рақамига эга бўлиб, у ҳуқуқий шахс ҳисобланади. Даромадларини эркин равишда тақсимлайдилар ва баҳоларини ўзлари белгилайдилар; давлат томонидан кўплаб имтиёзлар берилган.

Кончилик саноати ва геология-қидирув ишларида ҳозирги вактда кўплаб кичик корхоналар ташкил этилган ва ташкил этилмокда. Булар асосан кичик конларда қазиб чиқариш билан боғлиқ бўлган корхоналардир.

1.4. Кўшма корхоналар

Бозор муносабатларига ўтиш, ташкил иктиносидий алокаларни қайта кўриш соҳасида мамлакатимиз худудида чет-эл фирмалари билан кўшма корхоналар ташкил қилинишга алоҳида аҳамият берилмокда. Кўшма корхоналар ташкил қилиш республикада ўтказилаётган туб ислохотларнинг муҳим бўғинларидан бири бўлиб, у мамлакатнинг иктиносидётини мустаҳкамлашга, халқаро обрўсини ошириш, ишлаб чиқариш техника ва технологиясини ташкил қилишига хизмат қиласди.

Кўшма корхоналар тузишнинг афзаликлари
куйидагилардан иборат:

- чет эл замонавий техника ва технологияси корхоналаримиз ишлаб чиқаришини такомиллаштиради;

- ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини оширади, уни жаҳон бозорида рақобат қилиш даражасига кўтаради;

- ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга кўмаклашади;

- кўшма корхоналар янги иш жойларини яратади, ишчиларнинг замонавий техника технологияни ўзлаштиришга ва шу орқали малакаларини оширишга имкон туғдиради;

- республикамиз корхоналарининг жаҳон бозорига чиқишига имкон беради.

Республикамизда кўшма корхоналар фаолиятига доир бир қатор, жумладан, «Тадбиркорлик ҳақида», «Ўзбекистоннинг ташкил иктиносидий фаолияти ҳақида» ва «Ўзбекистонга чет эл сармояларини киритиш ҳақида» ги қонунлар қабул қилиниб, уларда Ўзбекистон корхоналарининг чет эл корхоналари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш учун ишлаб чиқариш фаолиятининг ташкилий, иктиносидий ҳамда хукукий асосини белгиловчи тартиблар ишлаб чиқилган ва хукукий асослар вужудга келтирилган.

Асосий ҳужжатларда кўшма корхоналарни ташкил қилиш ва тугатиш қоидаси, уларнинг фаолияти, хукуқ ва бурчлари, моддий ва техника таъминоти, активларни хосил қилиш, меҳнат

муносабатлари, даромадларнинг тақсимланиши, валюта тушумлари, жамғармалари, солик тўлаш тартиби ёритилган.

Хорижий сармояларни рағбатлантириш тўғрисида қабул қилинган ҳужжатга мувофиқ хорижий ишбилармонларга биноларни, иморатларни ва машина-ускуналарни мулк қилиб сотиш ҳуқуки берилган. Мамлакатда ҳалқаро савдо – сотик учун шарт-шароитларга эркин тус берилган. Республика Миллий суғурта компанияси «Узбекинвест» барпо этилган, унинг асосий мақсади хорижий сармоя эгаларига кафолат беришдан иборат.

Кўшма корхоналар янги юридик шахс ташкил этиш йўли билан чет эл ёки чет эллик сармоядорларнинг Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатиб турган корхонада улуш сотиб олиш йўли билан барпо этилади.

Кўшма корхоналар барпо этиш тўғрисидаги қарорни чет эллик сармоядор ва Ўзбекистон Республикасидаги корхона эгаси қабул киладилар.

Кўшма корхонанинг устав фондига ҳар бир катнашчининг улуш қўшиш муддатлари, ҳажмлари, бу улушни қўшиш ва баҳолаш тартиби таъсис ҳужжатларда назарда тутилади. Кўшма корхонанинг қатнашчилари томонидан корхона устав фондига улуш сифатида қўшиладиган мол–мулкнинг қиймати катнашчилар ўртасидаги келишувга мувофиқ белгиланади.

Кўшма корхонанинг устав фонди ҳисобига иштирокчилар асбоб-ускуналар ва бошқа моддий бойликларни (шу жумладан «ноу-хау» ихтиросидан фойдаланиш), миллий валютадаги пул маблағларини, эркин конвертацияланадиган валютада ва бошқаларда киритишлари мумкин. Шунингдек, устав фонди корхона фаолиятидан тушадиган фойда ёки ихтирочиларнинг қўшимча улушлари эвазига тўлдириши мумкин.

Кўшма корхона иқтисодига устав фондининг аҳамияти шундаки, олинадиган фойда иштирокчиларнинг қўшган улушларига мутаносиб равишда тақсимланади. Шунинг учун қўшма корхона устав фондига Ўзбекистонлик иштирокчиларнинг қўшган ҳиссаларини тўғри баҳолаш мувоффақият гаровидир.

Чет эл сармоялари иштирокидаги корхона ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз экспорт қилишга ва ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ҳамда ички бозорда сотиш учун маҳсулот импорт қилишга ҳақлидир.

Кўшма корхоналарда уларнинг фаолияти, жамоани ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун захира фонди ва бошқа фондлар яратилиди.

Кўшма корхона фаолиятини бошқариши унинг улушдорлари томонидан тузилган кенгаш (кўшма бошқарув унинг олий органи ҳисобланади) амалга оширади.

Корхона ўзининг мустақил балансига эга бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини ўзи қоплади; ўзини ўзи маблағ, валюта тушумлари билан таъминлайди. Бадал тўловлари эвазига молиявий фонд ҳосил қиласди.

Кўшма корхоналар бухгалтерия ҳисоб китоблари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларда белгиланган тартибда олиб боради.

Хозирги вақтда республикамиизда ишлаётган ва қурилаётган кўшма корхоналар асосан чет эл техникаси ва технологияси билан бизнинг хом ашё ва ишчи кучимиздан фойдаланмоқдалар. Бу корхоналар асосан маҳсулот ишлаб чиқариш, воситачилик хизматлари, реклама, маркетинг ва илмий фаолият билан шуғулланмоқдалар; уларнинг рўйхатдан ўтганларини сони 2002 йилнинг 1-ярим йиллигига 3,500 дан ортди. Булар «ЎзДЭУавто», «ЎзДЭУ электроникс», «Кизилкум цемент», «Ўзкейсмаш», «Ай-Сель», «Ўздонробита», «Совипластитал», «Сервеко», «Парус-Сибир торг интернешнл», «Тай», «Интермарко», «Интермет», «Зарафшон-Ньюмонт» ва бошқалардир.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёнида кончиллик саноатида ҳам кўшма корхоналар барпо этилиб, фаолият кўрсатмоқдалар ва уларнинг сони аста секин кўшайиб бормоқда. Жумладан, иккиласмич рангли металлар ишлаб чиқариш бирлашмасида «Хандик-рафте» Ўзбекистон-Хиндистон кўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Бу корхона бронзадан сувенир буюмлар ишлаб чиқаради.

1995 йилнинг бошида «Зарафшон – Ньюмонт» кўшма корхонаси барпо этилди. Кўшма корхона муассислари Америкадаги «Ньюмонт майнинг корпорейши» компанияси, Навоий кон-металлургия комбинати ва Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, кўшма корхона балансдан ташкири минераллашган кон массасини замонавий технология ёрдамида қайта ишлаб, унинг таркибида олтинни ажратиб олади. Шу вақтгача таркибида металли кам бўлгани учун чиқинди сифатида ташламаларга жўнатилар эди.

Лойиҳанинг киймати анча юқори бўлишига қарамай (100 млн. АҚШ доллари) у жуда истиқболли.

Кон ташламаларида 150 млн тоннага якин масса мавжуд бўлиб, 15 йил давомида йилига унинг 10 млн. т. си қайта ишланади. Фойда (олтин эмас) Ўзбекистон ва Америка томонлари ўртасида теппа-тeng бўлинади.

Таркибида олтин ва бошқа рангли металлар бўлган «чиқинди»ларни кўшма корхоналар томонидан замонавий технология асосида қайта ишлаш янги иш жойларини яратиб, атроф-муҳитни экология жиҳатдан соғломлаштиради; умуман Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантиришга ёрдам беради.

1.5. Давлат геологик корхоналари.

Ўзбекистон Республикасида геология-қидибув ишлари соҳасини Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси бошқаради. Бу қўмитанинг ташкилий тузилиши (1-расм) да келтирилган. Расмдан кўриниб турибдики қўмитада илмий-услубий ва информацион таъминот билан шуғулланадиган корхоналар, яни минерал ресурслар институти (МРИ), давлат геологик ахборот маркази (ДГАМ), гидрогеология ва инженерлик геологияси институти (ГидроИнГео), илмий ишлаб чиқариш ва ўқув маркази корхоналаридан иборатdir. Юқорида кўрсатилган корхоналарнинг барчаси мулкчилик шаклига биноан давлатникидир. Бу корхоналар геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига қарашли асосий ишлаб чиқариш корхоналари ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларини зарур илмий-услубий ва бошқа информацион маълумотлар билан таъминлайди.

Давлат геология қўмитаси бўйича асосий ишлаб чиқариш билан 4та давлат геологик корхоналари шуғулланадилар, булар: «Шарқий Ўзбекистон» давлат геологик корхонаси, «Самарқандгеология» давлат геология корхонаси, «Қизилтепагеология» давлат геология корхонаси ва «Ўзбекгидрогеология» давлат геология корхонасидир. Бу корхоналар таркибига ўз навбатида бир канча геология-қидибув экспедициялари киради.

Хозирги кунга келиб бир қанча геологик экспедициялар давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди. Буларга

Ўзбекистон Геология ва Минерал хом аш ресурслари Давлат
Кўмитасининг ташкилий тузилиши

1 – расм

Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология Кўмитаси

Илмий-услубий ва
ахборот таъминоти

Асосий геологик кидибуров
ишлаб чиқариш

Ишлаб чиқариш ва
техник таъминот

Кадрлар ва
ижтимоий таъминот

Минерал
ресурслар
илмий
ташкилоти
институти
MRI

Давлат
геология
фонди
Давлол.
Фонд.
Тошкент

Шаркий
Ўзбекистон
Давлат
геология
корхонаси

Самарқанд
геология
Давлат
геология
корхонаси
Самарқанд

Тошкент
геология
кидибуров
техникиуми
Тошкент ш.

Гидрогеоло-
гия ва ин-
женерлик
геологияси
институти
Тошкент ш.

Кизилтепа
геология
Давлат
геология
корхонаси
Тошкент ш.

Ўзбекистон-
геология
Давлат
геология
корхонаси
Тошкент ш.

Геобуртех-
ника АЖ

«Геолог»
соғломлаш-
тириш
мажмуи,
«Чоткот»
санаториясии
Тошкент ш.

мисол қилиб Шаркий Кўрама геология-қидирув экспедициясини (ГКЭ), Олмалиқ ГКЭ ва бошқаларни келтириш мумкин. Геология-қидирув ишларида корхоналарни хусусийлаштириш тадбирлари 1992 йилдан бошланди. Бунда асосан дастлаб ёрдамчи ишлаб чиқариш хўжаликлари хусусийлаштирилди. 1994 йилдан эса асосий ишлаб чиқариш корхоналари хусусийлаштирила бошланди. Давлат геологик корхоналари кошидаги хиссадорлик жамиятлари корхоналардан ташкари кўплаб кичик корхоналар, масъулияти чекланган корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Давлат геология қўмитаси бўйича моддий техника таъминоти билан «Ўзгеосервис» корхонаси, «Геолтаъминот» кичик корхонаси ва «Геосервис» кичик корхонаси шугулланади. Бу корхоналар асосий ишлаб чиқаришни асбоб-ускуналар, дастгоҳлар, ўлчов асбоблари ва бошқа зарур моддий-техника билан узлуксиз таъминлайдилар.

Ўзбекистон Республикасида кончилик саноати мажмуига қуйидагилар киради:

- «Кизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни;
- Очиқ турдаги «Олмалиқ кон-металлургия» акциядорлик жамияти;
- «Ўзқурилишматериаллар» акциядорлик компанияси;
- «Республика маҳсус қотишмалар ташкилоти»;
- «Чирчик қаттиқ ва ўтга чидамли қотишмалар» комбинати;
- Акциядорлик «Ўзбекистон металлургия» бирлашмаси;
- «Иккиласми рангли металлар» очиқ турдаги акциядорлик жамияти;
- «Кўмир» акциядорлик жамияти;

Республиканинг бозор иқтисодиётига ўтиши кончилик саноатига ҳам катта таъсир ўтказди. «Олмалиқ кон-металлургия» комбинати, «Ўзбекистон металлургия» комбинати, «Чирчиқ қаттиқ ва ўтга чидамли қотишмалар комбинати», кўмир қазиб чиқарувчи ва уни сотувчи «Кўмир» комбинати ва бошқа корхоналар акциядорлик жамиятларига ўтказилди. Бу корхоналар қошида кўплаб кичик ва қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Назорат саволлари.

1. Корхона ва фирмалар тўғрисидаги умумий тушунчаларингизни изохлаб беринг.
2. Кончилик ва геология-қидирув ишларида мулкчилик шаклига кўра корхона ва фирмаларнинг қандай турлари мавжуд?
3. Кичик ва ўрта корхоналарнинг республика иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамияти нимада?
4. Кичик ва ўрта корхоналарнинг республикада ривожланиш ҳолатини шархлаб беринг?
5. Кўшма корхоналар нима мақсадда тузилади?
6. Республикада кўшма корхоналар тузиш қандай кечмоқда?
7. Давлат геология корхоналари ҳақида қандай тушунчага эгасиз?

II. КОНЧИЛИК ВА ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.

2.1. Кончилик саноати ва геология-қидирув ишларида ишлаб-чиқариш жараёнларининг тавсифи ва таснифи.

Ишлаб чиқариш жараёнлари меҳнат буюмiga ўтказадиган таъсири бўйича қазиб чиқарувчи ва ишлов берувчи жараёнларга бўлинади. Кончилик саноати ва геология-қидирув ишларининг ўзига хос хусусиятларидан бири, унда ер қаъридаги табиат яратган фойдали қазилмалар (кўмир, руда, нефть, табиий газ ва бошқалар) унинг буюми ва маҳсулоти бўлади. Шу сабабли геология қидирув ишларида ва кончилик саноатида хом ашё ишлатилмайди.

Ишлаб чиқариш жараёни ҳар бир корхонанинг фаолияти негизини ташкил қиласди. У жамият равнақи ва тараққиёти учун керак бўлган моддий бойликни яратишда инсоннинг табиат моддасига (буюмларига) ўтказадиган таъсиридан иборатдир. Ишлаб чиқариш жараёни инсоннинг муайян мақсадга қаратилган фаолияти, меҳнат воситаси ва меҳнат буюми каби асосий унсурлари билан бугунлигича ўрганилади.

Ишлаб чиқариш жараёнлари учун тайёр маҳсулотнинг моддий негизини ташкил қилувчи бошлангич хом ашё керак. Фойдали қазилмалар қазиб чиқариш жараёнлари ишлов берувчи саноатдаги ишлаб чиқариш жараёнларидан тубдан фарқ қиласди.

Улар қўйидагилардан иборат:

- Фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш табиий мухитда (ер тубида) амалга оширилади ва ҳар хил табиий жараёнларининг таъсири остида бўлади (ер ости сувларининг оқиб келиши ва бошқалар). Табиий шароитлар ишлаб чиқариш жараёнларини анча қийинлаштиради. Шу билан биргаликда кончилик ишлари чуқурроқ горизонтларида олиб борилиши сабабли кон - геология шароитлар ёмонлаша боради.
- Ишлаб чиқариш жараёни технологияси ва техник воситалари фойдали қазилмаларнинг ва ёндош жинсларининг физик-механик хусусиятларига жуда боғлиқ бўлиб, улар ҳатто бир шахта (карьер) майдонида ҳам бир - бирларидан анчагина фарқ қилиши мумкин.

- Ишлаб чиқариш жараённининг тузилиши (бўғин ва иш жараёнларини таркиби) фойдали қазилма конини қазиб чиқариш тури орқали (очик ёки ер ости усулида) аниқланади.
- Иш жойи фронтининг доимо қайтадан тикланиб туриш зурурати сабабли иш жойи ҳам доимо бир ердан иккинчи ерга кўчиди туради.
- Фойдали қазилмани қазиб чиқаришда қайта ишловчи тармоқдагига нисбатан кўл меҳнатининг улуши катта бўлиб, ишлар нокулайроқ шароитларида олиб борилади.
- Асосий воситаларнинг нофаол қисми улушининг юқори бўлиши (стволлар, конни очувчи ва тайёрловчи асосий лахимлар ва бошқалар) уларнинг иш жойларини ўзгартириш имконини чеклади.

Технологик жараёнларнинг фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш хусусиятлари ишларни ташкил этишдан уларни хисобга олинишини тақозо этади.

Кончилик корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнлари бир қатор ўзаро боғлиқ бўлган бўғинлар мажмуудан иборат бўлиб, улар маҳсулот ишлаб чиқаришдаги тутган аҳамиятига караб асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи бўғинларга бўлинади.

Ишлаб чиқаришнинг асосий бўғинларига кон устини очиш, кон лахимларини тайёрлаш ва бевосита фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш, уларни юклап жойларигача ташини, бойитиш каби ишлар мажмуи киради.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш бўғинларига фойдали қазилмаларни қазиб чиқаришга шароит яратиб берувчи ишлар киради. Улар асосий ишлаб чиқариш бўғинлари жараёнларининг бир маромда ишлашини таъминлашга кўмаклашади. Ишлаб чиқаришнинг ёрдамчи бўғинлар жараёнларига ер ости лахим ва ковжойларни шамоллатиш, ёритиш, ер ости сувларини чиқариб ташлаш, кон лахимларини таъмирлаш ва бошқа ишлар киради. Хизмат кўрсатувчи бўғинларга шахта ва карьерларнинг ер юзасидаги жойлашган марказий таъмирлаш устахоналари, энергетика хўжалиги, моддий – техника таъминоти (ускуналар, асбоблар, коржомалар ва бошқалар) омборлари, портловчи моддалар, мустаҳкамлаш материаллари омборлари, транспорт цехлари, маъмурий – майший комбинат ва бошқалар киради.

2. 2. Ишлаб чиқариш жараёнларининг таркибий қисмларга бўлиниши.

Ҳар бир ишлаб чиқариш жараёни ўзининг тузилиши хусусиятига эга. Технологик мазмунга кўра у ишлаб чиқариш босқичларига иш жараёnlари мажмуига, иш жараёnlарига ва операцияларга бўлинади.

Ишлаб чиқариш босқичи - бу фойдали ишлаб чиқариш жараёнининг техник, технологик ва ташкилий жиҳатдан ажralган қисмидир. У ўзаро боғлиқ бўлган ва маълум тартибда кетма-кет келувчи иш жараёnlари мажмумини ўз ичига олади. Руда қазиб чиқарувчи кончилик корхоналари ишлаб чиқариши қўйидаги босқичларидан конни очиш, қазиб чиқаришга тайёрлаш, қазиб чиқариш, фойдали қазилмани бойитиш, тайёр маҳсулотни истеъмолчига юклаб жўнатишдан иборат бўлади. Булар бир вақтнинг ўзида ёки кетма-кет бажарилиши мумкин. Кондан фойдаланишинг бошланиш даврида конни очиш, тайёрлаш, қазиб чиқариш ишлари фақат кетма-кет бажарилади. Кейинчалик эса бу ишлар бир вақтнинг ўзида (параллел) бажарилishi мумкин. Масалан, коннинг юқори горизонтларида қазиб чиқариш ишларини олиб бориш билан бирга унинг қуий қисмida очиш ва тайёрлов ишлари олиб бориш мумкин.

Иш жараёnlари мажмуи - бу ишлаб чиқариш жараёнининг ташкилий ва технологик жиҳатдан ажralган қисми бўлиб маҳсус технологик мазмун билан ифодаланади ва уни бажариш учун маҳсус ишлаб чиқариш воситалари ҳамда маълум касбдаги ишчилар зарур бўлади. Масалан, конни очиш учун лойихада кўрсатилган барча очувчи лаҳимларни ўтиш, уларда транспорт ва энергетика коммуникацияларини йиғиш ва жойлаштириш, кончилик ишлари олиб борилаётган жойларни тўла ва ишончли равишда шамоллатишни таъминлаш зарур. Шу билан бирга келтирилган ҳар бир иш жараёnlари мажмуи муайян иш жараёnlаридан иборат бўлади. Чунончи, лаҳимларни ўтиш учун шпурларни пармалаш, уларни портловчи моддалар билан тўлдириш, портлатиш, шамоллатиш, жинсларни йиғишириб олиш, мустаҳкамлаш каби иш жараёnlарини бажариш керак бўлади.

Иш жараёни - бу иш жараёни мажмумининг аниқ чегараланган ва ўзининг ташкилий тузилиши (структуря) ҳамда технологик мазмунига кўра фарқланувчи бир қисми бўлиб, у

аниқ технологик мазмун, меҳнат буюмлари, қўлланиладиган меҳнат воситалари билан ифодаланади. Ҳар бир иш жараёни ўзининг технология ва техникасига, тузилиши ва мақсадига эга бўлади; шулар орқали у бошқа иш жараёнларидан фарқ қиласди.

Ишлаб чиқаришнинг ёрдамчи бўғинлар жараёнларига ер ости лахим ва ковжойларни шамоллатиш, ёритиш, ер ости сувларни чиқариб ташлаш, кон лахимларини таъмирлаш устахоналари, энергетика хўжалиги, моддий-техника таъминоти (ускуналар, асбоблар, коржомалар ва бошқалар) омборлари, портловчи моддалар, мустаҳкамлаш материаллари омборлари, транспорт цехлари, маъмурий – майший хизматлар ва бошқалар киради.

Хизмат кўрсатувчи цехларнинг бир маромда ва аниқ ишлаши ишлаб чиқаришнинг асосий ҳамда ёрдамчи бўғинларининг фаолияти учун жуда зарурдир.

Меҳнатнинг иш қуроллари билан таъминланганлиги ва унда инсоннинг иштирок этишига караб, у механизациялашмаган, қисман механизациялашган, машиналашган жараёнларга бўлинади.

Механизациялашмаган жараёнлар механизмларсиз, ҳеч қандай энергия туридан фойдаланмай амалга оширилади. Улар меҳнат буюмининг холатини ёки уларнинг шаклини ўзгартиришга йўналтирилган бўлиб, қўлда фойдаланадиган асбоблар ёрдамида бажарилади. Кончилик корхоналарининг асосий ишлаб чиқаришида механизациялашмаган жараёнлар кам учрайди. Бироқ, ишлаб чиқаришнинг ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи бўғинларида қўл меҳнати хали апчагина.

Қисман механизациялашган жараёнларда ишлар машиналар ёки механизациялашган асбоблар ёрдамида бажарилади; уларни бошқариш эса (Масалан, кон жинсларини зарб болғаси ёрдамида кунчитиш, перфораторлар билан шпурларни пармалаш ва ҳоказолар) инсоннинг қўл меҳнатини талаб этади.

Машиналашган жараёнларда меҳнат қуроли бўлиб машиналар хизмат қиласди; ишчи эса бевосита иш жойидан ёки узокдан туриб унинг харакатини муайян мақсадга йўналтиради. Ҳозирги вақтда кончилик корхоналарининг деярли барча асосий жараёнлари машиналашган.

Кончилик корхоналари учун ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс равишда механизациялаш катта аҳамиятга эга бўлиб, унда қўл меҳнати ёки қисман механизациялашган меҳнат бир-

бирини түлдирувчи машиналар тұзими билан алмаштирилади. Бунинг оқибатида юкори меңнат унумдорлығы таъминланади ва ишлаб чиқаришни автоматлаштиришга шароит яратылади. Автоматлаштирилган жараёнларда кончилек ишлари ўзи бошқарылады машина ёки машиналар тизими билан, инсон құлни урмай бажарылади. Автоматлашган жараёнлар ишчини операция бажаришдан тұла озод қилиб, унга фақат ишлаб чиқаришни назорат қилиб туриш вазифасини қолдиради.

Иш жараёни мұайян иш жойида бир ёки гурух ижрочилар томонидан битта ёки бир нечта меңнат қуроллари ёрдамида амалға оширилади.

Якка ёки бир гурух ижрочиларнинг меңнат қуроллари ёрдами билан маҳсулот тайёрлаш мақсадида ёки хизмат күрсатиш бўйича иш жараёнини бажараётган худуд (макон, ер) нинг бир қисми иш жойи деб аталади.

Фойдалы қазилмага ўтказилаётган таъсири даражасига кўра иш жараёнлари ҳам асосий ва ёрдамчи жараёнларга бўлинади. Руда ва кўмирни бургулаш, комбайн воситасида кўмирни қазиб чиқариш асосий иш жараёнларига мустаҳкамлагичларни ўрнатиш, конвейерни суриш, тош тўсикларини ҳосил қилиш ишлари ёрдамчи жараёнларга киради.

Бажарилиш усулига қараб иш жараёнлари машиналашган, қисман механизациялашган ва механизациялашмаган турларга бўлинадилар.

Тайёргарлик операциясининг бир қисми барча иш жараёнлари учун умумийdir. Унга сменали қабул қилиш, иш жойини кўздан кечириш, уни хавфсиз ҳолатга келтириш киради. Колган операциялар ускуналарни ишга тайёрлашга (масалан, бургулаш ишида шлангни асосий тармоқга улаш ва сикилган ҳаво билан тозалаш, шлангни перфораторга улаш, перфораторни мойлаш ва кўздан кечиришга) йўналтирилган бўлади.

Якунловчи операцияларнинг мақсади – ишни охирига етказиши ва меңнат қуролини, иш жойини тартибга келтиришдир.

Асосий операцияларнинг мақсади - маҳсулот яратиш ёки иш жараёнида тегишли ишни бажаришdir. Ёрдамчи операциялар асосий операцияларни бажаришга шароит туғдиради. Улар асосий операциялар билан олдинма кейин ёки айни бир вактнинг ўзида бажарилиши мумкин.

Иш жараёнида бажарилаётган асосий операцияларнинг сонига қараб агар битта асосий операция бажарилаётган бўлса,

оддий ва икки ёки ундан кўпроқ асосий операциялар бажарилаётган бўлса, мураккаб операциялар дейилади.

Фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш жараёнларида, бўғинларни, бўғинларда иш жараёнларини, иш жараёнларида эса бажариладиган операцияларнинг энг муқобилларини бирга кўшиб олиб борилишини баҳолаш асосида кончилик корхоналарида ишлаб чиқариш лойиҳаланади ва ишлаб чиқариш жараёнлари бошқарилади.

Операциялар ҳам ўз навбатида бир ижрочи томонидан бажариладиган усуллар ва харакатларга бўлинади. Усул операциянинг бир қисми бўлиб, ижрочининг муайян мақсадни кўзлаб уни бажариш бўйича якунланган харакатидан (масалан, машинани ишга тушириш, дастасини «юриш» ҳолатига буриш) иборатdir.

Харакат - бирор буюмни олиш жойини ўзгартириш, қўйиб юбориш каби ишларни бажаришдаги усульнинг бир қисми. У иш жараёнининг парчаланмайдиган бўлаги бўлгани учун харакат ёрдамида операцияларни, иш жараёнларини бажариш вақти ва меҳнат сарфи меъёрини аниқлаш мумкин.

Фойдали қазилмаларни қазиб чиқаришдаги ишлаб чиқариш жараёнини тузилишини чукур ўрганиш ускуналарни илмий асосланган иш тартибини ва оқилона меҳнат усувларини жорий қилишга ва ижрочиларнинг меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот тайёрлашда сарф харажатларни камайтиришга, ишлаб чиқариш самарарадорлигини оширишга кўмаклашади. Руда қазиб чиқарувчи кончилик корхонасидаги ишлаб чиқариш жараёнининг намунавий тузилиши (структураси) 1-расмда келтирилган. Хар бир ишлаб чиқариш жараёни ўзининг хусусиятига мос келувчи тузилишга эга. У кон - геологик шароитлар, ишлаб чиқариш технологияси, жараёнларнинг механизациялаш даражаси, ускуналарнинг таркиби, ишчиларнинг касбий малакаси бўйича белгиланади.

2.3. Ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг қоидалари ва вазифалари.

Ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг моҳияти, белгиланган мақсадга эришиш йўлида ишчи кучи ва ишлаб чиқариш воситасининг илмий асосланган тадбирлар негизида оқилона бирлаштириш ва фойдаланишдан иборатdir. Ишлаб

чиқаришни ташкил қилиш вақт ва маконда ишлаб чиқаришнинг барча унсурларини (мехнат воситаси, меҳнат буюми ва ишловчилар) ва унинг ресурсларини бир-бири билан мувоғиқлаштиради. Шундай қилиб бир корхона ичидаги ўзаро чамбарчас боғлик, маълум мақсадга қаратилган технологик ва меҳнат жараёнларининг бир бутун тизими ташкил қилинади.

Кончилик корхонасида ишлаб чиқариш жараённинг асосий вазифаси – меҳнат ва ишлаб чиқариш воситаларига, уларни юқори техник иқтисодий кўрсатқичларга эришиб ишлаши учун ёнг мақбул шароитни яратишдан иборатdir.

Кончилик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш қоидалари ва шакллари маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича давлат буюртмаларини микдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича бажаришга, меъёрий фурсатлардаги қувватларни ўзлаштиришга, меҳнат хавфсизлиги ва шу шароитларнинг санитария-гигиена ҳолатини яхшилашга имконият яратади. Шунингдек, улар ишни ташкил қилишни мақбул жадвалларига суюниб ишлаб чиқариш орасида ўзаро оқилона алоқаларни жорий қилишга, барча ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс равишда механизациялашга ва автоматлаштиришга, янги техника ва технологияни қўллашга, ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланишга, асосий ва ёрдамчи жараёнларни бажаришга, ишлаб чиқаришда тадбиркорликни ривожлантиришга ёрдам беради. Булар эса меҳнат унумдорлигини ошишига, маҳсулот таннархи пасайишига, ишлаб чиқариш рентабеллигини ўсишига олиб келади.

Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ишлаб чиқариш жараёнларининг барча бўғинларни ўз ичига қамраб олади. Фаолиятдаги кончилик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш фойдали қазилмани қазиб чиқариш (очик ёки ер ости) усулига, қазиб олинаётган минерал ҳом ашё турига, кон-геологик ва иқтисодий географик шароитларга ва бошқа омилларга қараб ўзгаради.

Ишлаб чиқаришни макон бўйича ташкил қилиш яхлит ишлаб чиқариш жараёнини технологик бўғинларга, иш жараёнларига ажратиб, уларни алоҳида ижрочи гурухларга бириктиришдан иборат. Бунда ҳар бир бўғинни маконда жойлаштириш ва иш жараёнини бажаришда улар орасида ўзаро боғлиқликни ўрнатиш таъминланади.

Ишлаб чиқаришни макон бўйлаб ташкил қилиш корхонани лойихалаш босқичида танлаб олинади ва қурилиш даврида амалга

оширилади. У узок вакт давомида нисбатан барқарор бўлиб, корхонани янгилаш ва техника воситалари билан қайта жиҳозлаш жараёнида ўзгаририлиши мумкин.

Ишлаб чиқаришни вакт бўйича ташкил қилиш корхонада қабул қилинган иш тартиби⁴ ва иш жараёнларининг бажарилишини кетма-кетлиги билан таърифланади.(2-расм). Корхонанинг иш тартиби аксарият узок муддатли фаолияти давомида барқарор бўлади.

Иш жараёнини бажарилишининг кетма-кетлиги эса технологик бўғинларнинг кундалик ҳолатига кўп даражада боғлиқ бўлади; шунинг учун уларни бир-бирига вакти-вакти билан ўзаро қайта боғлаш учун ташкилий тадбирлар орқали таъсир этиш талаб қилинади. Бу таъсирнинг даврийлиги бир кеча-кундуздан ва бир неча соат ва дақиқагача бўлиши мумкин. Қазиб чиқариш ва тайёрлов ковжойлари учун иш жараёнларининг бажарилиш давомийлиги ва кетма-кетлиги ишга чиқувчилар сонига, кон-геологик шароитларни ва фойдали қазилма сифатини ўзгаришига қараб смена давомида тартибга солиш ҳосдир.

Смена давомида иш жараёнларини олиб бориш жадаллигига қараб қазиб чиқариш ва тайёрлов ковжойларига транспорт воситаларини етказиб беришни тартибга солиш зарур бўлади.


Кечакундузга режалангтан тошириқларни бажариш учун олдинги смена иш натижаларига қараб қазиш ва транспорт ускуналари ҳар бир смена участка, ковжойлар, блоклар бўйича тақсимлашни тартибга солиш керак бўлади.

Ишлаб чиқаришни замонавий ташкил қилиш ишлаб чиқариш мутаносиблиги, маромийлиги ва узлуксизлиги қоидалари (принциплари) га асосланади.


Ишлаб чиқариш мутаносиблиги ишлаб чиқаришнинг барча бўлинмалар қувватини, ишлаб чиқариш унумдорлигини, унинг технологик бўғинларини ўтказиш қобилиятининг бир-бирига тенг бўлишини кўзда тутади. Бунда айрим технологик бўлинмалар қувватидан камроқ фойдаланиб, бошқаларни зўриқиб ишлашига йўл қўйиши керак эмас. Шундай қилинганда корхона бир маромда ва узлуксиз ишлайди. Барча бўғинларнинг ўтказиш қобилияти бир-бирига муқобил бўлиши керак. У лойиҳалаш босқичида корхонани лойиҳа қувватини аниқлаш жараёнида амалга оширилади.

2-расм. Руда қазиб чиқарувчи кончилик корхонаси ишлаб чиқариш жараёнининг намунавий узилиши (структураси).


Ишлаб чиқариш жараёнларининг босқичлари (стадиялари)




Иш жараёнларининг мажмуалари




Иш жараёни




Операциялар



Усуллар (прием)



Харакатлар



2 – расм

Хар бир технологик бўғинда унинг кувватини илмий асосланган қўшимча заҳираси қолдирилади. Бу эса ишлаб чиқариши ишончли равишда ташкил қилишни таъминлайди. Кончилик корхонаси фаолияти жараёнида лойиҳага киритилган мутаносиблик вакти-вакти билан ўзгариб туради; оқибатда технологик бўғинлар иш унумдорлигининг бошланғич бир-бирига нисбатан мувофиқлиги бузилади. Уни бирдек сақлаб туриш учун турли тадбир ва чоралар орқали ташкилий таъсир ўтказиш талаб қилинади. Шунинг учун корхонани техникавий қайта куроллантириш, қайта қуриш ва ишлаб чиқариши ташкил қилиш йўлларини такомиллаштириш каби тадбирлар ўтказилади.

Ишлаб чиқариш жараёнининг маромийлиги муайян вакт оралиғида шу жараённинг режа бўйича кўзда тутилган хусусиятларига аниқ риоя этишни тақазо этади. Маромийликнинг энг юқори ифодаси муайян вакт ораси (бир йил, квартал, ой, сутка, соат) да бир маромда (бир хил хажмда) маҳсулот ишлаб чиқаришдан иборатdir. Маҳсулотни бир маромда ишлаб чиқариш меҳнат ресурсларидан, ишлаб чиқариш жамғармаларидан тўлиқ фойдаланиш имконини беради; юқори сифатли маҳсулот тайёрлашда асос бўлиб хизмат қиласи ва ишлаб чиқариш режасини ўз вақтида бажарилишига ёрдам беради. Ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятининг бир маромда ишлаш хусусиятини

баҳолаш, ишлаб чиқариластган маҳсулотнинг бир текисдаги кўрсаткичи бир маромдалик коэффициенти К_м кўринишида белгиланади.

$$K_m = \frac{1}{k} \sum_{i=1}^{i=k} \frac{V_{ai}}{V_{pi}};$$

Бунда: V_{ai} - маълум вақт (соат, смена, кечакундуз, ўн кунлик ва ҳоказо) ичида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг амалдаги микдори, V_{pi} - таҳлил қилинаётган вақтга мўлжалланган режа топшириғи, k - таҳлил қилинаётган вақт даврларининг сони (i = 1 ... k).

Корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнлари асосий ёки ёрдамчи бўлишидан қатъий назар, бир маромда бажарилиши керак. Айрим кончилик корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлигининг паст бўлиши, бойитиш фабрикаларида фойдали

қазилмаларни бойитиб, концентрат ишлаб чиқариш маромийлигининг бузилишига олиб келади. Ишлаб чиқариш маромийлиги бузилган корхоналарда одатда биринчи ўн кунликда режанинг энг оз микдори, иккинчи ва учинчи ўн кунликда эса қолганлари бажарилади. Натижада эса, моддий ва меҳнат ресурсларидан, ишлаб чиқариш кувватларидан фойдаланишнинг қийинлашуви содир бўлади. Шунингдек ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати пасаяди.

Ишлаб чиқаришнинг узлуксизлиги ишдаги ҳар хил танаффусларни имкони борича камайтириш ва кончилик корхонасидаги технологик бўғинларнинг барчасини доимий иш билан таъминлашдан иборатdir. Ишдаги танаффусларни камайтириш, имкони бўлган ҳолларда иш жараёнларини бир вақтни ўзида биргаликда олиб бориш, ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва ускуналарни иш билан таъминланиши керак. Иш жойида ёрдамчи операцияларни камайтириш ва уларни асосий операциялар билан бир вақтнинг ўзида бажариш йўли билан, участка ва корхоналарда тайёрлов ишларини, транспортни, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи цехлар ривожланишини ўздириш йўли билан ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлаш учун асосий ва ёрдамчи жараён ва операцияларни бир вақтнинг ўзида (параллел) бажарилишини ташкил қилиш керак. Унинг дастлабки шарти жараён ва операцияларни ихтисослашдир; бунда ҳар бир технологик бўғиннинг иши аниқ чегараландади.

Кончилик корхоналаридан фойдали қазилмани қазиб чиқаришга тайёрлаш, уларни қазиб чиқариш, транспорт воситаларида ташиш, ер юзасига чиқариш жараёнлари бир вақтнинг ўзида олиб борилади. Бунда ишлаб чиқариш жараёнини бир йўналишда олиб борилишини таъминлаш катта аҳамиятга эгадир; яъни қазиб чиқарилаётган фойдали қазилмани энг қисқа йўл билан ковжойдан истеъмолчига юбориладиган жойга, кон жинсини эса, ағдарма ташланадиган жойга жўнатишидир.

Кончилик корхоналари иншоотларини тўғри жойлаштириш ишлаб чиқариш жараёнларини бир йўналишда амалга оширишнинг асосий шартларидан бири бўлиб, у қазиб чиқарилган фойдали қазилманинг энг қисқа харакат йўлини, кон лахимларни ва муҳандислик коммуникациялари узунликларини қисқартишни таъминлайди.

2.4. Кончилик саноати ва геология-қидирув ишларида корхона ва фирмаларнинг ташкилий тузилиши.

Давлат геологик корхонасини бош директор бошқаради (3-расм). Бош директор Ўзбекистон Республикаси геология ва миснерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан сайланади. Бош директорнинг биринчи ўринбосари бўлиб – бош мухандис хисобланади. Бош геолог, бош иқтисодчи, хўжалик хизмати ва кадрлар бўлими раҳбарлари ҳам бош директорнинг ўринбосарларидир.

Бош директор давлат геологик корхонасининг ишини ташкил этади ва унинг фаолиятига тўла жавоб беради.

Бош геолог геология, геологик фондлар, геофизик ишлар, гидрогеологик ишлар, давлат геологик назорати бўлинмаларига раҳбарлик қилади.

Бош мухандис ишлаб чиқариш ва диспетчерлик, техник, энергетика, меҳнат муҳофазаси бўлимларига раҳбарлик қилади.

Бош иқтисодчи режалаштириш, молия, меҳнатни ва иш ҳақини ташкил қилиш, лойиҳа – смета, ташки иқтисодий алоқалар бўлимларига раҳбарлик қилади. Таъминот ва қурилиш ишлари бўйича бош директор ўринбосари капитал қурилиш, моддий – техника таъминоти, транспорт бўлимларига раҳбарлик қилади.

Кадрлар ва ижтимоий ривожланиш бўйича бош директор ўринбосари кадрлар, хўжалик ва ижтимоий масалалар бўлимларига раҳбарлик қилади.

Баъзи давлат геологик корхоналарининг ташкилий тузилиши юқорида кўрсатилган схемадагидан қисман фарқ қилиши мумкин.


Назорат саволлар

1. Ишлаб чиқариш жараёни ҳақида қисқача тушунчангизни айтиб беринг.
2. Ишлаб чиқариш жараёнини таркибини ва тузулишини тушунтиринг.
3. Кончилик саноатида ишлаб чиқариш жараёнларини қисқача тавсифланг.

4. Геология қидирув ишларида ишлаб чиқариш жараёнларини қисқача тавсифланг.
5. Ишлаб чиқариш жараёнларини таркибий қисмларга бўлинишини кўрсатинг.
6. Геология қидирув ишларида ишлаб чиқариш жараёнларининг таркибий қисмларга бўлинишини кўрсатинг.
7. Кончилик саноатида меҳнатнинг иш қуроллари бўйича таъминланганлиги бўйича жараёнларга бўлиниши.
8. Геология қидирув ишларида меҳнатнинг иш қуроллари бўйича таъминланганлиги бўйича жараёнларга бўлиниши.
9. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш моҳияти, коидалари ва вазифаларини изоҳланг.
10. Коңчилик саноати ва геология қидирув ишларида ишлаб чиқариш жараёнларини ўзига хос хусусиятларини айтиб беринг.

ДАВЛАТ ГЕОЛОГИК КОРХОНАЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ

3- расм.



III. КОНЧИЛИК ВА ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИДА ИШ ТАРТИБИНИ (РЕЖИМИНИ) ТАШКИЛЛАШТИРИШ

3.1. Иш тартиби ҳақида умумий түшүнчә.

Кончилик корхонаси ишини вакт давомида мақсадга мувоғиқ ташкил қилиш корхонани бошқаришнинг энг асосий вазифаларидан биридир. Корхонанинг йил, хафта, сутка давомида ишлаб чиқариш күвватлари ҳамда асосий фондлардан фойдаланишининг юқори дараҳасини таъминловчи меҳнат шароитларини яхшилаш ва унинг хавфсизлигини ошириш билан бирга меҳнат унумдорлигининг юқори бўлиши ишлаб чиқариш сарф-харажатларини камайтиришни таъминловчи иш режими самарали ҳисобланади.

Хар бир муайян корхонанинг вакт давомидаги иш вақти шу корхонанинг объектив шарт-шароитларидан келиб чиқиб белгиланади. Корхона раҳбарияти ва ишлаб чиқариш бошқаруви аппаратининг энг асосий вазифаси-маҳсулот бирлигига сарф-харажатларнинг кам бўлиб, ишлаб чиқариш самарадорлигининг юқори бўлишини таъминловчи вакт бўйича объектив иш режимини жорий қилишдан иборатdir. Бунинг учун корхона раҳбарлари шу корхонанинг моддий техника, ижтимоий-иктисодий шароитларини тўлиқ ва ҳар томонлама айниқса ушбу тармоқда қўлланиладиган техникани мукаммал билиши зарур.

Кончилик корхонасининг иш режими ишлаб чиқаришни ташкил қилиш жиҳатларидан бири бўлиб, у иш сменаси, сутка ва йил давомида ишлаб чиқариш воғчталаридан, 1-навбатда, ишлаб чиқаришнинг муайян жадаллигида техникадан фойдаланишини ифодалайди.

3.2. Йиллик ва суткалик иш режимлари.

Кончилик корхонасининг иш режими деганда, фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш ва уарни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган барча иш жараёнларини вакт давомида тақсимланиши тушунилади.

Корхонанинг иш режими қуйидаги кўрсаткичлар: йил давомидаги иш кунлари, йил давомидаги иш ҳафталари, сутка давомидаги сменалар сони ва иш сменасининг давомийлиги билан

тавсифланади. Шахталар ва карьерлар, бойитиш фабрикалари ва ёрдамчи цехларнинг, шунингдек, ишлаб чиқариш участкаларининг йиллик ва суткалик иш режимлари мавжуд.

Корхонанинг иш режими йил давомидаги иш кунлари сонига кўра узлукли ва узлуксиз бўлиши мумкин. Узлукли йиллик режимда корхона ёки унинг тағкибидаги айрим бўлинмалари умумий дам олиш кунларида ва байрам кунларида ишламайди. Бу ишланмайдиган кунларда таъмирлаш ишлари бажарилади. Шунингдек, баъзи бир узлуксиз характердаги (шахталардаги сувларни чиқариш, шахтани шамоллатиш) ёрдамчи ишлар ёки асосий жараёнларнинг тўхтатилишини талаб қилувчи ишлар (ялпи портиллатиш ишларини амалга ошириш, шахтадаги иш жойига материаллар ва асбоб-ускуналарни тушириш ва етказиш) бажарилади.

Хафтадаги умумий дам олиши кунлари сони ва иш сменасининг давомийлигига кўра узлукли йиллик иш режимининг кўйидаги вариантлари қўлланилади:

1. Корхона ишлаб чиқаришини 6 кунлик ҳафта бўйича ташкил қилиш. Бунда 6 ёки 7 соатли сменалар асосида ишлаб чиқариш ташкил қилиниб, ҳафтанинг бир куни умумий дам олиш куни бўлади.

Бу ҳолда корхонанинг йиллик иш кунлари сони ($T_{иши}$)

$$T_{иши} = T_k - T_b - T_d = 365 - 8 - 52 = 305 \text{ кун}$$

Бунда: T_k , T_b ва T_d -тегишли равишда бир йилдаги календар, байрам ва умумий дам олиш кунлари сони.

Иш сменаси 1 соат ёки 1,2 соатга узайтирилган ишчиларга ўзгарувчи графикка асосан ҳар ҳафтада қўшимча иш кунлари берилади.

2. Корхона ишлаб чиқаришини 5 кунлик ҳафта бўйича ташкил қилиш. Бунда корхонада 7 ёки 8 соатли сменалар асосида ишлаб чиқариш ташкил қилинади ва ҳафтанинг икки куни умумий дам олиш кунлари бўлади.

Корхонанинг йиллик иш кунлари қўйидагича аниқланади:

$$T_{иши} = 365 - 8 - 104 = 253 \text{ кун}$$

Маълумки, бу режимда ҳар бир ишчи сменада 0,2 соат ҳафтада эса 1 соат кам ишлайди. Бунинг ўрнини тўлдириш учун асосий иш жараёнлари кечадиган етти соатлик иш сменаси учун ҳар етти ҳафтадан кейинги ва 8 соатлик иш сменаси учун 8 ҳафтадан кейинги бир умумий дам олиш куни иш кунинг айлантирилади. Унда йил давомидаги иш кунларининг қўшимча сони тегишли равишда:

$$T_{иш(7)} \leq 52/7 = 7,4 \approx 7 \text{ кун ёки}$$

$$T_{иш(8)} \leq 52/8 = 6,5 \approx 7 \text{ кун}$$

Йил давомидаги шундай иш кунларини ҳисобга олсак;

$$T_{иш} = 253 + 7 = 260 \text{ кунни ташкил қиласди.}$$

Корхона, шўъба ва участкада ишлайдиган битта ишчининг йиллик иш кунлари қўйидаги ифодадан топилади:

$$K_n = (365 - T_d - T_b - 0) \cdot 0,96 \text{ кун}$$

Бунда: 0- ишчининг йиллик таътил кунлари.

0,96- ишчининг бир йилда сабабли ишга чиқмаслик кунларини ҳисобга олувчи коэффициент.

Рўйҳат коэффициенти қўйидаги ифода орқали топилади:

$$K_{рўй} = T_i / K_n$$

Умумий дам олиш кунларига эга бўлган узлукли иш режимларининг қўйидаги афзалликлари бор:

- умумий дам олиш кунларида режадаги эҳтиёткорликни таъмирлаш ишларини ўтказиш учун меъёрдаги шароитлар яратилади. Бунинг натижасида иш вактида машина ва механизмлар бетўхтов ишончлилиги ортади;
- ишчиларнинг доимий таркиби уларни алмаштирувчи сменаларсиз ва бригадаларсиз таъминланади;
- ишчилар учун маданий-маиший ва жамоат тадбирларни ўтказиш учун кенг имкониятлар яратилади.

Узлукли иш режимининг камчилиги-режалаштирилган иш вақти фондининг камлигидир. Бу эса баъзи ҳолларда кончилик корхоналарининг ишлаб чиқариш кувватлари ва асосий фондлардан фойдаланишнинг ёмонлашувига олиб келади.

Узлуксиз йиллик иш режимида корхона ёки унинг таркибий бўлинмалари умумий дам олиш кунларисиз ишлайдилар. Бу ҳолда режадаги эҳтиёткорлик таъмирлаш ишларини ўтказиш учун бир ойда бир таъмирлаш куни ҳисобдан маҳсус ишланмайдиган

(таъмирлаш) кунлари ($T_{там}$) ажратилади. Бунда таъмирлаш кунлари қоидага кўра байрам кунлари билан қўшилади, яъни кўшимча ишланмайдиган кунлар йилда байрамлари бўлмаган фақат етти ойга мўлжаллаштирилади. Шундай қилиб, узлуксиз иш режимида бир йилдаги иш кунлари сони

$$T_{иш} = T_k - T_b - T_{там} = 365 - 8 - 7 = 350 \text{ кунни ташкил қиласди.}$$

Суткали иш режими ҳам узлуксиз ва узлукли бўлади.

Кончилик саноати корхоналаридаги узлуксиз иш режими, яъни ишнинг 24 соати давомида бажарилиши фақат баъзи хизматлар (шамоллатиш, сув чиқариш, кўтариш)ни бажарилиши учун қабул қилинган.

Узлукли суткалик иш режими кончилик корхоналарининг эксплуатация участкалари ва цехларининг кўплиги учун белгиланган ва ишчи сменалар сони, уларнинг давомийлиги, шунингдек, сменалараро танағ фуслар билан белгиланади. Узлукли суткалик иш режими бир сменали, икки сменали, уч сменали бўлиши мумкин.

Корхонанинг иш режими ишчилар меҳнат унумдорлиги даражасини аниқловчи омиллардан бири ҳисобланади. Оқилона ташкил қилинган иш режими бир-бирига боғлиқ ишлаб чиқариш бўгинларида ишчи бригадалари алмашиб муддатининг мос тушишини, айрим тоифалар ва гурухлар бўйича штатларнинг доимийлигини таъминлайди. Узлуксиз режимда корхона асосий фондиаридан узок вақт фойдаланинг қарамасдан асбоб-ускуналар ва машиналарнинг режимдаги эҳтиёткорлик кўриги ва таъмирланишини ташкил қилиш ва ўтказиш мураккаблашади, стволлар, асосий ташиш лахмлари ва темир йўлларини таъмирлашни олиб бориш қийинлашади. Ишлаб чиқариш бригадалари таркибининг доимийлигини сақлаш мумкин эмас. Чунки ишчиларнинг бир қисми ўзгарувчи график бўйича дам олади. Бу ишчиларнинг ўрнида эса уларни алмаштирган ишчилар ишлайди.

Узлуксиз иш режими – асбоб-ускунанинг жуда тез эскиришига, уларни муддатидан илгари алмаштиришга кон лахимларини қониқарсиз ҳолатга олиб келади. Бу эса ўз навбатида ер ости транспортининг ишини, шамоллатиш шароитларини қийинлаштиради. Ишловчиларнинг хордик чиқаришини меъёр бўйича ташкил қилишда ва уларга маданий хизмат кўрсатишида маълум қийинчиллар туғдиради.

Корхоналар умумий дам олиш кунига эга бўлган узлукли иш хафтасига ўтказиш меҳнатни ташкил қилишни яхшилашга, ишчиларнинг ишга чиқишидаги ўзгарувчи графикнинг тугатилишига, ишчилар таркибининг доимийлигига ва улар ишининг тартибни бўлишига, меҳнат унумдорлигининг ошишига ва интизомнинг яхшиланишига, маҳсулот таннархининг камайишига ёрдам беради.

Умумий дам олиш кунининг мавжудлиги таъмираш ишларини ўз вақтида ўтказишга имкон беради. Бу эса кон лахимлари холатини яхшилашга имкон яратади. Турғун (доимий бир жойда ишлатиладиган) .сабоб-ускуналарнинг, ковжой машиналари ва механизмларининг бузулиши кескин камаяди.

Кончилик корхонаси ва унинг таркибий бўлинмаларининг самарали иш режимини асослаш учун энг аввало ишлаб чиқаришдаги иш жараёнлари ва бўғинлари бўйича асосий асбоб-ускуналар учун белгиланган ишлаб чиқариш кувватини ўзлаштириш даражасини, шунингдек мавжуд номутаносибликларни тугатиш хисобига уни (яъни кувватини) ошириш имкониятларини белгилаш зарур. Бунда қонуний тартибда тасдиқланган иш хафтаси ва иш сменасининг давомийлиги хисобга олинади. Кейин муайянни кон-геологик шароитлардан, қабул қилинган технологиядан, турғун асбоб-ускуналар ва бошқа машина ва механизмларининг эҳтиёткорлик профилактик кўриги ҳамда таъмираш учун зарур бўлган вактдан, хавфсизлик қоидалари талабларига кўра фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш жараёни тўхтатувчи технологик танаффусларнинг заруриятидан ва муддатидан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришнинг белгиланган режаларини ва ишнинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичларини бажариш мумкин бўлган соатлар, сменалар, суткаларнинг муқобил сони аниқланади.

Ҳозирги вактда кончилик корхоналарида асосан қуйидаги йиллик иш режимлари: бир умумий дам олиш кунига эга бўлган йиллик узлукли режим, икки дам олиш кунига эга бўлган иш режими қабул қилинган. Узлукли режимда корхона хафтада 6 кун ишлайди. Хафтада 5 кун ишлайдиганлар учун эса иккинчи дам олиш куни сурилма графикка кўра хафта давомида белгиланади (6K1 варианти). Узлукли иш режимида корхона ва ишчилар хафтада 5 кун ишлайдилар; икки умумий дам олиш кунида дам оладилар (5K2 варианти). Шахтада ишловчилар бундай режимда

ишлаганларида механизмлар ва кон лахимларида режа бўйича ўтказиладиган эҳтиёткорлик таъмирлашлари сифатли бўлади. Бирок бунда кон босимининг микдори ва унинг оқибатида ер ости шароитлардаги қазиш усулида ковжойлар замини ва шипидаги жинсларнинг силжиши ва бошқа ўзгаришларни, юкларни ташиш ва шамоллатиш лахимлари ҳолатига уларнинг таъсирини ҳисобга олиш зарур.

Илгари узлуксиз йиллик иш режими узлукли режимга ўтиш учун зарур резервларга эга бўлмаган ёки кон-геологик шароитларга кўра қазиш ковжойларида ишларни узоқ вақт тўхтаб туришига йўл қўйиб бўлмайдиган баъзи корхоналарда фойдаланилар эди.

Сўнгти йилларда корхоналарнинг бозор муносабатларига ўтиши, шунингдек янги техника қўлланилаётган ковжойлар сонининг ошиши билан уларнинг суткалик иш режими қазиб оловчи сменалар сонининг кўпайиши сонига анча ўзгарди.

Қазиш жойларининг уч ёки икки қазиб чиқарувчи смена ва бир таъмирлаш-тайёрловчи сменасидан иборат иш режими кенг тарқала бошлади. Бунда 6 соатдан ишловчи 4 қазиб оловчи сменали ковжойлар сони ва бир қазиб оловчи сменали ковжойлар сони нисбатан анча қисқаради.

Ер остида ишловчилар учун 5 кунлик иш хафтасида иш сменасининг 6 соатдан 7,2 соатга смена боши ва сўнгиди бажариладиган узайиши тайёргачлик хотима операцияларини бажариш учун кетган вақти ва ишчининг кончилик корхонасида смена бошланмасдан олдин келган ва тугагандан кейин бўлган вақти оралиғидаги муддатини унинг иш жойига бориши ва қайтишини ҳам ҳисобга олган ҳолда қисқартиради.

Корхона ва унинг участкалари иш режими танланаётган иш хафтасининг давомийлиги ер остида ишловчилар учун 36 соатни, ер устида ишловчилар учун 41 соатни ташкил қилишини ҳисобга олиш зарур. Фойдали қазилмалар қазиб чиқарувчи корхоналарда асосий ер ости касбларида жуда мураккаб шароитларда ишловчи ишчилар учун 30 соатлик иш хафтаси белгиланган.

Корхонанинг энг самарали иш режимини танлаш унинг иши пировард натижалари, иктисадий, технологик, ташкилий, ижтимоий ва физиологик омилларга таъсирини баҳолаш натижаларга кўра амалга оширилиши лозим. Ҳар бир алоҳида олинган омил учун айнан бир иш режимининг самараадорлигини

баҳолаш турли хил, кўпинча бир-бирига зид хуносаларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун кончилик корхонаси иш режимини узил-кесил танлаш учун таъсир кўрсатувчи омиллар ҳар бирининг афзалликлари ва камчиликларини ҳисобга олиниши лозим. Жамият ривожининг турли босқичларида омилларнинг нисбий аҳамияти жиддий ўзгариши мумкин, шунинг учун иш режимининг охирги танлови доим ҳар бир даврнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсий мақсадлари билан уйгунилкда амалга оширилади.

Корхонанинг оқилона иш режасини нафақат корхона курилтишини лойиҳалаш, қайта қуриш ва техник жиҳозлаш босқичида, балки шунингдек ундан фойдаланиш жараённида ҳам белгилаш мумкин.

Меҳнат социологияси ва физиологияси талабларидан келиб чиқиб корхоналарнинг оқилона иш режимини танлашда смена вақтининг узайиши ишчининг толиқишини кўпайишига ва оқибатда ишчининг 7-8 соатларида меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келишини ҳисобга олиш зарур. Тунги сменадаги меҳнатда самарацорликнинг пасайиши ва жароҳатланишнинг тез-тез учраб туриши ҳоллари кузаттилади. Шу билан бир вактда ўзгармас иш хафтасидаги иш кунлари сонининг камайиши ва смена давомийлитининг ўсиши ишчиларнинг ишдан ташқари вақтини бекорга сарф бўлишини (масалан, ишга бориб келиш вақти, наряд олиш, кийим алмаштириш ва бошқалар) қисқартиради ва хордик чиқаришнинг кўшимча кунлари ҳисобига ўз шахсий вақтини мақсадга мувофиқ ташкил қилиш (билимини ошириш, маданий тадбирлар, дам олиш) имкониятини кенгайтиради. Кетма-кет икки кунлик хордик кунлари бўлган беш кунлик иш режимим бу талабларга жуда мос келади.

Технологик омилларнинг таъсири асбоб-ускуналар ва конлахимлари профилактикаси ва жорий таъмирлаш ишлари учун етарли вакт ажратишда намоён бўлади. Кудратли ва қимматбаҳо ҳозирги замон асбоб-ускуналарининг унумли ишлашини ташкил қилиш учун бу мақсадларга ҳар суткада 5-6 соатни ва хафта охирида камида 1-2 сменани ажратиш зарур. Агар профилактика ва таъмирлашга оид талабларга риоя килинмаса, унда асбоб-ускуналарнинг носозлиги ва бўзулиши натижасидаги бекор туришлар кескин ортади. Технологик талабларни асосий жараёнларда ускуналарнинг 6 соатлик, ёрдамчи жараёнларда 7

соат давом этадиган 3 сменалик иш режими анчагина қониқтиради.

Истеъмолчиларга фойдали қазилмани юклаб жўнатиш вақтидаги корхона иш режимини ташкилий омиллар яққол намоён бўлади. Юклаб жўнатилган маҳсулот ҳажми кўпчилик ҳолларда кечакундуз бир маромда маҳсулот юклаб жўнатишни талаб қилувчи истеъмолчининг (иссиқлик, электр маркази, Давлат туман электр станцияси (ГРЭС), кон-бойитиши фабрикаси, металлургия ва бошқалар) технологик режимга мос бўлиши зарур. Шу нуқтаи назардан маҳсулот тўпланадиган энг кам сонли омборхоналарга эга бўлган кончилик корхоналарининг узлуксиз иш режими мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодий омиллар иш режимига асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишининг экстенсив ва интенсив кўрсаткичлари ва меҳнат унумдорлиги орқали таъсир қиласидилар. Назарий жиҳатдан иқтисодий омиллар корхонанинг асосий фондларидан фойдаланишга интилишининг шундай даражасини тавсифлайдики, унда меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш жараёнини жадаллашуви жиддий пасая бошлайди.

Кончиликнинг ҳар бир соҳасида олимлар томонидан ўтказиладиган бир қатор тадқиқотлар асосида юқорида қайд этилган омиллар мос тушувчи кончилик корхонасининг қўйидаги иш режими белгиланган. Бу иш режими корхона учун бир дам олиш куни ва бир таъмирлаш тайёрлов сменасидан иборат.

Шу билан бирга бошқа иш режимлари ҳам қабул қилиниши мумкин. Масалан, ёндошув жинслари мустаҳкам бўлмаган конларда қазиб чиқариш ишлари олиб борилганда корхонанинг узлуксиз йиллик иш режими белгиланади. Ноқулай об-ҳаво шароитларида икки дам олиш кунларидан бири ишчининг навбатдаги меҳнат таътилига қўшилишини тақозо этувчи иш режими қабул қилиниши мумкин. Чекланган микдорда маҳсулот сотувчи корхоналар шанба ва якшанбада икки кунлик дам олиш кунига эга бўлган беш кунлик иш режимида ишлайдилар.

Лойиҳалаш босқичида технологик лойиҳалаш меъёрларига кўра тегишли кончилик тармоқлари ва шоҳобчалари учун иш режими белгиланади, ундан кейин унинг асосий кўрсаткичларини оптималлаштириш жараёнида лойиҳа билан асосланади. Чунончи, кўмир қазиб чиқариш саноатида технологик лойиҳалаш меъёрларига кўра шахталар учун суткасига б соат давом этадиган

уч сменали ва битта 6 соатлик таъмирлаш-тайёрлов сменали, йилига эса 300 иш кунлик режимини қабул қилиш тавсия қилинади. Тўсатдан кон массасини отиб юборувчи ва тоғ зарбаларини содир этувчи хавфли шахталар суткасига 2 та қазиб чиқарувчи сменали, 1та динамик ҳодисалар билан курашувчи ва яна бир таъмирлаш тайёрловчи сменасидан иборат бўлган иш режимини қабул қилиш мумкин.

Кўмир разрезларида кон очиш ва қазиш ишлари учун йил давомида 8 соатлик 3 сменали 357 иш куни қабул қилинади. Кўмир бойитиш фабрикалари учун йил давомида 8 соатлик, Зсменали 300 иш кунига эга бўлган иш режими белгиланган. Рангли металлар рудаларини ер ости усулида қазиб чиқарувчи корхоналарида суткасига 3 иш ва 1 таъмирлаш тайёргарлик сменали, йил бўйича 305 иш куни қабул қилинади. Бунда сменаларнинг давомийлиги 6 соат, карьерларда йил давомида 305 кун қабул қилиниб, ишлар суткасига 3 та етти соатлик сменада олиб борилади. Руда бойитиш фабрикаларида эса суткасига етти соатдан иборат 3 сменали ҳамда йилга 330 иш кунига эга бўлган иш режими қабул қилинади.

Назорат саволлар.

1. Кончиллик саноати ва геология қидирув ишлари корхоналарида иш тартибини ташкил этиш ҳақида қисқача тушунча.
2. Кончиллик саноати корхоналарда суткалик иш режимлари.
3. Геология қидирув ишларида суткалик иш режимларининг тавсифи.
4. Кончиллик саноати корхоналарда йиллик иш режимлари.
5. Геология қидирув ишларида йиллик иш режимлари.
6. Узлукли иш режимининг тавсифи.
7. Узлуксиз иш режимининг тавсифи.
8. Кончиллик корхоналарида иш тартибини ташкил этиш.
9. Геология қидирув корхоналарида иш тартибини ташкил этиш.
10. Кончиллик саноати ва геология қидирув ишларини ташкил этишда иш тартибини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини ва фарқини изоҳлаб беринг.

IV. КОНЧИЛИК ВА ГЕОЛОГИЯ ҚИДИРУВ ИШЛАРИДА АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

4.1. Кончиллик саноатида асосий ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

Кончиллик саноати ва геология-қидирув ишлари корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш деганда, вакт ва макон бўйича иш жараёнларини, ҳамда ишлаб чиқариш бўғинларини бир-бирига боғлаб олиб бориш натижасида моддий техника манбааларидан самараали фойдаланиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги, маҳсулот сифатини оширилиши ва мўлжалланган режани мунтазам бажарилиши тушунилади.

Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш усул ва шакллари корхона, участкаларнинг техника билан таъминланганлик даражаси орқали белгиланади. Коғжой ва бошқа ишлаб чиқариш бўғинларида юқори унумдорликка эга бўлган машина-механизмлар, илғор технологияларни жорий қилиш ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилиш усулларини такомиллаштиришни, алоҳида иш жараёнлари, участка (цех) лар фаолиятини бир-бирига мослаштиришни талаб киласди; акс ҳолда ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган моддий неъматлар ва меҳнат самарасиз бўлиб, ортиқча харажатлар содир бўлади. Бу эса ўз навбатида кон қазиш ишлари техник-иктисодий кўрсаткичларнинг пасайиб кетишига олиб келади.

Замонавий кончиллик корхоналарида кон қазиш ишларини ташкил қилишнинг икки усули—цикллик ва узилма-поток усулларидан кенг фойдаланилади.

Кон қазиш ишларини ташкил қилишнинг цикллик усули. Кончиллик корхоналарида қазиш ишларини ташкил қилиш шакллари корхонанинг ишлаш тартибини (корхона ишлаб

чиқариш фаолиятини вақт бўйича ташкил қилиш), қазиш ва таъмирлаш сменаларининг кетма-кетлиг тартиби, иш жараёнлари ва операцияларнинг таркиби, уларни бажаришнинг кетма-кетлиги ва тезлиги, циклларнинг сони ва давомийлигига қараб танлаб олинади. Кўмир шахталарида қазиш ишларини ташкил қилиш циклларининг ўзига хос хусусиятлари сутка давомида таъмирлаш ва тайёрлов ишлари учун доимий таъмирлаш тайёрлов сменаси ишлаши ёки сутка давомида қазиш ишларини тўхтатишга мўлжалланган технологик танаффусларнинг мавжудлиги билан белгиланади. Агарда таъмирлаш ва тайёрлаш ишлари сутка давомида маълум сменада бажарилиб, ундан сўнг янги цикл учун тайёргарлик ишлари амалга ошириладиган бўлса, у ҳолда қазиш ишлари «қатъий график» деб аталмиш график асосида ташкил қилинади.

Ташкил қилишнинг бу шаклига таъмирлаш ва тайёрлов ишларини бутун смена давомида эмас, ундан камроқ вақт (2-4 соат) давомида, қазиш ишларини тўхтатиб, бу ишлар учун мўлжалланган алоҳида қисқа сменарларда бажариш усули ҳам киради.

«Қазиш ишларини цикли» деганда, белгиланган ковжой сурилишини унинг бор бўйича таъминлаш учун аниқ кетма-кетликда, бир-бирига боғлаб бажариладиган барча иш жараёнлари ва операцияларининг мажмуи тушунилади.

Мавжуд кон-геологик шароитларда циклни ташкил килувчи иш жараёнлари ва операциялари таркиби қўлланилаётган қатламларни қазиб чиқаришда цикл таркиби куйидагилардан: кўмирни комбайн ёрдамида қазиш ва юклаш, ковжойни тозалаш ва мустаҳкамлаш, кўмирни ковжой бўйлаб, элтиш ва мустаҳкамлаш материалларини ташиш, тахмонлар ўйиш, элтиш воситасини кўчириш (суриш), комбайнни демонтаж қилиш, кон босимини бошқарищдан таркиб топади.

Катта қалинликка эга бўлган қатламларни бурғулаб – портлатиш технологияси бўйича қазиб чиқаришда (Оҳангарон кўмир кони 9-шахта) цикл таркибга – шпурларни бурғулаш, уларни портловчи моддалар билан тўлдириш, портлатиш ва ковжойларни шамоллатиш, портлашдан ағдарилган кўмирни элтиш воситасига қўлда юклаш, кўмирни элтиш, ковжойни тозалаш ва мустаҳкамлаш, элтиш воситаси (конвейер)ни суриш ва кон босимини бошқариш ишлари киради.

Комбайнлар билан жиҳозланган ковжойларда бир циклда амалга ошириладиган ковжой суримиши комбайннинг бари узунликларидан 9-10% кўпроқ миқдорда бўлади. Катта қияликка эга бўлган (огиши бурчаги 45 дан катта бўлган) қатламларни қазиш ковжойларда ковжойнинг бир циклдаги суримиши икки мустаҳкамлагич орасидаги масофа тенг бўлади. Қалқонсимон мустаҳкамлагичлар қўлланилган ковжойларнинг бир циклдаги суримиши қалқоннинг юқоридан пастга туширилиш масофасига тенг бўлади; аммо суримиш масофаси қазиб олинаётган қатлам қалинлиги бўйича хисобланган суримиш масофасидан кам бўлмаслиги лозим.

«Қатъий график» асосида ишлаб чиқаришни ташкил қилинганда қазиш ишлари билан таъмирлаш-тайёрлов ишлари бирин-кетин уларга ажратилган сменалар давомида амалга оширилади. Шунинг учун ушбу график асосида қазиш ишларини ташкил қилишда смена давомида бажариладиган цикллар сони тугал бўлиши талаб қилинади. Башарти, айрим сабабларга кўра, цикллар сонининг тугал бўлишига сутка давомида эришилиши шарт бўлади. Бир смена ёки суткада бир, икки, уч, тўрт ва ундан кўп тугал цикллар сони бўлиши «қатъий график» асосида ишлаб чиқаришни ташкил қилишга мисол бўла олади.

Кон қазиш ишларини циклли шаклда ташкил қилишда қуидаги сабаблар: ковжойда бажариладиган барча жараёнларни тўла механизациялаштирилмаганлиги (бунга сабаб айрим жараёнларни ўз вақтида бажармаслигига олиб келади); шахта ичи транспортилаги камчиликлар (бу ковжойларнинг ўз вақтида транспорт воситалари билан таъминланмаганлиги туфайли қазиш машиналарини бекор туриб колишига сабаб бўлади); қўлланилаётган машина-механизмларнинг сифати пастлиги натижасида тез-тез уларни бузилиши ва авария ҳолатларига олиб келиши ишни мураккаблаштиради ва график бўйича ишларни ташкил қилишга салбий таъсир кўрсатади.

Илмий-техника тараққиётининг муттасил ривожланиб бориши қазиш ишларини такомиллаштириб, уни ташкил қилиш шаклига таъсир кўрсатмоқда; яъни қазиш ишларини циклли шаклидан поток шаклида ташкил қилишга ўтиб боришга олиб келмоқда. Қазиш ишларида кўмир комплексларининг қўлланиши ва руда конларида ўзи юрар техникалардан фойдаланиш, қазиш ишларини «қатъий график» асосида эмас, балки «ўзгарувчи

график» асосида ташкил қилишга имконият яратиб бермоқда. Қазишиш ишларини «ўзгарувчи график» асосида ташкил қилишда таъмираш-тайёрлов ишлари «қатъий график»да кўзда тутилган сутканинг маълум бир вақтида бажарилмай, сутка давомида имконият тугилган вақтлардагина бажарилиши мумкин. Натижада «ўзгарувчи график» асосида ишлаб чиқаришни ташкил қилиши фойдали ишларни бажаришга сарфланадиган вақтни «қатъий график» ка нисбатан бир мунча ўзгартиришга олиб келади. Кўмир саноати корхоналаридаги олиб борилган тадқиқотлар натижасида «ўзгарувчи график» қўлланилган ковжойларда фойдали иш вақти «қатъий график» ка нисбатан 13-14%га кўпайганлиги аникланган. Ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг бу шаклида ҳам циклда бажарилиш лозим бўлган технологик жараёнларни бирин-кетин бажариш тартиби сақланиб қолади; аммо янги циклни бошлашга мўлжалланган тайёргарлик ишларини амалга ошириш учун қазишиш ишларидаги содир бўладиган танаффуслар сутканинг маълум бир вақтига тўғри келиши шарт эмас. Қазишиш ишларининг кетма-кетлигини белгиловчи қатъий график бўлмаганлиги сабабли кон машиналари холатини кузатиш ва техник хизмат кўрсатиш, лаҳм ва темир йўлларини таъмираш учун алоҳида вақт ажратилиши шарт.

Доимий таъмираш тайёрлов смена қўлланилганда қазишиш ишларини ташкил қилиш графиклари. Муайян кон-геологик шароитларда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бажарилиши лозим бўлган технологик жараёнларни вақт ва макон бўйича бирин-кетин амалга ошиширилишини, уларнинг ҳажмларини аниклашни қўлланиладиган ускуналарни батартиб жойлаштириш ҳамда ишчилар тақсимотини яқдод кўрсатиб турувчи график асосида қазишиш ишларини муваффақиятли бошқаришни кўзда тутади.

График мумкин қадар содда, тушунарли ва тезкор бошқариш учун қулай бўлиши керак. Қазишиш ишларини ташкил қилиш графиги циклда бажариладиган барча жараёнларга таъсир этувчи омилларни чукур таҳлили қилиш, жараёнларни боғлаб олиб боришга зарур бўлган хисоб-китобларга асосланган бўлиши керак.

Қазишиш ишларни ташкил қилишни лойиҳалашда қўйидагиларни назарда тутиш лозим:

- машина ва механизмларнинг максимал унумдорлигини таъминлай оладиган иш режими;
- илғор тажрибага асосланган ишчилар меҳнатини ташкил қилиш;
- бажариладиган ишларнинг хавфсизлигини таъминлаш;
- меҳнат шароитларини яхшидаш ва шу асосда меҳнат мөърларини ошиги билан бажаришга имкон яратиш.

Бу талаблар бир циклда бажариладиган барча жараёнларнинг ҳажмлари ва бажарилиш тезлиги ўргасидаги мутаносибликларни тўғри белгилашга эҳтиёж туғдиради. Шу мутаносибликларни ўзида акс эттирган графиклар асосида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш қазиш ишлари самарадорлигини таъминлайди ва жараёнларни тезкор бошқаришга қулайликлар яратади. Улар қуйидагича:

1. Қазиш ишларига таъсир этувчи кон-геологик, технологик омиллар аникланади.
2. Бир циклда бажариладиган жараёнлар ва уларнинг ҳажмлари ҳисобланади.
3. Бир циклдаги ишларни бажаришга зарур бўлган ишчилар сони аникланади.
4. Ковжойларнинг иш режимига мувофиқ унда бажариладиган барча жараёнларнинг давомийлиги (цикл давомийлиги) аникланади.
5. Айрим жараёнларни бажаригани бир-бирига қўшиб олиб бориш имконларини ҳисобга олган ҳолда уларни бирин-кетин бажариш тартиби аникланади.
6. Ишларни бажариш режаси ва ишчиларнинг ишга чиқиш графиги тузилади.
7. Ковжойнинг асосий техник-иктисодий кўрсаткичлари ҳисобланади.

Руда конларини қазиб чиқариш ишларини ташкил қилиш қўмир конларини қазиб чиқаришни ташкил қилишга нисбатан қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, қазиш ишларини ташкил қилиш лойиҳаларини тузишни бир мунча муракқаблаштиради. Чунки руда қазиш ишларининг технологияси ва қазиб олиш тизимлари (системалари) қўмир қазиб чиқаришга

нисбатан анчагина мураккаб ҳамда ҳар бир кон-геологик шароитлар учун турлича бўлади.

Шунинг учун руда конларида қазиш ишларини ташкил қилишни лойиҳалаштиришда, биринчи навбатда, муайян кон-геологик шароитларга мос келадиган ва энг яхши техник-иктисодий кўрсаткичларни таъминлайдиган қазиш тизими ҳамда технологиясини танлаб олишга зарурият туғилади.

Маълумки, руда конларини ер ости усулида қазиб чиқаришда кўлланиладиган қазиш тизимлари саккиз синфга бўлинади ва бу синфларнинг ҳар бири маълум кон-геологик шароитларда жойлашган конларни қазиб чиқаришда қўлланилади.

Қазиш тизимини танлаб олиш уч босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда муайян кон шароитларига тўғри келмайдиган синф тизимлари бирин-кетин инкор қилинади.

Иккинчи босқичда қолган тизим синфларидан муайян кон шароитига тўғри келадиган, қўлланилганда яхши натижа берадиган синфлар танлаб олинади.

Учинчи босқичда танлаб отинган тизимлардан муайян кон-геологик ва кон-техник шароитларга мос келадиган, юқори техник-иктисодий кўрсаткичларни таъминлайдиган аниқ тизим синфи қабул қилинади.

Қабул қилинган ёки мавжуд корхонада қўлланилаётган қазиш тизими бўйича ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун биринчи навбатда қазиш тизимининг кўлами ва ўлчамлари ҳисоблаб топилади.

Масалан, руда конларини қазиб чиқаришнинг очиқ ковжой макони тизими бўйича қазиб олишда ишлаб чиқаришни ташкил қилишни лойиҳалаштириш куйидаги тартибда амалга оширилади:

- қазиш участкаси бўйича бўлма(блок)нинг ўлчамларини аниқлаш;
- кон-тайёрлов ва кесма ишларининг ҳажмини аниқлаш;
- қазиш участкаси бўйича рудани ажратиб олиш кўрсаткичларини ҳисоблаш (ажратиб олиш коэффициенти, руда йўқотилиши ва х.к.);

- қазиши участкасининг суткалик ўртача ишлаб чиқариш ҳажми ва қазиши ишларини ҳамда қазиши ишлари бўйича ускуналар сонини аниқлаш;
- корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қувватидан келиб чиқсан холда бир вақтда қазиб олинадиган бўлмалар (блоклар) сонини аниқлаш;
- бўлмаларни қазишга тайёрлаш учун зарур бўлган ишчилар сони, ишларнинг давомийлиги ва керакли ускуналар сонини ҳисоблаш;
- кон-тайёров ва қазиши ишларини ташкил қилиш графикларини ўзаро боғлаш, ҳамда қазиши тизимининг асосий техник-иктисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш.

Бўлмадан қазиб олинадиган руданинг суткалик ўртача миқдори қўйидаги ифода орқали аниқланади:

$$P_{\bar{y}_p} = (Q_u \cdot t_u) \cdot l_c \cdot n_{kk} \cdot T$$

бунда: Q_u -бўлмадан бир циклда қазиб олинадиган руда миқдори, т;

t_u -қазиш ишлари циклининг давомийлиги, смена

n_c -бир суткадаги сменалар сони.

n_{kk} -бўлмадаги ковжойлар сони.

Корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қувватини таъминлаш учун бир вақтда қазиб олинадиган бўлмалар сони қўйидаги ифода бўйича ҳисобланади:

$$N = A \cdot \Psi / M \cdot P_{\bar{y}_p}$$

бунда: А-корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати, т

Ψ -эҳтиётлик(резерв) коэффициенти

M -бир йилдаги иш кунлари

$P_{\bar{y}_p}$ -блокнинг ўртача суткалик унумдорлиги, т

Қазиш участкаси (бўлмасл) бўйича ўртача техник-иктисодий кўрсаткичлари қўйидаги ифода орқали аниқланиши мумкин:

а) меҳнат унумдорлиги:

$$P_v = Q_b / N_{uu} \cdot T / \text{смена}$$

бунда: Q_6 -бўлмадаги сутка давомида қазиб олинган руда, т
 $N_{и.ч}$ -қазиш участкаси бўйича ишчиларнинг ишга чиқиши
 таркиби (сони), киши

Ишчиларнинг ишга чиқиши таркиби қўйидагича аниқланади:
 а) қазиш участкасидаги асосий ишлар бўйича:

$$N_{асиҷ} = Q_6 / H_m \text{ киши/смена}$$

б) ёрдамчи ишлар бўйича:

$$N_{епч} = n \cdot H_1 \cdot n_c \text{ киши ·смена}$$

бунда: H_m -асосий ишлар бўйича бўлгиланган меҳнат меъёри,
 H_1 -муайян иш жойига хизмат кўрсатиш меъёри
 n -қазиш участкасидаги иш жойлар сони
 n_c -бир участкадаги сменалар сони.

Бўлма бўйича қазиш ишларининг давомийлиги(цикл давомийлиги) қўйидагича аниқланади:

$$t_u = Q_{6,ум} / P_{yp}$$

бунда: $Q_{6,ум}$ -бўлмадаги қазиб олинадиган руданинг умумий микдори, т.

Қазиш ишларининг барча жараёнлар бўйича ҳажмлари ва уларнинг давомийлиги аниқлангандан сўнг қазиш ишларини ташкил қилиш графиги тузилади.

Ўзбекистон кон-руда корхоналарида кичик қалинликка эга бўлган ва оғиши бурчаги катта бўлган(60 градусдан катта бўлган) руда конларини қазиб чиқаришда «Парчалангандан сўнг қазиш ишларини ташкил қилиш» тизими қўлланилади. Бу тизим бошқа тизимларга нисбатан ўзининг мураккаблиги билан ажралиб туради ва бу тизимда блок (бўлма) заҳираларини қазиб олиш қоидага мувофиқ икки босқичда, яъни бўлма камерани қазиб олиш ҳамда циклларни қазиб олиш тартибида амалга оширилади. Руда ер томирларининг қалинлиги катта бўлган ҳолларда целикни қазиб олишдан олдин бўшатилган бўлма камераси тўлдиригич материаллар билан олдиндан тўлдирилади. Бу қазиш усулининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, қазиш цикли тугагандан сўнг янги циклни бошлаш учун бўлмада керакли ўлчамдаги қазиш бўшлигини хосил қилиш талаб этилади

бўшлигининг кенглиги 1-1,2 метрдан кам бўлмаслиги шарт). Бу бўшлиқни ҳосил қилиш учун йиғмаланган руда массасининг бир қисми тушириб олинади. Парчаланган руда массасининг жипсласиб қолишга ва ўз-ўзидан ёниб кетишига мойиллиги бу тизимни қўллашни чекловчи омиллар ҳисобланади. Руда конлари «йиғмалаш» тизими бўйича қазиб чиқаришда қазиш ишлари цикли усулда ташкил қилинади. Қазиш ишларининг бир циклига кирадиган жараёнлар таркиби ва уларнинг давомийлиги конни қазиб чиқаришнини кон-геологик шароитлари ҳамда қазиш тизимининг техник-ташкилий омилларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Қазиш участкаси(бўлма)нинг ўртача суткалик унумдорлиги қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$P_{c, \text{yr}} = Q_u \cdot (K_k - 1) \cdot n_c \cdot n_{kk} / (t_1 + t_2) \text{ тонна}$$

бунда: Q_u -бир циклда ковжойдаги портлатиб қулатиладиган руда массасининг миқдори, т

K_k -руда майдаланишнинг кўпчиш коэффициенти

t_1 -бир цикл учун рудани парчалашга кетган вақт(смена)

t_2 -янги циклни бошлаш учун рудани қисман тушириб қазиш бўшлигини ҳосил қилишга кетган вақт(смена)

n_{kk} -қазиш участкасидаги ковжойлар сони

Қазиш ишларининг бир цикли давомийлиги қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$t_u = Q(K_k - 1) / P_{u, \text{op}} \text{ сутка}$$

Бўлма целикларини қазиб олишда суткалик ўртача қазиб олинадиган руда миқдори қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$P_{u, \text{yr}} = q_u \cdot n_c \cdot n_k \cdot \dot{x} / t_u$$

бунда: q_u -қазиш ишларининг бир циклида целиклардан қазиб олинадиган руда массаси миқдори, т

Қазиш ишлари графигини лойиҳалаштириш жараённида турли қазиш ишларини бажариш вақтини бирлаштиришга алоҳида эътибор берилади. Чунки мумкин бўлган иш жараёнларини бажариш вақт бўйича бирлаштирилганда қазиш ишлари циклининг давомийлиги қисқаради. Бу эса, ўз навбатида қазиш ишларининг самарадорлигини оширади. Бунда қазиш

ишиларининг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари—мехнат унумдорлиги ошади ва маҳсулот таниархи арzonлашади. Натижада ишилаб чиқаришнинг фойдаси кўпайиб, рентабеллик даражаси юқори бўлади.

Узилма-поток усулида қазиён ишиларини ташкил қилишда қўйидаги шарт-шароитларга:

- ковжой механизмларини белгиланган ҳаракат тезлигини хисобга олган холда, уларнинг узлуксиз ишилашини, ишилаб чиқариш жараёнларини бирин-кетин батартибли бажарилишини таъминлаш;
- фойдали қазилма қазиб чиқариш ишиларига боғлик бўлган асосий ва ёрдамчи жараёнларни мумкин қадар бир вактда қўшиб бажариб, ишилаб чиқаришда содир бўладиган танаффусларни мумкин қадар камайтириш ва умуман йўқотиш;
- комплекс бригада аъзоларига айрим жараёнларни бажаришини боғлаб қўйиш ва жараёнлардаги иш ҳажмининг турғунлиги ва сутка давомида қайтарилишини таъминлашга риоя қилинади.

Бу шарт-шароитларни таъминлаш учун ишилаб чиқариш жараёнларини тўла механизациялаш, ишчи бригадаларни юқори малакали ишчилар билан тўлдириш, бажариладиган жараён ва операцияларнинг самарадорли ҳажариишини таъминлайдиган меҳнатни ташкил қилиш усулларидан фойдаланиш талаб қилинади.

Ишилаб чиқаришни поток усулида ташкил қилиш циклли усулини мутлақо инкор этмайди. Чунки бу усульда ҳам маълум иш жараёнларини бажариш вакт ва макон бўйича қайтарилиб туради. Бироқ, узулма-поток усулида айрим асосий ва ёрдамчи ишиларни бажариш бир вактда қўшиб бажарилishi туфайли циклнинг давомийлиги анчагина қисқаради ва ишилаб чиқариш ҳажми ҳамда меҳнат унумдорлиги юқори бўлади.

Узулма-поток усулида ишилаб чиқаришда содир бўладиган узилишлар, асосан, қазиш ишиларида қўлланиладиган машина-механизмларнинг конструкциясига боғлик бўлиб, уларнинг давомийлиги цикл тугагач янги цикл бошлаш олдидан бажариладиган монтаж ва демонтаж ишиларининг тури ва ҳажмлари бўйича аниқланади. Бундан ташқари, ковжой бўшлиғида бажариладиган конвейрни суриш ва кон босимини

бошқариш билан боғлиқ бўлган ишлар ҳам ишлаб чиқаришдаги узилишлар вактининг кўпайишига олиб келади.

Шунинг учун ишлаб чиқаришни узулма-поток усулида ташкил қилишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида юқорида келтирилган сабабларни йўқотиш тадбирларини ишлаб чиқиши ва жорий қилиш талаб қилинади.

Элтиш воситалари сифатида эгилувчан конвейрлардан фойдаланиш, кон босимини бошқаришда орган мустаҳкамлагичларисиз шипни қулатиш ва бир қатор шу каби тадбирлар бунга мисол бўла олади.

Узулма-поток усулида қазиб чиқариш ташкил қилинганда бир сутка давомида бажариладиган цикллар сони қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$N_u = T_{cm} \cdot n_{cm} / ((T_k + T_r) \cdot n_r + T_{tr})$$

бунда: T_{cm} -смена давомийлиги, соат

n_{cm} -суткадаги сменалар сони

T_k -ковжой бўйича бир тилиш(послоса) кўмирни кавлаб олишга кетган вақт, соат

T_r - комбайнни янги циклга тайёрлаш ёки элтиш воситаси конвейрни суришга кетган вақт, соат

n_r -бир сутка давомида қазиб олинадиган тилишлар сони

T_{tr} -таъмирлаш ва тайёрлов ишларига сарфланадиган вақт, соат

Узилма-поток усулида қазиши ишларини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, айрим таъмирлаш ва тайёрлов ишлари ҳар бир цикл тугагандан сўнг бажарилади (комбайнни орқага суриш ва салт ҳайдаш, юклаш пичогини қайта ўрнатиш, конвейрни суриш); ишлаб чиқаришни тўхтатиб (узиб) бажариладиган бошқа ишлар кўмир қатламига сув юбориб намлаш, орган қаторини тикилаш ва шу каби кон босимини бошқариш билан боғлиқ бўлган ишлар эса бир неча кўмир тилишлари кавлаб олингандан сўнг бажарилади.

Ҳар бир циклдан сўнг бажариладиган таъмирлаш ва тайёрлов ишларининг давомийлиги қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$T_r = (M_r \cdot T_{cm}) / (N_r \cdot K_0) \text{ соат}$$

Бир неча цикллар бажарилгандан сўнг амалга ошириладиган тайёрлов ишларининг давомийлиги куйидаги ифодадан аниқланади:

$$T_{T, N} = (M_{T, N} \cdot T) / (N_n \cdot K_0) \text{ соат}$$

бунда: $M_{T, N}$ - ҳар бир циклдан сўнг бажариладиган таъмирлаш ва тайёрлов ишларининг меҳнат талаблилиги, киши/смена.

$M_{T, N}$ - бир неча цикллардан кейин бажариладиган тайёрлов ишларининг меҳнат талаблилиги, киши/смена.

N_n - таъмирлаш ва тайёрлов ишларини бажарувчи ишчилар сони.

K_0 - меҳнат мөъерини ортиғи билан бажаришни ҳисобга олувчи коэффициент, бирлик улушда (кончилик саноатида $K_0=1,1$).

Кавжой бўйича кўмирнинг бир тилишини қазиш давомийлиги қўйидаги ифода оркали аниқланади:

$$T_{k, T} = (L - \sum I_T) \cdot r \cdot m \cdot j \cdot T / P_k \text{ соат}$$

бунда: L - кавжой узунлиги, м.

I_T - кавжойдаги тахмонлар узунлигининг йигиндиси, м.

P_k - комбайннинг смена давомидаги ўртacha унумдорлиги, т/см.

4.2. Геология-қидирув ишларида асосий ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

Геология қидирув ишларида асосий ишлаб чиқариш қўйидагилардан иборат:

1. Геологик суратга олиш ва геология қидирув ишлари.
2. Гидрогеологик ва инженер-геологик ишлар.
3. Геофизика ишлари.
4. Бурғулаш ишлари.
5. Лахимлар қазиш ишларини олиб бориш.
6. Намуналар олиш, қайта ишлаш ва тажриба ишларини ўтказиши.

Худудларни геологик суратга олиш мамлакат худудидаги геологик тузилишларни регионал ўрганиш бўлиб, фойдали қазилма кон жойлашишини аниқлайди. Геологик суратга олишнинг асосий натижалари бўлиб, геологик хариталарни тузиш ва фойдали қазилмаларни қаерда жойлашганлигини башорат қилиш ҳисобланади.

Замонавий суратга олиш ва геологик қидирув ишлари бир қанча комплекс ишларни ўз ичига олади. Буларни ичига қўйидагилар киради:

- регионал ва муфассал геофизика қидирув ишлари;
- қидирув ва разведка қудукларини бурғулаш;
- турли хил лаҳим ўтиш ишларини олиб бориши ва бошқалар.

Геологик суратга олиш ва қидирув ишлари қўйидаги 3 босқичда олиб борилади:

1. **Тайёрлов босқичи.** Бу босқич ишлари лойиҳалаш билан боғлиқ. У фонддаги материалларни таҳлил қилиш, уларни саралаш ва классификация қилиш; олдин қазиб олинган кернлар, шлифларни ўрганиш; аэрофотоматериалларни дэшифровка қилишни ўз ичига олади.

2. Дала шароити босқичи. Бу босқичда геофизика ишлари, геологик суратга олиш ва қидирув ишлари бажарилади.

Геологик суратга олиш ва қидирув ишларини бажариш муддати худуднинг геологик тузилишига, ишни ташкил этишга ва ишлаб чиқариш омилларига боғлиқ, яъни худуднинг геологияси қандайлигига, аэрофото тасвирларнинг дэшифровка қилиш кийинлик даражасига ва худуднинг геологик тузилиши мураккаблигига таъсир этади.

Бу босқичда лойиҳалаштирилган дала ишларининг ҳаммаси ўз вактида қилиниши шарт. Чунки ёмғир, қор ёқсан вактларда бу ишларнинг кўпчилигини бажарип бўлмайди.

3. Камерали ишлар. Бу босқичда йифилган ҳамма материаллар таҳлил қилинади. Тоз фурсатларда қазиб олинган намуналар қайта ишланади ва улар лабоарторияга топширилади. Бундан ташқари асбоб ускуналар ва молиявий ҳисботлар тузилади ва топширилади.

Бу босқичнинг асосий натижаси ҳисботнинг ёзилиши бўлиб, ундан худуднинг геологик тузилиши тўғрисидаги ҳамма янги маълумотлар ёритилади.

Агар маълумотлар аник ёки етарли бўлмаса, уларни қайтадан текшириш учун иш олиб борилган жойга борилади.

Гидрогеологик ва инженер-геологик ишлар максадлари ва ҳарактери бўйича қўйидаги асосий гурух тадқиқотларига бўлинади:

1. Гидрогеологик ва инженер-геологик тасвираш, мелиорация мақсадида тасвираш.

2. Курилиш объектлари ва руда бор жойларни гидрогеологик ва инженер-геологик ўрганиш.

3. Сув таъминоти учун қидиреш ва разведка ишларини олиб бориш.

Гидрогеологик ва инженер-геологик тасвираш худудларни геологик тасвирашдан фарқ қилмайди. Гидрогеологик ишлар таркибиға гидрогеологик ва инженер-геологик күдукларни, шурфларни бургулаш киради.

Геофизик услубларни қўллашнинг энг асосий йўналишлари куйидагилар:

- ер қобиғи чуқурлигини геологик тузилиш бўйича ўрганиш ва аэрогеофизик тадқиқотларни ўрганиш;
- янги руда таналарини қидириш, руда ва тог жинсларини тузитиншини ўрганиш ва контарни разведка килиш.

Датга шароитида геофизик тадқиқотларни геофизик партиялар ва экспедициялар олиб борадилар.

Бургулаш ишлари геологик тадқиқотларнинг ҳамма боскичларида ҳар хил вазифаларни счишнинг асосий ва кенг тарқалган усулидир. Бир қанча бургулаш турлари мавжуд:

1. Зарбали-механик бургулаш;
2. Зарбали-айланма бургулаш;
3. Пармали бургулаш;
4. Кўл билан бургулаш.

Бургулаш ишлари күдукларни бургулашдан ташқари ёрдамчи, тайёрлов, хизмат кўрсатувчи жараёниларидан иборат.

Лаҳим ўтиш ишлари геологик тадқиқотларнинг ҳамма боскичларида қўлланилади. Канава, траншея ва шурфлар геологик тасвираш ва қидирув ишларида руда танасининг қандай жойлашганлигини текшириш учун ишлатилади. Геология қидирув ишларининг муфассал разведка боскичида лаҳим ўтиш ишлари энг асосий иш жараёниларидан хисобланади.

Кўпинча лаҳим ўтиш ишлари ёрдамида 1-навбатда разведка күдукларини бургулаш, ер ости күдукларини бургулаш, заҳиранинг тузилиши ва миқёси аниқланади.

Лаҳим ўтиш ишлари кўпинча партиянинг энергетика имкониятига боғлик бўлади.

Назорат саволлар.

1. Корхоналарда асосий ишлаб чиқариш ҳақида умумий тушунча.
2. Кончиллик саноатида асосий ишлаб чиқаришни тавсифлаб беринг.
3. Геология қидирув ишларида асосий ишлаб чиқаришни тавсифлаб беринг.
4. Кон қазиш ишларини ташкил этишни изоҳланг.
5. Бурғилаш ишларини ташкил этишни изоҳланг.
6. Геофизика ишларини ташкил этишни изоҳланг.
7. Намуналар олиш ишларини ташкил этишни изоҳланг.
8. Фойдали қазилмаларни қидириш ишларини ташкил этишни изоҳланг.
9. Кон лоихаларини ўтишни ташкил этишни изоҳланг.
10. Конларни очиқ ва ёпиқ усулда қазишни ташкил этишнинг ўзига хос ҳусусиятларини анти беринг.

V. КОНЧИЛИК ВА ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИДА ЁРДАМЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

5. 1. Кончиллик саноати ва геология-қидирув ишларида энергия хўжалигини ташкил қилиш.

Кончиллик саноати ва геология-қидирув ишларида ёрдамчи ишлаб чиқариш бўғинларига фойдали қазилма конларини қидириш, разведка қилиш ва қазиб чиқаришга шароит яратиб берувчи ишлар киради. Улар асосий ишлаб чиқариш бўғинлари жараёйларининг бир маромда ишлашини таъминлашга кўмаклашади. Кончиллик саноати ва геология-қидирув ишларида ёрдамчи ишлаб чиқаришга энергия билан таъминлаш, механика устахоналари, транспорт хизмати, ер ости лаҳим ва кавжойларни шамолтатиш, ер ёсти сўйларини чиқариб ташлаш, кон лаҳимларини таъмирлаш ва бопка ишлар киради.

Ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи цехлар, жумладан, энергетика, механика ва таъмирлаш устахоналари техникани ва

ишилаб чиқаришни ташкил этишда катта ахамиятга эга. Булар ёрдамида ишилаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, техникани таъмирлаш ва такомиллаштириш каби ишлар бажарилади.

Кончилик саноати ва геология-қидируг ишлари корхоналарининг энергетика хўжалиги электр, иссиқлик, сиқик ҳаво, газ ва бошқа энергия воситаларини ишилаб беришни тақсимлашни ва ишлатишни ўз зиммасига олади ва саноатнинг энергия талаб ишилаб чиқариш соҳасига киради. Корхоналарда сарфланадиган энергия технологик, ҳаракатга келтирувчи, иситиши ва ёритиш энергияларига бўлинади. Кончилик саноатида 1 тонна рудани қазиб олиш таннархининг 3 фойизгачани энергия ҳаражатлари ташкил этади. Истеъмол қилиниш микдорига кўра ҳаракатга келтирувчи ва технологик энергиялар асосий ахамиятга эга. Ҳаракатга келтирувчи энергиянинг саноатда истеъмол қилиниш микдорининг ўсиши ҳаракатга келтириладиган машина, ускуна ва агрегатлар сони ва қувватини оширишга ва уларнинг экстенсив ва интенсив нагруззасининг ўсишига боғлик. Ҳозирги замон саноат корхоналари йирик энергетика хўжаликларида эга, булар таркибига ишилаб чиқарилаётган ва ишлатилаётган энергия турлари бўйича фарқ қилувчи энергетика цехлари киради. Масалан: 1) электр энергия цехи: унга электр энергияси ишилаб чиқариш, электр техника жиҳозларини тузатиш, электр техника қурилмаларида хизмат кўрсатиш вазифалари юкланган; 2) қозон цехи (иссиқлик хўжалиги) пар ва иссиқ сув ишилаб чиқаради, иссиқлик, техник қурилмаларида техник хизмат кўрсатади ва уларни тузатиш ишларини бажаради; 3) ҳаво ёки бошқа газларни сиқадиган машиналар (компрессор) цехи сиқилган ҳаво чиқаради (пневматик энергия), сиқилган ҳавони истеъмол қиладиган механизм ва қурилмаларга хизмат кўрсатади ва бошқа цехлар- сув таъминоти, канализация, газ таъминоти, совитгич қурилмалари, транспорт ва шунга ўхшашиб хизмат ишларини бажарувчи цехлар киради. Шундай қилиб, юқорида кўрсатилган ҳар турли энергияларни ишилаб чиқариш ва улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ташкил этилади.

Кончилик саноати корхоналарида электр энергиясига бўлгани талаб бошқа энергия турларига нисбатан юқори. Корхоналарни электр энергияси билан таъминлашни ташкил

қилинча асос бўлиб энергия баланси ва энергия таъминоти графигини тузиш ҳисобланади.

Кончилик саноатида электр энергиясининг умумий сарфини икки қисмга бўлиш мумкин: Биринчи қисмга бургулаш, қазиш ва ортиш машиналари, транспорт воситалари, компрессор қурилмалари, дробилкалар ва бошқа технологик дастгохлар ишлаши учун сарф бўладиган энергия киради. Бунда 1 тонна рудани қазиб чиқариш учун сарф бўлган энергияни q_1 ташкил этади. Энергиянинг камроқ қисми кавжойларни шамоллатиш, ёритиш, ер ости сувини ташлашга Q_2 сарф бўлади. 1 тонна қазиб чиқариш сарф бўладиган электр энергиясининг меъёрини қуидагича аниқлаш мумкин:

$$q = q_1 + \frac{Q_2}{A};$$

бу формулада: А-ишлиб чиқариш ҳажми.

Энергия балансини ҳисоблашда экспериментал ва сарф бўлган электр энергияси миқдоридан фойдаланилади.

Энергетика ҳўжалиги ишини қуидаги кўрсаткичлар ифодалайди:

- 1) энергия ишилаб чиқариш кўрсаткичлари: электр энергия ишилаб чиқариш, квт. соат ҳисобида; пар ва иссиқ сув ишлаш, мг. кал ҳисобида; сиқилган ҳаво ишлаш, минг куб. метр, сув етқазиб бериш, шартли ёқилғини сарфлаш миқдори 1 квт. соат ҳисобида; 1 мг. кал жўнатилган иссиқлиқда шартли ёқилғининг сарфланиш салмоғи; 1000 куб. м сиқилган ҳавога сарфланган электр энергия салм эги;
- 2) энергиянинг истеъмол қилиниш кўрсаткичлари: энергия ва ёқилғининг маҳсулот бирлигига сарфланиш салмоғи (шартли ёқилғи, ккал), энергия ва ёқилғининг корхона, цехлар бўйича умумий сарфи (шартли ёқилғи, ккал); энергиянинг корхона шохобчаларида йўқотилиши; ҳаракатга келтирувчи машиналар қанча қувватга эга эканлиги квт ҳисобида, қувват коэффициенти, ҳаракатга келтирувчи қисмларнинг юкланганлик коэффициенти;
- 3) иқтисодий кўрсаткичлар; 1 квт. соат электр энергиясининг таннархи; 1 мг. кал иссиқлиқ таннархи, 1 куб. м сув таннархи; 1 куб. м табиий газ таннархи; 100 куб. м сиқилган ҳавонинг

таниархи; сарфланган энергиянинг маҳсулот таниархидаги салмоғи.

Юқорида қайд қилинган кўрсаткичлар энергия хўжалиги ишини таҳлил қилишга имкон берувчи кўрсаткичлардир. Энергия хўжалигини ташкил қилишдан мақсад, сарф қилинган ёқилғи ва энергия салмоғи меъёрда кўрсатилганdir қанча фарқ қилинганилигини очиб бериш, нотўғри сарф қилиниш сабабларини аниқлашдир. Таҳлил энергияни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жараёнларини такомиллаштириш йўли ва усулларини белгилашга имкон беради ва энергиянинг амалдаги сарфланиш меъёри салмоғини пасайтиришни таъминлади. Энергия хўжалигини таҳлил қилиш энергия таъминоти, энергия истеъмол ва корхоналарнинг энергия цехлари ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти масалаларини ўз ичига олади. Энергия таъминоти таҳлил қилинганда, корхонани электр энергияси ва буғ, табиий газ, сув ва шунга ўхшашлар билан таъминлаш масаласи ўрганилади. Электр энергияни кўп талаб қиласидан жараёнларга, шунингдек, катта резервга эга бўлган ва нормадагидан ортиқча сарф қиласидан цехлар ва участкаларга алоҳида эътибор берилади. Энергетика цехлари ва участкалари ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши, энергетика курилмалари қувватининг фойдаланиш коэффициенти, шохобчаларда ва қувур ўтказгичлардаги йўқолишлар, тузатиш ишиларининг муддати ва сифати, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот таниархи ва шунга ўхшашлар энергия хўжалигининг цехлари ва участкалари ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш предмети ҳисобланади./Энергияни мақсадга мувоғик ҳолда ишлатилиши - бу кундан-кунга ўсиб бораётган масала ва уни энг аввал энергия ва ёқилғининг асосий истеъмолчилари бўлган кончилик саноат корхоналари ҳал қилишлари керак. Корхоналарда ёқилғи ва энергияни мақсадга мувоғик сарфлашнинг бош йўли ёқилғи ва энергияни исроф қилмаслик; энергия тарқатгичларни тўғри танлаш; ишлаб чиқаришни ташкил қилишни ва унинг технологиясини яхшилаш; технологик жиҳозларни ишлаш тартибларини яхшилаш; ёқилғи ва энергияни иқтисод қилиш бўйича умум ишлаб чиқариш ва ташкилий тартиблар ўтказиш кабилардан иборат.

Ёқилғи ва энергияни исроф қилмаслик учун шохобчалар ва жиҳозлардаги исрофгарчиликка багъҳам бериш, такрорий энергия

манбаларидан фойдаланиш, энергия ва ёқилғилардан тұла фойдаланиш, печлар ва бүг үтказгычларнинг иссиқ сақлашлык хусусиятларини яхшилаш керак.

Энергия тарқатгычларни түгри танлашда электр энергияси, газ, сув, иссиқ сув, бүг, бир қанча жараёнлар учун энергетик, технологик ва иқтисодий күрсаткычлари бўйича фарқ қиласидан ҳар хил энергия күрсатгычлардан фойдаланиш мумкин. Улардан қайси турини танлаш масаласи иқтисодий хисоб-китоб ёрдамида ҳал қилинади.

Энергияни иқтисод қилишга асосий ишлаб чиқариш технология жараёнини такомиллаштириш хисобига эришилади. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш усули энергия ва ёқилғини тежашга катта таъсир кўрсатади. Масалан, ишлаб чиқариш узлусиз давом этиши натижасида энергия ва ёқилғиларнинг бир маҳсулот учун сарфланиши кўпгина операцияларда қисқаради.

Хозирги вактда саноат корхоналари энергиянинг барча турлари билан таъминланган ва энергиянинг у ёки бу турини кескин этишмаслиги сезилмайди.

Корхоналар хўжалик фаолияти ва чиқараётган маҳсулот таннархини пасайтириш шартлиги энергияга эҳтиёткорона муносабатда бўлишни ва технологик жараёнда бир марта қатнашган бაъзи бир энергия турларидан қайтадан фойдаланиш имкониятини топишни тақозо қиласи. Энергия манбаларининг қайта фойдаланиш мумкин бўлган турлари тақорорий деб аталади. Тақорорий энергетик манбалардан фойдаланиш ёқилғи ва энергияни кўплаб тежашга имкон беради, шунингдек, энергия билан таъминловчи курилмаларга кетадиган капитал харажатларни сезиларли даражада камайтиради. Шунинг учун материал, пул ва меҳнат харажатларини тежаш имконини берувчи тақорорий энергия манбаларидан мақсадга мувофиқ ва имкон боришиб тўлиқ фойдаланиш катта иқтисодий аҳамиятига эга.

Саноат печларидан чиққан газлар ва ўз ишини ўтаб бўлган, ишлатиб бўлинган ишлаб чиқариш буғи тақорорий фойдаланиши мумкин бўлган энергия манбаларидан ҳисобланади. Бу грухга айланма сув таъминотини ташкил этишини ҳам қўшиш керак, чунки у заводларнинг сув таъминотига сарфланадиган маблағларини тежашга имкон беради.

Энергия ва ёқилғининг мақсадга мувофиқ равища ишлатилишига энергияни кўп талаб қиласидан жараёнларни

автоматлаштириш мұхим таъсир күрсатади. Электр энергиясыдан мақсадға мұвоғиқ радиоизотоптың әсерінен (электр энергиясыдан фойдаланып жасалған) оширишда дастгоҳлар ва агрегатлар құватлари ва уларға ўрнатылған моторлар құвати ўртасидаги фаркни белгилаб олиш мұхим ақамияттаға етеді.

Ёқилғи ва энергиядан мақсадға мұвоғиқ фойдаланында техник табиғаттар билан бир қаторда цехлар ва корхона бүйінчі ялпи ўтказыладынан ишлаб чиқариш ва ташкилий табиғаттар ҳам кatta ақамияттаға етеді. Бу табиғаттарға күндеңде цех ва иш жойларидаги ёритгичларни ўчириш, дам олиш вактларыда электр моторларини (мақсадға мұвоғиқ, бұлса) ва ҳавони тозаловчи қурилмаларнинг бир станок ва болғаларни қарастырып көзделуде ишлатыладын сиқылған ҳаво ва бұларни үзвий электр энергиясы билан алмаштырып қарастырылады.

Текширув-ұлчов асбобларини ўрнатып қархонанинг ҳар бир участкасида хисоб-китоб ишини юритиши ва айниқса, күп энергия талаб қыладынан ишлаб чиқаришларда ёқилғи ва энергиялар сарф қилинишини узлуксиз таҳлил қилип туриш үз энергия ресурсларини тежашнинг илғор тажрибаларини кенг тарқатып, ёқилғи ва энергиянинг ҳамма турларига техникавий асосланған мейерлар ишлаб чиқып қарастырылады.

5. 2. Кончилик саноати ва геология-қидирудың ишларында таъмирлаштырылған ташкил қилиш.

Машиналар ишлеші жараённан аста-секин емирилади. Уларнинг муддатидан илгари ишдан чиқмаслығынинг олдини олиш учун саноат корхоналарында иш машиналари тузатып түрілади. Саноат корхоналары иш тажрибасыда жиһозларни одатда уч хил: кичик, ўрта ва капитал таъмирлаш қабул қилинган.

Кичик таъмирлаш-таъмирлаш ҳажми бүйінчі энг кишиги, бунда машина ва механизмларнинг айрым деталлари (қисмлари) алмаштырылады ва механизмлар созланады; ўрта таъмирлаш - нисбеттән мұкаммалроқ ва ҳажми бүйінчі каттароқ режали таъмирлаш бўлиб, унда дастгоҳ қисмларга ажратылади, емирилган деталлар (қисмлар) қайта тикланады ва алмаштырылади. Ўрта таъмирлаш вактида дастгохнинг аниқлигиге иш унумининг

асосий мувофиқлиги қайта тикланади; капитал таъмирлаш – бу хажми ва мукаммаллиги жиҳатдан энг йирик таъмирлашдир. Бунда агрегат бутунлай қисмларга ажратилади ва шу билан бирга ҳамма емирилган деталлар ва узеллар алмаштирилади, барча қисмлари тузатилади, бир-бирига мувофиқлиги солиштирилади ва текширилади. Юқорида кўрсатиб ўтилган таъмирлаш турлари корхонадаги ҳамма жиҳозлар учун график асосида амалга оширилади, бунда бошқа масъалалар қаторида жиҳозларни таъмирлаш вақтининг минимал бўлиши олдиндан кўзда тутилади.

Таъмирлашни ташкил этиш тартиби жиҳозларга ўз вақтида қараб туриш, таъмирлашлараро хизмат кўрсатиш, жиҳозларни ювиш ва мойини алмаштириб туриш, вақт-вақти билан планли таъмирлаш каби ишларни бажаришни ўз ичига олади. Таъмирлашни ташкил қилишнинг ҳамма чора-тадбирлари жиҳоҳларни назорат қилиб туриш ва парвариш қилиш, уларнинг вақтидан илгари емирилишини огоҳлантириш ва тузатиш ишини режа асосида энг кам ҳаражат билан амалга ошириш режали-оғаҳлантирувчи таъмирлаш тартиби тизими асосида олиб борилади.

Мамлактнинг илғор корхоналарида таъмирлашни режали-оғоҳлантириш тизими асосида ташкил қилиш тажрибаси шуни кўрсатадики, бунда жиҳозларнинг узлуксиз ва самарали ишлаши таъминланади, корхонанинг техник ҳолати такомиллаштирилади, меҳнат унумдорлиги ошади. Бир қатор корхоналарда таъмирлаш ишларини ўтказишнинг жиҳозларнинг бўш туриш вақтини камайтириш, таъмирлаш сифатини ошириш ва таннархини камайтиришни таъминловчи илғор усуслари қўлланилмокда. Булар қаторига тезкорлик билан тузатиш усулини ҳам киритиш мумкин. Илғор усуслар ичидаги таъмирлашни узеллар бўйича амалга ошириш усули энг кўп тарқалган, бунда айрим қисмлар олдиндан тайёрлаб қўйилади ёки тузатилади, сўнгра емирилган қисмлар билан алмаштирилади.

Шундай қилиб, жиҳозларни ҳар қандай усулда таъмирлашдан асосий мақсад ишлаб чиқариш жараёнини маълум техник даражада ушлаб туришдир. Чунки давр талабини ҳисобга олган ҳолда ҳар қандай корхона ишлаб чиқаришнинг техник даражасини кўтаришга интилади. Бу интилиш, одатда, икки йўл билан – ишлаб турган жиҳозларни янги юқори унумли жиҳозлар билан алмаштириш ва маънавий эскирган жиҳозларни

модернизация қилиш (конструкцияси ёки ишлаш тартибига ўзгартериш киритиш) орқали амалга оширилади.

Модернизация қилиш пайтида жиҳозларнинг айрим эски қисмлари бирмунча такомиллаштирилган янги конструкциялар билан алмаштирилиши туфайли модернизация қилинган жиҳозларнинг техник хусусиятлари яхшиланади ва улар ўз унумдорлиги бўйича прогрессив техника даражасига кўтарилади.

Хозирги давргача қўлланиб келинаётган календар графиклар ёрдамида ташкил қилинадиган таъмираш усуллари бирмунча камчиликларга эга. Энг муҳим ишларни аниқлашда тезкорлик йўқ, бошқа ишлар бўйича вақт резервларини аниқлаш мумкин эмас эди. Чизиқли ёки календар графиклар дастлабки вақтлардагина таъмирашнинг қандай кетаётганлигини ойдинлаштиради. У таъмираш ишларининг боришидаги бирор ўзгаришнинг умумий таъмираш иши ҳолатига, таъмирашни тугаллаш муддатига қандай таъсир қўрсатишини эътиборга олиш имконини бермас эди. Шунинг учун ҳам мамлакатнинг илфор корхоналарида режалаштириш ва бошқаришнинг асоси қилиб тармоқ графиклари қабул қилинган. Раҳбар таъмирашни бу график ёрдамида текшириш орқали эътиборини айрим ишга қаратади, яъни таъмирашнинг тугалланиш муддати шу ишнинг бажарилишига боғлиқ бўлади. Тармоқ графики қўлланиши натижасида у ёки бу ўзгаришлар таъмирашнинг умумий натижасига қай тарзда таъсир қўрсатишини аниқ белгилаш мумкин. Бу эса ўз вақтида ва тезлик билан керакли чора қабул қилишга имкон беради.

Таъмираш ва модернизация қилишда режалаштириши, бошқаришни ва ташкил қилишни тартибга солиш мақсадида режалаштириш ва бошқариш тизими қўлланилмоқда, бу мураккаб комплекс ишларининг белгиланган вақтда бажариллаётганлигини таҳлил қилиш ва мақсадга қаратилган бошқаришни амалга ошириш, керакли ахборотни олишга имкон беради ва бошқариш асосида айрим ишларни ўтказиш муддатини аниқлаш усули ётади, улар асосида ҳар қайси ишнинг ўзаро боғланган ҳолда бажарилиши комплекси ва муддати кўзда тутилади.

Тармоқ графики масалани ечишга факат сифат жиҳатидан эмас, балки салмоқ жиҳатдан ҳам ёндошади, у ишни амалга оширувчиларнинг эътиборини, аввало, биринчи даражали масалани ҳал этишга жалб қиласи, ишни кетма-кет

режалаштиришга имкон яратади, дастгоҳни таъмирлаш технологик жараёни ва барча тузатиш бўлинмаларининг ва техника хизматларининг ўзаро алоқасини яққол кўришга имкон беради.

Энергия жиҳозларини капитал таъмирлаш ва модернизациялаш ўзаро алоқадор бўлган бир қанча мураккаб масалаларнинг бажарилишини талаб қиласди. Бундай шароитда ишнинг кетма-кет боришини аниқ белгилаш ва уларнинг қандай бажарилиши таъмирлаш муддати: асбоб-укуналар, механизмлар, мосламалар ва шунга ўхшашларга бўлган талабга ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Режалаштиришнинг тармоқ усули ишни бажариш муддати бузилаётганилигини олдиндан кўришга ва қўшимча вақт ва моддий ресурсларга резервини излашга имкон беради.

Таъмирлаш ишини режалаштириш тармоқ графигининг қурай томони шундаки, унда қайси ҳолда қолган қандай чоралар кўллаш мумкинлиги кўриниб туради.

Саноат корхоналарининг таъмирлаш хўжалиги таркибига таъмирлаш цехлари, шунингдек, технологик ва энергетик жиҳозларнинг иш машиналарини тузатиш участкалари киради. Дастгоҳларни ва технологик жиҳозларни таъмирлаш корхона бош механик бўлимининг таъмирлаш хўжалиги, энергетик жиҳозларни таъмирлаш эса бош энергетик бўлимига қарашли энергетика цехлари томонидан амалга оширилади. Таъмирлашни уюштириш даражаси таъмирлаш жиҳозларининг катта-кичиклигига, янгилигига, таъмирлашни ўтказувчи ишчиларнинг маълумотига, эҳтиёт қисмлар билан таъминланганлигига, таъмирлаш ишлари бажарилишини марказлашишга ва бошқа белгиларга қараб аниқланади. Жиҳозларни таъмирлаш режасини тузиш алмаштириладиган қисмларнинг хизмат муддатларини узайтириш, таъмирлашлараро даврни ва таъмирлаш ишларининг кўп меҳнат талаб қилишини камайтириш, материаллар ва эҳтиёт қисмларнинг мураккаб таъмирлаш учун сарф нормасини қисқартириш ва ҳоказоларга қаратилган ташкилий-техникавий режаларни тузишдан бошланади. Бу иш бош механик ва бош энергетик бўлимларининг ходимлари томонидан ишлаб чиқариш ходимларини жаъбо этган ҳолда ўтказилади. Таъмирлаш хўжалиги иш рожани тувишга ва таъмирлаш ишларини бажаришда қуйидатилар аниқланади: а) цехлар ва корхоналар бўйича йиллик

ва ойлар бўйича таъмирлаш ишининг ҳажми; б) ҳар қайси дастгоҳ ва агрегатлар бўйича таъмирлаш тури ва унинг бажарилиш муддати; в) таъмирлаш ишининг меҳнат талаблиги, меҳнат унумдорлиги, ходимлар сони ва иш ҳақи фонди; г) таъмирлаш учун зарур бўлган материаллар микдори ва қиймати; д) таъмирлашниң таннархи.

Таъмирлашни ялпи ҳажмини режалаштириш билан бир қаторда корхонада ҳар йили қайси цех бўйича жиҳозларни таъмирлаш жадвали - графики тузилади. Йиллик график тузишда охирги таъмирлаш санаси ва ойи, таъмирлаш жараённинг тузилиш (унга кирадиган таъмирлаш ва кўрувдан ўтказиладиган ишининг салмоғи ва бажарилиш тартиби: таъмирлаш жараёни - икки капитал таъмирлаш оралиғидаги давр), меҳнат талаблик меъёри (ҳар бир таъмирлаш ишида бирор таъмирлаш бирлигини бажариш учун шарт бўлган вақт) кўрсатилади. Таъмирлаш бирлиги - таъмирлаш иши ҳажмини меҳнат талаблиги бўйича ўлчаш бирлигидир. Кейинчалик таъмирлашниң йиллик графикни квартал ва ойлик режаларида уйғунлаштирилади. Шартли равишда олинган бир таъмирлаш мураккаблигига, керакли соат меъёрига асосан режадаги таъмирлаш иши ҳажмига талаб қилинадиган ишчилар сони, иш ҳақи фонди, материалларга ва ярим фабрикатларга кетадиган харажатлар аниқланади. Корхоналарда жиҳозларни таъмирлашни уюштириш учун таъмирлаш хизмати ташкил қилинади. У марказлашган ва марказлашмаган бўлиши мумкин. Марказлаштирилмаган тартибда ташкил этилган таъмирлаш хизмати тез емириладиган қисмларни ишлаб чиқариш цехларида, таъмирлаш участкаларида йўлга қўйилади. Таъмирлаш хизмати марказлаштирилган ҳолда ташкил этилганда жиҳозларни таъмирлаш бош механик ва бош энергетик бўлимлари хизматлари томонидан бажарилади. Таъмирлаштиришни бу тартибда уюштириш кардлардан ва таъмирлаш цехлари қувватидан тўғри фойдаланишга, таннархни камайтиришга, тез ва сифатли таъмирлашга имкон беради.

Саноат корхоналарида асосий маҳсулотни ишлаб чиқаришда ихтисослаштириш иқтисодий самарадэрликни сезиларли даражада оширишга олиб келади. Шунинг учун корхоналарда жиҳозларни таъмирлашни ташкил этишда ҳам йўлда фойдаланилади. Илфор корхоналар тажрибаси шуни кўрсатадики, таъмирлашни ихтисослаштирилган ва марказлаштирилган тартибда ташкил

этиш таъмирлашда катта аниқлик, режалик ва афзалликни таъминлайди. Мехнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш яхшиланади. Таъмирлаш ишларининг сифати ортади ва таннархи камаяди.

Илгор корхоналар тажрибаси таъмирлашни такомиллаштиришнинг кўйидиги йўллари мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда: а) эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва марказлаштириш; б) капитал ремонт ишларини ихтисослашган таъмирлаш заводларида марказлаштириш; в) марказлаштириш базасини ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш; г) таъмирлаш ишларини корхона доирасида марказлаштириш; д) таъмирлаш ишларини механизациялаштириш.

5. 3. Кончилик саноати ва геология-қидирув ишларида ички транспортни ташкил қилиш.

Кончилик саноати ва геология-қидирув ишларини олиб бориша ички транспорт хизматининг аҳамияти ортиб бормоқда. Бунинг сабаби геология-қидирув ишлари, асосан, ўзлаштирилмаган, аҳоли яшайдиган худудлардан узоқда, темир йўл ва автомагистраллар йўқ жойларда олиб борилади.

Кончилик саноати ва геология-қидирув ишларида ташиладиган юкларнинг 90 фоизини автотраспортларда амалга оширилади. Геология-қидирув ташкилотларида автомобиль ва трактор паркларидағи автомобиллардан ташқари маҳсус транспортлар: цистернали, оғир юкларни тортувчи (тягач), вездеходлар, труба ва ёғоч ташувчи, прицепли ва трайлерли транспортлар кам мавжуд бўлади. бу турдаги транспортлардан самарали фойдаланиш учун юкларни ташишни марказлаштирилган диспетчерлик хизматини ташкил этиш йўли билан амалга ошириш мумкин.

Геология-қидирув ишларида юкларни ташиш таннархи юкори, бунинг сабаби юклар асосан паст категорияли ёки умуман йўлсиз жойлардан ташилади. Юкларни ташиш ва унга боғлиқ бўлган ишлар юкларни жойлаштириш, расмийлаштириш, ортиш ва тушириш ишлари давлат геологик корхоналарининг транспорт хизмати ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Баъзи вақтларда, яъни дала шароитида мавсумий геология-кидирув ишлари тутатилганда, катта ҳажмдаги юкларни йўлсиз жойларда ташишда бошқа транспорт ташкилотларидан ижарага ёки пудрат усулида транспорт воситаларидан фойдаланишини ташкил қилишга тўғри келади.

Кончилик саноати ва геология-кидирув ишлари корхоналарда кўлланиладиган транспорт воситалари кенг ва турлича бўлгани учун, уларни таснифлаш анча қийин иш ҳисобланади. Лекин шундай бўлсада, уларни кўтариш транспорт машиналарига жойлаштирилган юкларни бир жойдан иккинчисига кўчириш ҳаракатларига кўра (доимий ва вақти-вақти билан ҳаракат қилувчи машиналар); юкни ҳаракат йўналишига қараб (горизонтал, вертикал ва ҳар тарафлама кўчирувчи машиналар); кўчириладиган юклар ҳарактерига қараб (сочилувчан ва доналаб юкларни ташувчи юк машиналари); тортиш органига қараб (ленталар, арконлар, занжирлар) таснифлаш мумкин.

— Транспортлар бажарадиган вазифаларига қараб ташқаридағи, цехлараро, цех ичидаги ва омбор ичидаги транспортларга бўлинади.

Корхона транспортлари ҳаракат усулига кўра тўхтаб-тўхтаб ишлайдиган (автомобиллар, электрокаралар, автотортгичлар, паровозлар, мотовозлар, электровозлар, вагонлар, кўприклар, кранлар ва бошқалар) ва узлуксиз ишлайдиган транспортлар (конвејерлар, транспортерларнинг ҳамма турлари, гравитацион курилмалар, қувурлар)га бўлинади.

Транспорт турларини танлаш транспорт хўжалиги ишини ташкил этишда катта аҳамиятга эга. Транспорт воситаларини танлаш вақтида уларнинг юк кўтарувчанлиги, тезлиги, ихчамлиги ва шунга ўхшаш хусусиятлари эътиборга олинади. Бундан ташқари, юк оқими қуввати, уларнинг бошланиш ва тугаш оралиғидаги масофа, ташилиши керак бўлган материаллар ҳарактери, катта-кичиклиги, физик-механик ва бошқа хоссалари эътиборга олинади.

Транспорт воситаларини танлашда транспортнинг юк кўтарувчанлик қуввати ва ҳаракат тезлигидан максимал фойдаланишга эътибор бериш лозим. Уларнинг ҳарактери хизмат кўрсатдётган ишлаб чиқаришдаги техник ва ташкилий хусусиятлар билан мос тушмоғи керак.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши асосий жараёйларни механизациялаш ва автоматлаштириш натижасида транспорт техникаси ҳам ўзгаради. Транспорт воситаларини танлашада уларнинг меҳнат унумдорлигига таъсири ҳисобга олиниши лозим.

Ихтисослаштирилган транспорт хўжалиги корхона транспортларини бошқаришни ташкил қилишнинг прогрессив усулида бажариладиган иш ҳажмига қараб саноат транспортини бошқаришни ташкил қилишнинг қуидаги шакллари кўлланилади:

- a)транспорт турларига қараб (темир йўл, автомобиль, рельссиз ва шунга ўхшаш) бир қанча участкаларга бўлинган корхонанинг ягона транспорт цехи-барча транспорт воситаларидан ва иш кучидан яхши фойдаланишни таъминлайди ва транспорт цехларида умумий ишчилар со и 300 киши бўлган кичик ва ўрта корхоналар учун мақсадга мувофиқдир;
- b)ихтисослаштирилган мустақил темир йўл, автомобиль, изсиз юратиган ва сув транспорти цехлари;
- v)ихтисослаштирилган транспорт ташкилотини ўзида ифодаловчи бир неча корхонанинг транспорт хўжалиги бирлашмаси. Саноат транспортларини бу усулда бошқариш энг самаралидир ва корхоналар ҳудудий жойланиш шароитларига қараб имкон бўлса, бу усулда албатта амалга оширишлари керак.

Назорат саволлар.

1. Кончилик саноатида ёрдамчи ишлаб чиқариш турларини тавсифлаб беринг.
2. Геология қидирув ишларида ёрдамчи ишлаб чиқариш турларини тавсифлаб беринг.
3. Кончилик саноатида энергия хўжалигини ташкил этиш.
4. Геология қидирув ишларида энергия хўжалигини ташкил этиш.
5. Кончилик саноатида асосий васиталарни таъмирлашни ташкил этиш.
6. Геология қидирув ишларида асосий воситаларни таъмирлашни ташкил этиш.
7. Кончилик ишларида ички транспортни ташкил этиш.
8. Геология қидирув ишларида ички транспортни ташкил этиш.
9. Геология қидирув ишларида алоқа хизматини ташкил этиш.

10. Кончилик саноати ва геология қидирув ишларида ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг ташкил этишининг ўзига хос хусусиятларини изоҳлаб беринг.

VI. Кончилик ва геология-қидирув ишларида табий ресурслар, ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат предметлари билан таъминлашни ташкил қилиш

6. 1. Кончилик саноати ва геология қидирув ишларида табий ресурслар ва ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашнинг аҳамияти.

Моддий-техника таъминоти кончилик саноати ва геология-қидирув корхоналари ва ташкилотларини хом ашё, материаллар, сотиб олинадиган яримфабрикатлар, ишлаб чиқаришда ва ишлаб чиқаришдан ташқари сарфлашга мўлжалланган тайёр буюмлар билан режаси равишда таъминлаш жараёнидир. Моддий-техника таъминоти моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжларни аниқлашни, уларни режаси равишда тақсимлашни, хўжалик алоқаларини шакллантиришни, маҳсулот етказиб беришни ташкил этиш ва у билан бевосита боғлиқ бўлган жойларни таъминлашни ўз ичига олади. Моддий баланслар асосини ташкил этувчи моддий-техника таъминоти кончилик корхоналарининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш режасининг таркибий қисми хисобланади. Ресурсларга бўлган эҳтиёж маҳсулот ишлаб чиқариш режаларига, ишларнинг бажарилиши ҳамда сарфлаш ва захира меъёrlарига қараб белгиланади.

Маҳсулот етказиб берувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги хўжалик алоқалари маҳсулотни ишлаб чиқариш, ташиш ва истеъмол қилиш шароитларини ҳисобга олган ҳолда режа тарзда ташкил этилади. Бундай алоқалар тўғридан-тўғри (бунда тайёрловчилар ва истеъмолчилар маҳсулотнинг кенг ассортиментини, маҳсулот сифатига бўлган талабни ва маҳсулот етказиб беришга доир бошқа шартларни ўзлари келишиб

олишади) ва бавосита (бунда маҳсулот етқазиб бериш шартлари моддий-техника таъминоти органлари иштирокида белгиланади) бўлиши мумкин. Маҳсулот етқазиб бериш шартномалар билан расмийлаштирилади ҳамда транзит билан (бевосита маҳсулот тайёрловчилардан истеъмолчиларга) ёки таъминот-мол ўтказиш корхоналари ва ташкилотларининг омборлари орқали (омбордан мол етқазиб бериш) амалга оширилади. Маҳсулотларни омборлардан етқазиб беришда мол олувчиларга маҳсулотни истеъмолга тайёрлаш (материалларни қирқиши, майда идишларга қадоқлаб ёки ўлчаб жойлаш, бир йўлда истеъмол қилинадиган маҳсулотларнинг комплектларини таълаш ва бошқалар) юзасидан ишлаб чиқариш хизмати, шунингдек, транспорт хизмати (маҳсулотни марказлаштирилган ҳолда автотранспорт билан ташиб бериш) кўрсатилади. Иш жойларини таъминлашни корхона ва бирлашмаларнинг таъминот хизматлари буюмларни ишлаб чиқариш ва ишларни бажариш оператив планларига мувофиқ амалга оширилади. Моддий-техника таъминоти хўжалик механизмининг таркибий элементи бўлиб, унинг шакли ва услублари хўжалик юритиш шароитларининг ўзгариши муносабати билан қайта кўрилади. Умумдавлат таъминот системасини ривожлантириш ва такомиллаштириш, маҳсулот етқазиб бериш интизоми ҳамда моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш учун унинг масъулиятини ошириш, маҳсулотни истеъмол қилувчилар билан уни тайёрловчилар ўртасида узок муддатли хўжалик алоқаларини ривожлантириш ва тўғридан-тўғри хўжалик алоқалари ролини кучайтириш вазифаларни амалга ошириш лозим. Бозор иқтисодиёти шароитида моддий-техника таъминотини қайта қуриш моддий ресурсларни марказлаштирилган тарзда фондлаш ва истеъмолчиларни мол етқазиб берувчиларга бириктириб кўйищдан ишлаб чиқариш воситалари билан фонdlар ва нарядларсиз, истеъмолчиларнинг буортмаси бўйича, шартномалардан кенг фойдаланган ҳолда, иш юзасидан шерик танлаш орқали эркин олди-сотди шаклидан улгуржи савдо қилишга ўтишдан иборатдир. Келгусида бу ишлаб чиқарувчининг ўз амрини ўтказишини ва монополиясини бартараф этадиган ишлаб чиқариш воситалари билан савдо қилувчи ривожланган бозорнинг пайдо бўлишига олиб келади. Моддий-техника таъминоти ишлаб чиқариш инфраструктурасининг бир қисмииг'ир.

6. 2. Кончилик саноати ва геология қидирув ишларида моддий-техника таъминоти режаси.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий тармоқларни моддий-техника таъминоти режалаштириш ишларига Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ва таъминот ташкилотлари бошчилик қилади.

Кончилик саноати ва геология қидирув ишларида таъминот ташкилотлари ишининг асоси бўлиб моддий-техника таъминоти режаси ҳисобланади. У шакли бўйича режалаштиришнинг ҳамма тури учун бир хилдир. Моддий-техника таъминоти режанинг асосий вазифаси – мавжуд талабларни ҳисобга олган ҳолда тармоқнинг барча эҳтиёжини керак бўлган ҳом ашё, материал, ёқилғи, эҳтиёт қисмлари, ускуналар билан қондириш, ишлаб чиқариш жараёнининг нормал равишда бориши учун зарур бўлган шароитларни яратиш ва геология-қидирув ишлари режасининг бажарилишини таъминлаб беришдан иборат. Бунинг учун режани ишлаб чиқишида қўйидагиларга таяниш лозим:

- Ишлаб чиқариш, қурилиш, эксплуатацион таъмирлаш ва бошқа эҳтиёжларнинг ҳажми ва асосий кўрсаткичлари;
- Капитал қўйилмалар ҳажми ва ишлаб чиқариш фаолияти йўналиши бўйича молиялаш кўрсаткичлари;
- Техник воситаларни ишлатиш прогрессив меъёрлари ва материаллар сарфи меъёри;
- Моддий ресурсларни тежаш масалалари;
- Ўзгарувчан заҳираларнинг иқтисодий асосланган меъёрлари.

Моддий-техника таъминоти режаси моддий ресурслар, ускуналар, машина ва техник воситаларга бўлган талабни асослаб берувчи ва бу талабларни қондириш манбаларини аниқлаб берувчи ҳисоб-китоб ҳужжатлари йигиндисидан ташкил топган. Режа 2 та асосий қисмдан иборат.

Режанинг биринчи қисми – балансли – эҳтиёжларнинг якуний жадвалларидан иборат. Уларда олдинги йил учун материал ва ускуналарнинг амалдаги сарфи ҳақида асосий маълумот, жорий йилнинг бошига ва режалаштирилётган йил бошига кутилаётган амалдаги колдиклар, режалаштирилаётган йил учун ишнинг энг муҳим йўналишлари бўйича эҳтиёжлари келтирилган. Режанинг ушбу қисмida ажратилган фонdlар ҳисобига эҳтиёжларни

қондириш ва харидорлардан қолган қарзларни узиш манбалари аникланади.

Режанинг иккинчи қисми – ҳисоб-китобли – ишни бажариш ва маҳсулот ишлаб чиқариш учун белгиланган ҳаражат меъёрлари ёки конкрет моддий-техника ресурсларига бўлган эҳтиёжнинг ҳисобли-статистик кўрсаткичлари асосида аникланадиган эҳтиёжлар ҳисоб-китобидан иборат.

6. 3. Моддий ресурсларга бўлган талабни аниклаш ва уларнинг номенклатураси.

Моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжни аниклаш моддий-техника таъминоти жараёнининг энг муҳим элементи ҳисобланади. Умумий ҳолда моддий ресурсларга бўлган эҳтиёж куйидаги ифода бўйича аникланади:

$$R = (O \cdot H) + Z_n - Z_o$$

Бу О- Режалаштирилаётган давр учун ишлаб чиқариш ерда ишлари ҳажми;

Н- Иш бирлигига сарфланадиган хом ашё ва материалларнинг қабул қилинган меъёри;

Z_n - Ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлаш учун зарур бўлган ишлаб чиқаришнинг меъёрий кўчувчи заҳираси;

Z_o - Режалаштирилаётган давр бошига кутилаётган хом ашё тури ёки материаллар заҳираси.

Ҳисоб-китобларда геология-қидиув ишларининг мавсумийлиги, иш жойларига ташкилот омборидан материалларни етқазиб бериш имконияти ва бошқалар инобатга олиниши зарур. Режалаштирилаётган йилда етқазиб берилиши лозим бўлган ускуна миқдори режалаштирилаётган йил давомида унинг ишдан чиқишини ҳисобга олган ҳолда унга бўлган эҳтиёж ва режалаштирилаётган йил бошига қолдиқ орасидаги тафовутдан келиб чиқади. Шундай қилиб, моддий-техника таъминоти режаси геология-қидиув ишлари режасининг бошқа бўлимлари билан мустаҳкам алоқада бўлиши лозим.

Геология-қидируд ишларини олиб борища моддий-техника таъминоти геология-қидируд ишлари режасининг ҳар бир вазияти бўйича ўз вақтида материаллар, буюмлар ва ускуналарни комплекс етқазиб беришни назарда тутади. У қуидагиларни ўз ичига олади:

- Фан-техника ютукларини ҳисобга олган ҳолда келгуси эҳтиёжни режалаштириш;
- Моддий-техника таъминоти режасини геология хизматининг техник ривожланиши билан мувофиқлаштириш;
- Моддий ресурсларни етқазиб бериш бўйича шартномалар тузиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;
- Материал ва ускуналар беришни қайд қилиш;
- Материал ва ускуналар қабул қилиш, текшириш, саклаш, қайд қилиш ва беришни ташкил қилиш;
- Бевосита иш участкаларида материал ва ускуналарнинг белгиланган жойда ишлатилишини ва уларни ўз вақтида беришни назорат қилиш.

Моддий-техника таъминоти барча ташкилотларининг асосий фаолияти бир неча босқичда ишлаб чиқиладиган режадан иборат.

Биринчи босқичда тармоқнинг айрим моддий ресурс турларига бўлган эҳтиёжи белгиланади.

Иккинчи босқичда эса материаллар баланси, тақсимот режаси ишлаб чиқилади ва режаларни корхонага етказиш амалга оширилади.

Кончилик саноати ва геология-қидируд ишларини олиб борища қўлланадиган ускуна ва материаллар номенклатураси фоят кенгdir. У 10000 дан ортиқ турдаги ускуна ва материаллар номини ўз ичига олиб, қуидагича турдаги мумкин:

- Ёқилғи ва ёнувчи-мойловчи материаллар (кўмир, ўтин, бензин, дизель ёқилғиси, мойловчи ва трансформатор мойларининг турли навлари);
- Металл буюмлар (прокат, тунука, маҳкамлагич ва бошқалар);
- Тоғ жинсларини майдаловчи, кесувчи ускуналар (олмосли ва қаттиқ қотишмали коронкалар, олмосли ва парракли исеканалар);
- Ёғоч материаллари (маҳкамлаш ва қурилиш ёғочлари, арраланган ёки тилинган бинокорлик материаллари, шпаллар);

- Портловчи материаллар ва портлатиш воситалари (бикфорд ва детонацион пиликлар, детонаторлар);
- Технологик ва қурилиш цементи;
- Қувур маҳсулотлари (бурғулаш, устунли ва маҳкамловчи қувурлар, сув қувури ва қурилиш конструкциялари учун қувурлар);
- Резина-техник буюмлар (шланглар, транспортёр ленталари, узатма тасмалари ва х.к.).

Материалларнинг геология-қидирув ишлари умумий кийматидаги улуши 5% дан (геология-съёмка ва геофизика ишлари) 69% гача (геология-қидирув лаҳимларни мустаҳкамлаш) ўзгариб туради.

6. 4. Корхоналарда моддий-техника таъминоти жараёнини ташкил этиш.

Моддий-техника таъминоти жараёнини тўғри ташкил этиш учун ишлаб чиқариш эҳтиёжини ўрганиш, ускуналарнинг ишли ҳолати ва хизмат муддатини, бўлажак ишлар шароитини билиш зарур. Шунинг учун моддий-техника русурсларини олиш учун режалар тузиш ва талабномаларни шакллантириш ишлари асосий ва ёрдамчи бўлинмаларнинг маляқали бошқарувчилари томонидан бажарилиши керак. Материаллар сарфининг техник асосланган меъёрлари ҳам катта аҳамиятга эга. Материаллар сарфи меъёрлари техник ҳисоб-китоблар асосида ишлаб чиқилади. Бунда иш бирлигига материаллар сарфини аниқловчи назарий боғлиқликни, механизмларнинг паспорт маълумотларини, жараёнлар технологик схемаларини ҳамда тайёрлашга лойик бўлган конструкциялар чизмаларини ва ишлаб чиқариш шароитлари тавсифини инобатга олиш зарурдир. Аниқ бошлангич маълумотлар йўқ бўлганда ишлаб чиқариш шароитларининг маҳсус кузатувини ташкил қилиш ва улардан меъёрларни ҳисоблашда фойдаланиш зарур.

Ускуналарга талабномаларни тузиш пайтида уларнинг янгилик даражаси ва прогрессивлиги ҳамда конкрет иш шароитларида эксплуатация қилиш имкониятларини инобатга олиш зарур. Таъмирлаш ва эҳтиёт қисмлари билан таъминлашни ташкил қилиш ишларини енгиллатиш мақсадида талаб

қилинаётган ускунанинг турли типда бўлишини камайтиришга интилиш лозим. Моддий таъминот режалари 4 кварталга бўлинган ҳолда бир йил муддатга тузилади.

Ускуна ва материалларнинг катта қисми марказлашган ҳолда тарқатилади. Улар тармоқнинг юкори ташкилотлари омборларидан ёки маҳаллий таъминот ташкилотларининг омбор ва маҳаллий базалари томонидан таъминлаб берилади (омбор шакли).

Саноат маҳсулотларининг экспедиция адресига етиб бориши мумкин (транзит шакли). Геология-қидирув ишлаб чиқариш ташкилотлари ушбу шаклдан маҳкамлагич ёғочлар айрим турлари шартномалар асосида бевосита етқазиб берувчи заводдан геология, портловчи ва бальзи бир бошқа материаллар билан таъминлашда фойдаланадилар.

Бошқа турдаги материаллар ва ускуналарнинг ҳамма турлари омбор шаклида икки босқичда геология экспедицияларига етқазиб берилади. Дастрлаб, юклар ДГК (давлат геология корхонаси) омборлари тушнилди ва ишлаб чиқаришга аввалги тайёргарлик ишлари (сараплаш, комплектлаш) бажарилади. Сўнг талабга биноан экспедиция омборлари ёки бевосита иш участкаларига етқазиб берилади.

Материалларни саклаш ва жўнатиш жараёнини ташкил қилишда уларнинг бузилишини олдини олиш чораларини кўриш, тез топилиш имкониятлари, микдор ва сифатини текшириб туриш чораларини амалга ошириш муҳимдир.

Моддий ресурсларнинг келиши, мавжудлиги ва сарф бўлиши бевосита ишлаб чиқариш бўғинларида (участка, бригада) бухгалтерия ишчилари томонидан маҳсус ведомостларда ҳисоб қилиб борилади.

Назорат саволлар.

1. Кончилик саноати ва геология қидирув ишларини табиий ресурслари ҳақида тушунча беринг.
2. Кончилик саноати ва геология қидирув ишларини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашнинг аҳамияти.
3. Кончилик саноати ва геология қидирув ишларини моддий – техника таъминотининг режаси ҳақида тушунча.
4. Моддий – техника режасининг тузулиши.
5. Моддий ресурсларга бўлган талабни аниклаш.

6. Геология қидирув ишларидағи скуна ва материалларнинг номенклатураси.
7. Кончиллик саноатида моддий – техника таъминотини ташкил этинг.
8. Геология қидирув ишларида моддий – техника таъминотини ташкил этинг.
9. Бозор иқтисодиёти шароитида табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ташкил этишининг ўзига хос хусусиятлари.
10. Бозор иқтисодиёти шароитида кончиллик саноати ва геология қидирув ишларини ишлаб чиқариш воситалардан оқилона фойдаланишнинг йўналишлари.

VII. КОНЧИЛИК ВА ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИДА МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ

7. 1. Маҳсулот сифати тўғрисида тушунча, унинг кўрсаткичлари ва сифатни оширишнинг аҳамияти.

Маҳсулот сифати-маҳсулотнинг мўлжалланган максадларда фойдаланишга яроқли эканлигини белгиловчи хусусиятлар йигиндишидир.

Кончиллик саноати ва геология-қидирув ишларида маҳсулотнинг сифати корхонанинг фаолиятини режалаштиришда ва уни аниклашда қўлланиладиган асосий кўрсаткичлардан биридир. Унда меҳнатни ташкил қилиш, унинг жиҳозланиши даражаси, мутахассисларнинг малакаси, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ҳолати ифодаланади.

Маҳсулот сифатини ифодаловчи умумий кўрсаткичлар таркибига куйидагиларни киритиш мумкин; ишлаб чиқарилган маҳсулот таркибидаги сифатли буюмларнинг хажми ва салмоғи; маҳсулот сифатини ошириш юзасидан амалга оширилган тадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги.

Саноат тармоқларида ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатини ифодалашда турли кўрсаткичлар қўлланилади. Сифат кўрсаткичлари маҳсулотнинг кандай тури учун мўлжалланганига

боғлик. Масалан охак ва ганчнинг сифати уларнинг боғловчанлик қобилиятига, ёқилгининг сифати эса унинг иссиқлик бериш қобилиятига қараб аниқланади.

Машина ва ўлчов асбобларнинг сифати уларнинг мустахкамлигига ва узок ишлаш қобилиятига қараб аниқланади. Масалан, буюмнинг ишлаш муддати, ремонtlараро давридаги ишлаш муддати, унификациялашиш даражаси, чет эл ва илгор корхоналарда ишлаб чиқарилган буюмларга нисбатан бўлган сифат даражаси ва бошқалар.

Мустахкамлилик буюмнинг мўлжалланган муддатда, ўз хизмат кўрсаткичларини ўзгарирмай, зиммасига юклangan вазифаларни бажариш хусусиятидир.

Узок ишлаш қобилияти буюмнинг мўлжалланган муддат давомида зарур ремонт ишларини бажарган ҳолда ишлаш қобилиятини ўзгартирмаслик хусусиятидир.

Маҳсулот сифатини таҳлил қилишда фойдаланиладиган асосий кўрсаткичлар билан бир қаторда сифатсиз маҳсулот учун истеъмолчиларга тўланган жарималар, маҳсулотни кафолатли ремонт қилувчи устахоналарга сарфланадиган харажатлар ва биринчи кўрсатишдаёқ топширилган маҳсулотнинг салмоғи каби кўрсаткичлар ҳам қўлланилади.

Маҳсулот сифатини ошириш – миллий иқтисодиётни ривожлантириш вазифаларининг асосий талабидир. Бу вазифани ҳал қилиш ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш, умумдавлат бойлигини кўпайтириш ва меҳнаткашларнинг эҳтиёжини қондиришга имкон беради.

Маҳсулот сифатини ошириш кончилик ва геология-қидирув корхоналари ва унинг бўлимларнинг муҳим вазифасидир. Бу корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар дунё стандартларининг талабларини қондира олиш зарур. Шундагина республикамизнинг экспорт салоҳияти ортади.

Машина ва механизmlарнинг ишлаш муддатини ошириш ремонт қилишда сарфланадиган ижтимоий меҳнатни тежаш, капитал маблағларнинг самарадорлигини ва асосий воситалардан фойдаланиш даражасини кўпайтириш имконини беради.

7. 2. Маҳсулот сифатини бошқариш.

Меҳнаткашларнинг биргаликдаги фаолияти мавжуд бўлгандағина раҳбарликка бўлган зарурият юзага келади. Раҳбарлик кенг маънода олганда, меҳнат қатнашчиларига ташкилий равишда таъсир кўрсатувчи категория бўлиб, кишилар ҳаракатини бирлаштириш, келиштириш, боғлаш йўли билан уларнинг биргаликдаги фаолиятида онгли мақсадларини амалга ошириш вазифасини назарда тутади.

“Бошқариш” иборасини маҳсулот сифатига оид қўйлагандан, маҳсулот сифатини доимий назорат қилиш, уни белгиловчи шартлар ва омилларни мақсадга мувофиқ таъсир қилдириш йўллари билан маҳсулот сифатини лойихалаштириш, ишлаб чиқариш ва фойдаланишда унинг зарур даражада ўрнатилишини таъминланишини ва сакланишини тушунмоқ лозим.

Корхоналарда маҳсулотнинг сифатини бошқариш операциялари инженер-техник, ташкилий технологик, назорат, транспорт, омбор ва бошқа жараенларнинг ўзаро боғлиқлиги мажмуасини ташкил этувчи тартиб доирасида олиб борилади.

Маҳсулот сифатини бошқариш жараёни куйидаги операциялардан иборатdir маҳсулот сифати даражасини белгилаш, маҳсулот сифатига таъсир кўрсатувчи омил ва уни ишлаб чиқариш жараёнининг ҳолати тўғрисидаги ахборотларни йиғиш ва уларни ўрганиш, маҳсулот сифатини бошқариш тўғрисида карор қабул қилиш ва объектга таъсир кўрсатишга тайерланиш, бошкарув буйруларини бериш, бошкарни натижасида маҳсулот сифатининг ўзгариши ҳақидаги ахборотларни йиғиш ва тахлил қилиш. Бошқариш объектлари маҳсулотни лойихалаштириш, ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишнинг барча боскичларига таалуклидир. Маҳсулот сифатини бошкарни кўп жихатдан стандартлаштиришга асосланади. Стандартлаштириш маҳсулотга уни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган талабларни чеклаб куяди, маҳсулот сифатини бошқариш бўйича ишларни ташкил этади, маҳсулот сифатини назорат қилиш усуллари ва воситаларини ўрнатади, маҳсулот сифатини аттестация қилиш тартибини белгилайди, маҳсулотни ишлаб чиқариш технологик жараёнларини ва асбоб-ускуналар таъмирини белгилайди, маҳсулотни эксплуатация қилиш режимини ва коидаларини тайинлайди. Маҳсулот сифати устидан давлат назорати ўрнатишни мўлжаллтайди.

Корхоналарда маҳсулот сифати устидан тўла раҳбарлик қилинда кўйидаги вазифалар амалга оширилади: маҳсулотнинг техникавий даражасини узок муддатларга чамалаш; маҳсулот сифатини оширишни режалаштириш, маҳсулот сифатини аттестация қилиш; маҳсулотнинг лойихасини тузиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш; ишлаб чиқаришга технологик тайерлаш; маҳсулот сифатини моддий-техника томондан таъминлаш; маҳсулот сифатини ўлчашни таъминлаш; мутахассисларни таъминлаш, жойлаштириш, тарбиялаш ва ўқитиши; сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш даражасини бир текис олиб бориш; ишлаб чиқариш воситаларини саклаш, транспортировка, таъмирлашни ташкил этиш; маҳсулот сифатини оширишни рагбатлантириш; маҳсулот сифатини назорат қилиш; стандартларга, ўлчов воситаларига ва техник шартларга риоя қилиш; маҳсулот сифатини бошқариш хуқуқини таъминлаш.

Юқоридаги вазифалар ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг хоссаларини технологик жараёнларнинг ихтисослаштириш хусусиятларини, ишлаб чиқаришни ташкил этиш шаклларини ва усусларини ҳисобга олган ҳолда бажарилади.

7. 3. Маҳсулот сифатини оширишни йўналишлари.

Корхоналарда тузиладиган узоқ мудатли, ўрта ва жорий режаларда сифати бизнинг мамлакатда ва чет давлатларда ишлаб чиқарилаетган буюмлардан юқорироқ ёки уларга тенг келадиган сифатдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ва уларнинг хажмини кўпайтириш бўйича аниқ вазифалар ҳамда тадбирлар кўрсатилади.

Маҳсулот сифатини яхшилашга оид вазифалар, тадбирлар тузилаётганда уларни амалга ошириш имкониятлари ва мақсадга мувофиқлиги техник-иктисодий жиҳатдан асосланади. Бунинг учун қўйидагилар асос қилиб олинади: ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатига бўлган талаблар ва келгусида уни такомилаштириш имкониятлари; маҳсулотнинг сифат даражасини баҳолаш, ишлаб чиқарилган маҳсулотда учраган нуқсонларни юзага чиқариш ва уни тахлил қилиш, кўпроқ рўй берадиган камчиликларни лабораториядан ўтказилган синов натижалари, истеъмолчилар томонидан юборилган норозилик хужжатлари,

техникавий назорат маълумотлари, илфор корхоналарнинг маҳсулотлари билан таққослаш.

Маҳсулот сифатини яхшилашга оид тадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда уларнинг истиқболлироғини танлаш лозим.

Муҳим маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари бўйича топширик корхоналарга юқори ташкилотлар томонидан тасдиқлаб берилади ва бизнес режанинг «Корхонанинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари» қисмida кўрсатилади.

Юқори ташкилотлар томонидан тасдиқланган маҳсулот сифатини оширишга оид ҳамда корхонанинг ўзи белгилаган топшириклар бизнес режанинг «Маҳсулотнинг хилларини такомиллаштириш ва сифатини ошириш режаси» номли бўлимида ўз ифодасини топади ва маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари ҳамда мўлжалланга тадбирларни ўз ичига олади.

Шу билан бирга бу ерда маҳсулотнинг сифатини ошириш билан боғлиқ бўлган қўшимча ҳаражатлар, уларнинг манбаи, маҳсулот сифатининг ошиши ҳамда уларни тайерлаш ва истеъмол килишда олинган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ҳам белгиланади.

Маҳсулот сифатини оширишни режалаштиришда қуйидагилар ишлаб чиқарилади: маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини оширишга каратилган асосий тажриба ва лойихалаштириш ишлари ҳамда ташкилий-техникавий тадбирлар; ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясини такомиллаштиришга оид тадбирлар; материал ва ҳом ашёларнинг сифатини ошириш бўйича таъминловчиларга қўйиладиган талаблар; маҳсулот сифатини ошириш бўйича ўтказиладиган илмий тадқиқот, тажриба ва лойихалаштириш бўйича илмий текшириш, лойихалаштириш ташкилотларига бериладиган топшириклар; техникавий хужжатларни яхшилаш тадбирлари; технологик интизомга риоя қилишни текшириш шароити, ишлаб чиқаришни ўлчов асбоблари билан таъминлаш, уларнинг аниқ ишлашини кузатиб туриш тадбирлари; стандартларни ўзлаштириш, уларга риоя қилиш, буюмларни унификациялаштириш, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, нуксонларнинг олдини олиш ва истеъмолчилар томонидан бўладиган норозиликларни камайтириш тадбирлари.

Корхона бўлимларининг режаларида маҳсулот сифатини оширишга оид топшириқ ва тадбирлар, нуқсонларни камайтириш, бундай тадбирларнинг бажарилиш муддати, масъул кишилар, тадбирларни амалга ошириш харажатлари ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги, маҳсулотни биринчи кўрсатишидаек топшириш даражаси ва бошқа кўрсаткичлар аниқланади.

Саноат тармоқларида сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилишига давлат стандартларини кўллаш катта таъсир кўрсатади. Чунки стандартлар маҳсулот хажмини, тури кўрсаткичларни синаш ва ўлчаш усулларини ва воситаларини аниқлайди хамда хом аше, материаллар, асбоб ва дастгоҳларга бўлган талабларни белгилайди.

Давлат стандартлари таркибида 4 хил стандартлар, техникавий шартлар ва техникавий кўлланма материаллари мавжуддир: Давлат стандартлари, тармоқ стандартлари, корхона стандартлар, техникавий шартлар, техникавий кўлланма материаллари.

Маҳсулот сифатини ошириш мақсадида корхоналарни ривожлантириш режаларида стандартларни такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилади. Буни республикамизнинг илфор корхоналарида ўтказилаётган тадбирлардан кўриш мумкин.

7. 4. Маҳсулот сифати оширилишини моддий рағбатлантириш.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга иқтисодий таъсир кўрсатишининг муҳим чораларидан бири мамлакатимизда маҳсулотларнинг сифатини давлат томонидан аттестация қилишдир.

Маҳсулот сифатини аттестация қилиш натижасида маҳсулотлар З гурӯхга бўлинади. Олий даражали маҳсулотлар қаторига ватанимизда ва чет элларда эришилган ютуқларга мос ва сифати истиқболли, стандарт талабларига жавоб берувчи маҳсулотлар киритилади.

Биринчи даражали маҳсулотлар қаторига сифати замонавий стандарт талабига ва техникавий шартларга мос келадиган халқ хўжалиги, аҳоли ва чет эл истеъмолчиларининг талабини қондира оладиган маҳсулотлар киритилади. Иккинчи даражали маҳсулотлар қаторига эса маънавий эскирган, сифати замонавий талабларга жавоб бера олмайдиган, яхшиланиши ёки ишлаб

чиқарилиши чекланиши ҳамда стандартлари қайта курилиши зарур бўлган маҳсулотлар киритилади.

Маҳсулотлар сифатининг давлат томонидан аттестация килиниши мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотни амалга оширишдаги муҳим тадбирдир. Бу тадбирни ўтказиш ўз навбатида корхона, вазирликлар ва стандарт комитетларидан маълум тайергарлик ишларини олиб боришни талааб этади.

Маҳсулот устидан давлат аттестацияси ва унинг устидан назорат олиб боришни тайерлаш ва ўтказиш тартиби.

Маҳсулот сифати устидан аттестация ўтказишнинг методологик асоси бўлиб хизмат қиласди. Маҳсулот сифати устидан давлат аттестацияси комиссиялари томонидан олиб борилади. Комиссия аъзолилига юқори малакали мутахассислар, олимлар, истеъмолчиларнинг, саноат вазирликларининг, савдо ташкилотларининг ҳамда стандартлар комитетининг вакиллари киритилади. Маҳсулот сифатини аниқлашда унинг барча хусусиятлари эътиборга олинади.

Маҳсулот сифатини аттестация қилган корхоналарда унинг пасаймаслигини таъминлаш мақсадида технологик ингизом саклаш бўйича қўшимча тадбирчар ўтказилади. Шу мақсадда юқори сифатга сазовор бўлган маҳсулотни тайёрлашида қўлланиладиган барча техникавий ҳужжатлар қайтадан текширилади ва тегишли ўзгаришлар киритилади. Аттестация қилинган маҳсулотларга уларнинг юқори сифат кўрсаткичларини акс эттирган давлат стандартлари тузилади.

Машинасозлик, курилиш материаллари, ёғочсозлик, енгил ва бошка саноат тармоқларининг корхоналарида ишчиларнинг маҳсулот сифатини оширишга муносабатини кучайтириш мақсадида маҳсулотни нуқсонсиз тайерлаш ва назоратчиларга дастлабки тақдим этищаек топширганликлари учун рағбатлантириш кенг қўлланилмокда. Бундай рағбатлантиришни назорат бўлимларига тайер буюмлар, уларнинг айрим қисмлари ҳамда ишларни топширадиган ва маҳсулот сифатига муҳим аҳамият берадиган корхоналарда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Маҳсулотни дастлабки кўрсатишдаёқ топширишни моддий рағбатлантириш тажрибаси шуни кўрсатадики, мукофотнинг ҳисобланиши микдорий ва ишбай меҳнат ҳақига асосланган ҳолдагина мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундай рағбатлантиришнинг самарадорлиги дастлабки кўрсатищаёқ топширилган маҳсулотнинг ҳажмини оқилона белгилашга боғликдир.

Айрим саноат корхоналарида нуксонсиз маҳсулот тайерлаш ва уни дастлабки кўрсатищаек топширишни моддий рағбатлантиришни қўллашда узок вақт мобайнода брак натижасидаги исрофлар кўпинча ошганлиги маълум. Шу сабабли ҳам қатор саноат корхоналарида мукофотлаш учун браклар салмоғининг камайиши ёки унинг ошмаслик ҳамда даврга нисбатан камайиш кўрсаткичлари қўлланилади.

Саноат корхоналарида маҳсулот сифатини оширишни моддий рағбатлантирища нав, марка ва баллар ҳам кенг қўлланилади. Бундай кўрсаткичлар кўпинча саноатнинг озиқовкат, тўқимачилик, тикиув, пойабзал, металлугия, химия ва қурилиш материаллари тармоқларида қўлланилади. Техника тараққиётининг ҳозирги босқичида технологик жараёнларнинг мураккаблашиши, камрок маблағ сарфлаб юқори натижаларга эришиш, меҳнаткашларни сифат ёки миқдор кўрсаткичлари учун рағбатлантирибина қолмай, уларни мужассамлантирган кўрсаткичлар учун ҳам рағбатлантиришни талаб этади. Қора ва рангли металлургия, цемент, химия ва технологик жараёнлар аппаратлар ёрдамида олиб бориладиган бошқа саноат корхоналарида ҳамда маҳсулотнинг сифати асосан технологик жараёнларга риоя қилишга боғлик бўлган булимларда меҳнаткашларнинг мукофотланиши уларнинг технологик кўрсаткичларга риоя қилишларига ва маҳсулотнинг сифатига қараб олиб борилиши лозим. Маҳсулот сифатига корхона ва унинг бўлимларида ишлаб чиқаришнинг бир меъёрда бориши катта таъсир кўрсатади. Шу сабабли маҳсулот сифатини моддий рағбатлантирища маҳсулотнинг бир меъёрда ишлаб чиқарилиши кўрсаткич сифатида эътиборга олиниши лозим.

7. 5. Техник назоратни ташкил этиш.

Маҳсулот сифатига корхона коллективининг давлат олдиғаги жавобгарлиги барча ишлаб чиқариш участкаларида, технологик жараёнларнинг барча фазаларида (корхонага дастлабки хом ашे, материаллар, ярим фабрикатлар, тўлдирувчи деталлар ва буюмлар келиб тушганидан то буюртмачиларга тайер

маҳсулот килиб жўнатилгунча) ишлаб чиқариладиган буюмлар устидан техник назоратни олиб бориш учун маҳсус бўлимлар ташкил қилишни ва шунингдек, маҳсулот сифатини оптимал даражада таъминлаш жавобгарлигини тақсимлашни талаб этади.

Бу бўлим зиммасига ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини назорат қилиш билан бирга тегишили бўлимларнинг маълум даражада сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлашдаги жавобгарликларини аниқлаш ҳам юкландади.

Техник назорат бўлимларининг вазифалари фақатгина тайёрланган маҳсулотнинг техникавий талабларга мослигини текшириш билан чекланиб қолмасдан, технологик интизом даражаси, технологик дастгохлар, асбоб-ускуналарнинг давлат, тармоқ ва корхона стандартларига мослигини назорат қилишдан ҳам иборатдир. Техникавий назорат бўлимлари ишлаб чиқарилган буюмлардан фойдаланиш даврида уларнинг хусусиятлари ўзгаришини назорат килиб борадилар, нуқсонлар ва камчиликлар тўғрисидаги ахборотларни текширадилар, буюмларнинг тузилишини, уни тайёрлаш технологиясини ва техникавий назорат усулларини такомиллаштириш тадбирларини тузадилар.

Саноат корхоналарида, одатда, техник назорат ташкилотлари устидан раҳбарлик марказлаштирилган бўлиб, директорга бўйсунувчи бўлим бошлиғи томонидан бошқарилади. Цех ва бўлимлarda техникавий назорат бўлимининг бошлиғига бўйсунадилар.

Улар корхонага келтирилган ҳом аше, материаллар, турли маҳсулот таркибиغا кўшиладиган, механик цехларда тайёрланган қисмларни, тайерлов бўлимларида бажарилган ишларни, маҳсулотларнинг йиғилиши, бўялиши, синалиши, асбоб-ускуналарнинг созлигини муентазам назорат қилиб турадилар.

Техникавий назорат бўлимининг таркибига турли материалларни, ўлчов асблобларини синайдиган лабораториялар киради. Техникавий назорат бўлимининг асосий вазифаси ишлаб чиқариладиган маҳсулотларда нуқсонларга йўл қўймаслик, технологик жараёнларнинг лойиҳаларига асосан боришини назорат қилиш, лойиҳадан четга чиқиш ҳоллари аниқланса зудлик билан асбоб-ускуна ва дастгохларни текшириш, созлаш ҳамда зарур бўлса, таъминлашни талаб қилишдан иборатдир.

Ишлаб чиқариш шароитларига қараб саноат корхоналарида турли техникавий назорат усуллари кўлланилади.

Назорат саволлар.

1. Кончилик саноати ва геология қидирув ишларида маҳсулот сифати хақида асосий тушунча.
2. Бозор иқтисодиёти шароитида кончилик саноати ва геология қидирув ишларида маҳсулот сифатини оширишнинг аҳамияти.
3. Маҳсулот сифатини асосий кўрсаткичлари ва унинг сифатини оширишнинг аҳамияти.
4. Кончилик саноатида маҳсулот сифатини бошқариш.
5. Кончилик саноати ва геология қидирув ишларида маҳсулот сифатини бошқариш.
6. Кончилик саноатида маҳсулот сифатини оширишни режалаштириш.
7. Геология қидирув ишларида маҳсулот сифатини оширишни режалаштириш.
8. Кончилик саноати ва геология қидирув ишларида маҳсулот сифатини оширганлигини қандай рафбатлантирилади.
9. Кончилик саноати ва геология қидирув корхоналарида техник назоратни ташкил этиш.
10. Кончилик саноати ва геология қидирув ишларида маҳсулот сифатини оширишнинг миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги таъсирини изоҳланг.

VIII. Мехнат ресурслари ва меҳнатни ташкил этишининг асосий омиллари

8. 1. Мехнат ресурслари ҳақида умумий тушунча.

Кончилик саноатида меҳнаткашлар куйидаги 5 та категорияга бўлинадилар:

- Ишчилар.
- Инженер техник ходимлар.
- Хизматчилар.
- Кичик хизмат кўрсатувчи ходимлар.
- Шогирдлар.

Умумий саноат ишлаб чиқариш ходимларининг 80-82% ишчилар, 10-11% инженер техник ходимлар, 4-6% хизматчилар,

1-15% кичик хизмат кўрсатувчи ходимлар, шогирдлар 0,5-1,5% ни ташкил этадилар.

Кадрлар юқорида келтирилган категориялардан ташкари асосий ва ёрдамчи ишларни бажарувчи гурухларга булинадилар.

Кончилик саноатида асосий ишларга қўйидагилар киради: кон қазиш ишлари ва кон тайёрлов ишлари. Кон қазиш ишларини ўзи бургулаш, портлотиш, портлатилган жинс ва фойдали казилмаларни транспортга юклаш, комбайн билан кўмир қазиш ва фойдали казилмаларни қазиб олишда бажариладиган барча жараёнлар киради. Ёрдамчи ишларга эса қазиб олинган фойдали казилмани корхона ҳудудига ташиш, конларни шамоллатиш, сувсизлаштириш, иш жойларини ёритиш ва бошқа ишлар киради.

Кадрлардан тўғри ва омилкорлик билан фойдаланиш кончилик саноатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сони ва сифатига хам таъсир кўрсатиши мумкин. Бозор иқтисодиётида ишчи кучига талаб ва унинг таклифи тушунчасини тўғри қўллаш шарт, яъни инсон уз кучини меҳнат бозорида сотиши керак.

Кончилик корхоналаридаги кадрлар таркиби бекарорлигини камайтириш учун қўйидаги вазифаларни ҳал этиш лозим:

1. Кончилик корхоналарига кўпроқ маҳаллий кадрларни жалб қилиш.
2. Кадрлар таркибини ёшга нисбатан қайта кўриб чиқиши.
3. Мазкур тармоқ билан бевосита ҳамкорлик килувчи олий ўкув юртларига молиявий ёрдамини кўрсатиш максадга мувофиқдир.

Меҳнат ресурслари мамлакат аҳолисининг иқтисодиётда ишлаш учун жисмоний ва маънавий кобилиятларини умумтаълим ва хунар билимларини ўзида жамлаган қисми; мамлакат иқтисодий салоҳиятининг энг муҳим элементи. Меҳнат ресурсларидан режали фойдаланиш, уларнинг иш билан тўла банд бўлиши ҳозирги вақтда долзарб муаммодир.

Ўзбекистон Республикасида ҳисобга олиш ва режалаштириш тажрибасида 18-60 ёшдаги эркаклар, 18-55 ёшдаги хотин кизлар, шунингдек, ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган меҳнатга яроқли ёшидан катта ёки кичик ёшдаги аҳоли ҳам меҳнат ресурслари ҳисобига киритилади. Меҳнат ресурслари микдорининг ўзгариш аҳоли туғилиши ва ўлишига, аҳоли сиҳат – саломатлигининг ахволига, билим олиш муддатига, меҳнатга кобилиятлilar сифатига қўшилаётган кишилар билан

нафақа ёшига ўтаётган ахоли нисбатига қараб белгиланади. Мехнат ресурслари таркибий ўзгаришларнинг характерли тенденцияси шундан иборатки нойишлабчиқариш соҳасида банд бўлганларнинг салмоғи ортиб бормоқда.

Мехнат ресурсларининг сифати аввало ходимларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун фан ва техниканинг энг сўнгти ютуқларидан фойдалана олиш кобилияtlари, уларнинг ишлаб чиқариш динамизмига мойиллклари билан белгиланади. Мехнат ресурсларидан фойдаланишни режалашибдириш уларнинг малакаси, жинс ва ёш таркибини ҳисобга олган ҳолда, ҳам миқдор жиҳатдан ҳам сифат жиҳатдан иқтисодиёт эҳтиёжларига мос келишини; ижтимоий меҳнат унумдорлиги тўхтовсиз ўсишини; ходимларнинг умумий ва профессионал тайёргарлиги кенгайиши ва такомиллашувини, иш кучининг мамлакат корхоналари, тармоқлари ва минтақалари ўртасида қайта тақсимланишини таъминлаш мақсадини кўзлади.

8. 2. Мехнатни ташкил этишни усуллари ва уларни қўлланиш шарт-шароитлари.

Мехнатни ташкил этишнинг энг олий шакли – меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш ҳисобланади, у ўз олдига меҳнаткашлар моддий фаровонлигини таъминловчи энг унумли меҳнат тажрибаларини йигиш ва қўл меҳнатига барҳам бериш, иш вактидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, жамоанинг ҳар бир аъзосини ижодий қобилиятини ошириш асосида энг юқори меҳнат унумдорлигига эришишини таъминловчи ташкилий, санитария гигиена ва ижтимоий – иқтисодий тадбирларни вазифа қилиб қўяди. Мехнатни илмий асосда ташкил этишнинг муҳим вазифалари қуйидагилардан иборат: а) юқори унумдорликка эга бўлган замонавий техникадан ва ишлаб чиқариш технологиясидан тўла фойдаланишни таъминлаш; б) маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган меҳнат харажатларини ҳар томонлама қисқартириш; в) меҳнат кооперацияси ва тақсимотнинг мақсадга мувофиқ шаклларини татбиқ қилиш; г) корхона жамоаси фаолиятида моддий ва маънавий рагбатлантиришни амалга ошириш; д) меҳнатни оқилона ташкил этиш масаласини ҳал қилишда корхона жамоасини жалб этиш; е) юқори меҳнат унумдорлигига эришиш; з) иш сифатини яхшилаш.

Бу вазифаларни ҳал этиш меҳнатни илмий ташкил этишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларнинг иш жойларига тўғри келишини тахлил қилишдан бошланади.

Меҳнатни илмий ташкил қилиш ва унинг асосида ишлаб чиқаришни ошириш иқтисодиётни мұдым масалаларидан биридир.

Геология-қидируг ишларидан меҳнатни илмий ташкил қилишнинг асосий мақсади, ишларнинг самарадорлигини оширишдан иборат. Иқтисодий нұқтаи назардан меҳнатни илмий ташкил қилишни ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш, ҳозирги ва келажакдаги меҳнатнинг иқтисодини таъминлади.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатни илмий ташкил қилиш деб, фан-техниканинг охирги ютуқларига суяңган ҳолда ва уларни ишлаб чиқаришга системали равишда татбиқ этишни таъминлаш, моддий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, меҳнатнинг самарадорлигини ҳимоя қилиш ва шунинг билан меҳнатни инсонларнинг ҳаёт эҳтийёжларига айланиб боришига айтилади.

Меҳнатни илмий ташкил қилиш бу, мажмуавий муаммолардандир. У ўз ичига геология-қидируг ишларининг барча зарур томонларини, бутун бир жамоа фаолиятини ва алоҳида бир ишчи ходимнинг фаолиятини қамраб олади.

Меҳнатни илмий ташкил қилишнинг обьекти бу инсон, яъни маълум бир ишлаб чиқариш жамоасининг аъзоси, ҳозирги кунда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни ошириш жуда зарурдир, чунки меҳнат ресурслари амалдаги меҳнат харажати меъёрларининг сифатини яхшиланиши билан, бошқарув ва ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларida меҳнатни ташкил қилишни тўхтовсиз ривожланиб туриши билан боғликдир.

Меҳнатни илмий ташкил қилишнинг муаммоларини ижобий ҳал қилиш учун қўйидаги З тадбирни бажариш лозим – иқтисодий, психофизиологик, ижтимоий.

Иқтисодий масала бу, ишчи кучи ва ишлаб чиқариш воситаларини оқилона иштатиш асосида меҳнатни самарадорлигини тўхтовсиз ўсиб боришини таъминлашдир. Фойдали меҳнатдан фойдаланишни яхшилаш экстенсив (иш вақтининг йўқотилишини тўхтатиш) ҳамда интенсив (меҳнат услубларини рационализациялаш, иш жойлари ташкил қилишни ривожлантириш ва ҳоказо) омиллар асосида амалга оширилади.

Бундай тахминдан мақсад ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш ва иш вақтидан тўлиқ фойдаланиш учун қулай шароитлари вужудга келтириш имкониятларини аниқлашдир.

Иш жойларида, участкаларда, цехларда меҳнатни ташкил этиш ҳолатининг тахминига асосланган, тегишли йўналишлар бўйича чора – тадбирлар кўзда тутилган ҳолда меҳнатни илмий ташкил қилиш режалари тузилади.

Бу режада чора – тадбирларнинг мазмуни, уларни қўлланиш муддати, ижро этувчиси, чора – тадбирларни қўллаш натижасида меҳнат сарфининг камайиши, меҳнат унумдорлигининг ўсиши билан боғлиқ бўлган харажатлар ва шартли – ийллик самарадорлик кўрсатилади.

Меҳнат тақсимоти ва меҳнат кооперацияси саноат корхоналарида меҳнатни ташкил этишининг илмий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Меҳнатни тақсимоти деганда турили хил меҳнат фаолиятининг ишлаб чиқаришнинг мустакил тармогига ажralиб чиқиш жараёни тушунилади.

Моддий ишлаб чиқаришда меҳнат тақсимотининг уч тури мавжуд:

- умумий (иктисодиётининг саноат, кишлоқ, хўжалиги, курилиш, транспорт соҳаларига бўлиниши);
- хусусий (алоҳида тармоқлардаги меҳнат тақсимоти, масалан, саноатда предмет бўйича, деталь бўйича ва технологик жиҳатдан ихтисослаштириш);
- алоҳида тақсимот (бу тақсимот цехлар ишлаб чиқариш участкалари орасидаги, одамлар ўртасидаги тақсимотни ўз ичига олади).

Кончилик саноати ва геологик қидирув корхоналарида меҳнат тақсимотининг қуйидаги шакллари мавжуд:

- технологик меҳнат тақсимоти;
- операциялар бўйича меҳнат тақсимоти;
- функционал меҳнат тақсимоти;
- малакали меҳнат тақсимоти;

Технологик меҳнат тақсимотининг самарадорлиги маҳсулот тайёрлаш жараёнини босқичларга (фазаларга) бўлиб юбориш даражасига боғлиқдир.

Операциялар бўйича меҳнат тақсимотида ишлаб чиқариш жараёни қисмларга (операцияларга) бўлиниши назарда тутилади.

Функционал меҳнат тақсимотида ишловчиларнинг бирор ишлаб чиқариш функциясини бажаришларида аниқ ихтисослашишлари назарда тутилади.

Малакали меҳнат тақсимотида бажарувчиларнинг касбий маҳорати, билим даражасига кўра ихтисослашиши назарда тутилади.

Меҳнат тақсимотининг характери кўп жиҳатдан уни кооперациялаш шаклларини белгилайди.

Меҳнат кооперацияси моддий бойликларни такрор ишлаб чиқариш жараёнида айрим меҳнаткашлар ёки улар жамоасининг бир хил меҳнатда иштирок этиши; ҳар хил, лекин бир-бирига боғлиқ бўлган меҳнат жараёнига қатнашишдан иборат меҳнат шаклидир.

Меҳнат тақсимоти ва меҳнат кооперацияси ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқарувчи кучлар таъсири остида кенг ривожланади.

Кончиллик саноати ишлаб чиқаришда ишлайдиган ходимлар касби (хунари), ихтисоси (мутахассис) ва малакаси бўйича ҳам гурухларга бўлинади. Касби (хунари) бўйича меҳнаткаш токарь, фрезерчи, чилангар, инженер, технологик, иқтисодчи, ҳисобчи ва бошқа мутахассис) лавозимларини эгаллаш мумкин.

8. 3. Меҳнат ва дам силиш тартиби.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, узок вактга унумли меҳнат қилиш қобилиятини сақлаб қолиш ва ишлаб чиқаришнинг салбий таъсир этишини олдини олиш учун рационал меҳнат қилиш ва дам олиш режимини ташкил этиш зарурдир.

Смена меҳнат ва дам олиш режимини тузища инсонни смена бўйича меҳнат қилиш қобилиятини ўзгариб туриши қонуниятини ҳисобга олиш керак. Мутахассисларнинг

тадқиқотларига кўра иш кунининг бошланшидаги дастлабки 30 минут кўнишка ҳосил қилиш вақти бўлиб, у аста секинлик билан ортади. Шундан сўнг меҳнат фаолиятининг юкори унумдорлиги даври бошланади ва у 1,5-2,5 соат давом этади. Кейинги куннинг ўрталарига келиб меҳнат унумдорлиги ошиб боради.

Тушликдан сунг иш унумдорлиги ошиб боради. Сўнг яна пасая боради ва чарчашиб сезилади. Смена охирига келиб толиқиши пайдо бўлади.

Меҳнат қилиш ва дам олишни ташкил этишда сменалар графигини тузиш, сменалар сонини аниқлаш, уларни кетмакетлигини ва давомийлигини аниқлаш, сменалар ўртасидаги дам олиш вақтини регламентлаш зарурдир.

Сменалар графигини тузишда шуни назарда тутиш керакки сменалар орасидаги узилиш 16 соатдан кам бўлмаслиги ва бир хафталик дам олиш 42 соатдан кам бўлмаслиги керак. Сменали ишда бир сменадан иккинчи сменага ўтиш ҳар хафтада бўлиши керак. Инсонни меҳнат қилиш кобилияти хафта кунларига караб ҳам ўзгариб туради. Энг юкори кўрсаткичлар хафтанинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи кунига тўғри келади. Бешинчи кун меҳнат қилиш кобилияти бирмунча пасаяди. Олтинчи куни эса энг паст (минимум) даражада бўлади. Смена графикларини тузишда юкорида кўрсатилганларни ҳисобга олиш керак.

Назорат саволлар.

1. Меҳнат ресурслари деганда нимани тушунасиз.
2. Кончилик саноатида меҳнат ресурсларини тавсифланг.
3. Геология қидирув ишларида меҳнат ресурсларини тавсифланг.
4. Кончилик саноатида меҳнатни ташкил этиш усувлари.
5. Геология қидирув ишларида меҳнатни ташкил этиш усувлари.
6. Кончилик саноати ва геология қидирув ишларида меҳнатни ташкил этишнинг шарт – шароитлари ва ўзига хос хусусиятларини изоҳлаб беринг.
7. Кончилик саноати ва геология қидирув ишларида меҳнат ва дам олиш режими.
8. Кончилик саноатида меҳнат ресурсларининг ҳозирги таркибини айтинг.
9. Геология қидирув ишларида меҳнат ресурсларининг ҳозирги вақтдаги таркибини айтинг.

10. Кончилик саноати ва геология қидирув ишларида меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш омилларини кўрсатиб беринг.

IX. КОНЧИЛИК ВА ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИДА МЕҲНАТНИ ТЕХНИК МЕЪЁРЛАШТИРИШ

9. 1. Меҳнатни техник меъёрлаштириш ҳақида умумий тушунча.

Меҳнат унумдорлиги ўсишининг асосий манбаси бу технологик жараёнларни, ишлаб чиқаришни ташкил этишни ва техникани узлуксиз такомиллаштиришдан иборатdir.

Техник меъёрлаштиришда тадқиқотлар ва ишлаб чиқариш жараёнини таҳлил қилиш асосида меҳнатни ташкил қилишни, иш тартибини, энг маъқул меҳнат қуролини рационал ҳал қилади ва бу жараёнга кетадиган вақт сарфини аниклади.

Меҳнатни меъёрлаш - маҳсулот бирлигини тайерлаш учун кетадиган меҳнат сарфи ёки вақт бирлигига маҳсулот ишлаб чиқариш меъёрларини белгилаш. Меҳнатни меъёрлаш - меҳнатни ташкил этишнинг таркибий қисмиди. Меъёрларининг қуйидаги асосий турлари иш (операция) бирлигини бажариш учун сарфланадиган вақт меъёрлари, хизмат кўрсатиш меъёрлари ва хизмат кўрсатиладиган вақт мсьёрлари (ускуна еки иш жойи бирлигига хизмат кўрсатиш учун сарфланадиган иш вақти), ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг микдори ва бошқа ишлаб чиқариш шароитларига қараб ишловчилар сони меъёрлари белгиланади. Меҳнатни меъёрлаш - ҳар бир ходимнинг ижтимоий ишлаб чиқаришга қўшган меҳнат хиссасини аниқлаш ҳамда меҳнаттага ҳак тўлашнинг меҳнатнинг пировард натижаларига бевосита боғлиқлигини таъминлаш воситаларидан биридир. Меҳнатни меъёрлаш маълумотла, и меҳнат сарфини жорий ва перспектив планлаштириш, меҳнат ва иш ҳақини ташкил этиш, индивидуал ва гурӯҳ тарзидағи ходим, бригада ва бошқалар меҳнат сарфларини ўлчаш учун фойдаланилади. Меҳнатни меъёрлашни анча яхшилаш, унинг меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳак тўлаш шаклларини такомиллаштириш, иш жойларини аттестациялаш соҳасида олиб борилаётган ишлар билан мустаҳкам боғлиқлигини таъминлаш, техника жиҳатдан асосланган мейёрларни қўллашни кенгайтириш, уларни янги

техникани, илғор технологияни ва меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив усуllibарини жорий этишни ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишида кайтадан кўриб чиқиши вазифасини қўяди.

Иш меъёри - муайян шароитда тегишли малакадаги бир ёки бир неча ижрочи томонидан вақт бирлигига ишлаб чиқариши лозим бўлган маҳсулот (иш) микдори натурал бирликда ўлчанади ва вақт меъёрига тескари мутаносиб бўлган катталик ҳисобланади. Вақт меъерининг камайиши (кўпайиши) ишлаб чиқаришнинг тегишли равишида ортишига (пасайишига) олиб келади.

Вақт меъёри - маҳсулот (иш) бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган иш вактининг илмий жихатдан асосланган, регламентга солинган ҳажми бўлиб, (бр/см, бр/соат, отр/соатларда) белгиланади. Вақт меъёри муайян иқлим ва ташкилий-иктисодий шароитларда ишлайдиган бир ёки бир неча ижрочининг меҳнат сарфини аниқлади. Вақт меъёри муҳандислик ҳисоблари ва хронометраж ўлчовлари асосида белгиланади. Унинг таркибига иш вактининг меъёрлаштириладиган элементлари: асосий; ёрдамчи; ташкилий хизмат кўрсатиш учун; техникага хизмати кўрсатиш учун; дам олиш ва табиий заруратлар учун кетадиган вақтлар; технологик ва ташкилий сабабларга кўра килинадиган мажбурий танаффуслар вақти киради. Вақт меъёри иш меъёрларини ишлаб чиқиши, маҳсулотга кетадиган меҳнат сарфини аниқлаш учун база ҳисобланади. Фан ва техника ютукларини, илғор тажрибани ҳисобга олиш асосида амалдаги вақт меъёрларини ўз вақтида қайта кўриб чиқиши, илмий асосланган вақт нормаларини жорий этиш меҳнат унумдорлигини, ишлаб чиқариш самарадорлиги оширишга ёрдам беради. Техникани, технологияни, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни, хамда илғор тажрибани ривожланиши даражасини ҳисобга олган ҳолда аниқланган меъёрлар техник асосланган меъёрлар дейилади.

Техник, иктиносидий, физиологик ва ижтимоий асосланган меъёрлар илмий асосланган ҳисобланади.

9. 2. Меъёрлашнинг мазмуни ва вазифалари.

Меҳнатни меъёрлаш куйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

- илмий ташкил этиш ва меҳнат нормаларини аниқлаш учун меъёрий-тадқиқот ишларини ўтказиш: меҳнат жараёнларини, иш жойларида меҳнатни ташкил қилишни, системали равища ўрганиш ва таҳлил этиш, илфор ишлаб чиқариш тажрибаларини ўрганиш ва жорий этиш, меҳнатни илфор усусларини тарқатиш;
- меҳнатни илмий ташкил этиш ва меъёрлашнинг асоси бўлган нормативларни ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқариш жараенини бажаришни таркибини ва тартибини лойиҳалаштириш;
- меҳнат меъёrlарни ишлаб чиқиш, уларни асослаш, ишлаб чиқаришда текшириш ва қўллашни ташкил этиш;
- эскирган меъёrlарни систематик қайта кўриш;
- меҳнатни сони ва сифатига қараб иш ҳақини ташкил этишни таъминлаш;
- меъёrlарни бажариш даражасини ҳисобга олиш ва таҳлил этиш;
- меҳнатни илмий ташкил этишнч ишлаб чиқаришга қўллашни, илфор иш услубларини тарқатишга қўмаклашувчи шароитлар яратиб бериш;

Бу вазифалар қуйидагилар асосида ҳал этилиши мумкин:

- меҳнатни илмий ташкил этишни иш жойида қўллаш ва иш бажарилиши технологиясини такомиллаштиришда меҳнат унумдорлигини ўсишини резервини аниқлаш;
- меъёrlарни аниқлашни услубларини ва сифатини оширишни такомиллаштириш;
- меҳнатни меъёrlаш сферасини кенгайтириш ва меҳнаткашларнинг ҳамма категорияларини қамраш;
- меъёrlарни ўз вақтида қайта кўриб чиқиш йули билан доимий прогрессивигини ушлаб туриш.

9.3. Меҳнат ва вақт меъёrlарини аниқлаш услуби.

Вақт бирлиги ичida маълум иш ҳажмини бажариш учун меҳнат жараёнини ташкил қилгаш меҳнат сарфини ўлчашга

асосланади. Микдорий ўлчам бўлиб, бу ерда иш вақти булиб хизмат килади.

Меҳнат меъёри - бу иш вақти бирликларида намоён булувчи меҳнат ўлчамидир. Турли хил меҳнат нормаларини ишлаб чиқишида таянч маълумотлар бўлиб нормативлар хизмат килади.

Меъёрлаштиришда куйидаги меҳнат меъёrlари мавжуд: вақт, ишлаб чиқариш, хизмат кўrsatiш ва ишчи ходимлар сони. Вакт меъёри - бу энг рационал ташкилий-техникавий шароитларда бир еки бир гурӯҳ ишчилар томонидан бир иш бирлигини бажаришга кетадиган иш вақти микдоридир.

Кўлда фақат машина билан қилинадиган ишларга кетадиган вақт меъёри қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади.

$$H_F = T_{pz} + T_o + T_{bc} + T_{obc} + T_{otl} + T_{tp}$$

бунда T_{pz} - тайерлов ва тугаллаш ишлари

T_o - асосий ишлар

T_{bc} - ёрдамчи ишлар

T_{obc} - иш жойига хизмат кўrsatuvchi ишлар

T_{otl} - дам олиш ва шахсий ишлар бўйича

T_{tp} - технологик танаффуслар

Геология-қидируг ишларининг хамма турлари учун шахсий ишлар учун ажратилган вақт, жорий дам олиш вақтининг 2 фоиз микдорида белгиланган.

Ишлаб чиқариш меъёри - бу бир иш вақти бирлигига бир ёки гурӯҳ ишчилар томонидан, берилган ташкилий-техникавий шароитларда бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмидир.

Вакт меъёри ва ишлаб чиқариш меъёри орасида тескари пропорционал боғлиқлик мавжуд:

$$H_B = T_{cm}/H_{bp}, H_{bp} = T_{cm}/H_B.$$

Вакт меъерининг B фоизга камайиши сменадаги ишлаб чиқариш меъерининг $a\%$ га кўпайишига олиб келади, бунда ҳар доим $a > B$. Бундай боғлиқликни куйидаги тенгламадан аниқлаш мумкин.

$$B = 100a/(100+a); a = 100B/(100-B).$$

Операцияга кетадиган вақт меъёrlари, меъёрлаштиришнинг асосий обьекти сифатида, куйидаги тартибда ишлаб чиқилади:

- Меъёрлаштирилаётган операцияни ташкил килувчи элементларга бўлинади.
- Ҳар бир элемент бўйича ишнинг бажарилиш вақтига таъсир килувчи омиллар аникланади; ҳар бир элементнинг ва бутун меҳнат жараёнининг бажарилишининг меҳнат сарфини минимал даражада ва асбоб ускуналардан самарали фойдаланишда ишлаб-чиқариш имкониятларини ўрганилади.
- Одамнинг психофизиологик хусусиятлари, унинг оптималь интенсивлиги ва ташки мухитнинг салбий таъсири натижасида ишловчининг ишчанлик даражасининг на сайиши мумкинлиги ҳисобга олинади.
- Операциянинг рационал таркиби ва усусларнинг бажарилиш кетма-кетлиги лойихалаштирилади.
- Бутун операцияга ва алоҳида усусларнинг бажарилишига кетадиган иш вақти сарфини ҳисоблаб чиқилади.
- Лойихалаштирилган меъёрлари жорий қилишга қаратилган ташкилий-теникавий ишлар ишлаб чиқилади.

1 метр кудукни бургулашга кетадиган вақтнинг комплекс меъёри қуидаги ифода ёрдамида аникланади,

$$H_{bp} = T_y + T_{ph} + \frac{T_c + T_n + T_{pc} + T_x + T_{pp} + T_{zi} + T_{pz} + T_{pr} + T_{vk} + T_{zh}}{P};$$

бунда H_{bp} - вақт меъёри;

T_y - кудукни тоза бургулаш вақти;

T_{ph} - бош қувурни биритириш ва бургулаш қувурларни кўпайтириб (кудуқни чуқурлашуви билан) бориш бўйича ёрдамчи операцияга кетадиган вақт;

T_c ва T_n - бургулаш колечкасини тушириш ва кўтариш вақтлари (антивибрацион мойловчи моддани трубаларга суркаш вақтини ҳисоби билан);

T_{pc} , T_x , T_{pp} ва T_{zi} - тушириш ва кўтаришга йўлдош бўлувчи тайерлов ва тугаллаш операциялар вақти;

T_{pz} - кудук ковжойи орқасига снарядни кўйиш вақти;

T_{pr} - снарядни кўтариш ва тушуришдан кейин кудукни ювиш ва тозалашга кетадиган вақт;

T_{vk} - ковжойдан кернни олиш учун уни қотириш ва кернни олишга кетадиган вақт;

T_{3H} - жинсни емирувчи инструментни (долота, коронка) алмаштириш вақти;

P - бир рейсда қудукни чукурлаштирилиш катталиги

Олинувчи кернни қабул килиб оладиган снарядлар билан бургулашда вақт мөйёри $H_{\text{спк}}^{\text{вр}}$ күйидаги формула бўйича аникланади:

$$H_{\text{вр}}^{\text{спк}} = T_y + T_{\text{н}} \frac{T_c + T_{\text{n}} + T_{\text{rc}} + T_{\text{xc}} + T_{\text{m}} + T_i + T_{3H}}{P} + \frac{T_{\text{врк}} + T_{\text{отк}} + T_{\text{в}} + T_{\text{тр}} + T_{\text{вк}}}{Ц};$$

$T_{\text{пзк}}$ - олинувчи керноприемникни тушириш ва кўтариш учун тайерлаш-тугаллаш операцияларига кетадиган вақт;

$T_{\text{спк}}$ - олинувчи керн қабул килиб оладиган мосламани тушириш ва кутариш вақти;

$Ц$ - бир цикл давомида қудукнинг чукурлашиши.

Бир иш куни (сменаси)техник асосланган ишлаб чиқариш мөйёри күйидаги формула орқали аникланади:

$$H_{\text{выр}} = \frac{T_{\text{см}} - (T_{\text{пз}} + T_{\text{отк}})}{(T_0 + T_{\text{вс}})K_{\text{от}}};$$

бунда $K_{\text{от}}$ - дам олиш вақтини хисобга олувчи коэффициент;

$K_{\text{от}}$ күйидагича аникланади:

$$K_{\text{от}} = 1 + \frac{Q_{\text{от}}}{100};$$

бунда $Q_{\text{от}}$ - оператив вақтдаги дам олиш вақтининг фоизи.

9. 4. Иш вақтини ўрганиш ва иш вақти сарфининг таснифи

Иш вақтини сарфини ўрганишнинг мақсади - бу иш вақтини иқтисод қилиш ва геология қидирав ускуналарини экстенсив ишлаши хисобига меҳнат унумдорлигини ўсиши имкониятларини аниклашдир.

Иш вақтини ўрганиш күйидаги масалаларни ечиш учун олиб борилади: иш бажарувчининг иш вақтини амалий балансини тузиш учун; иш вақтини сарфини йўқотиш микдори ва сабабларини очиш; меҳнат жараёнларини рационаллаштириш учун таянч маълумотларни олиш, ҳамда меҳнат бўйича мөйёрий хужжатларни ишлаб чикиш учун; меҳнат услублари ва

приемларини самарасини баҳолаш; ишлаб чиқариш жараёнининг турли вариантиларини солиштириш ва уларнинг самарадорлигини аниклаш.

Куйида иш вақтини ўрганишнинг услублари классификацияси берилган:

- Кузатиш услуби бўйича - моментли кузатишлар услуби, бевосита ўлчашлар услуби, хронометраж, иш вақтини фотографияси (ўз ичига бажарувчининг иш вақтини функциясини, ишлаб чиқариш жараёнини функция ва фотохронометражни уз ичига олади).
- Кузатиш усули бўйича: визуал кузатув ва асбоблар ёрдамида, ишловчининг ўзи томонидан (самофотография), автоматик тарзда регистрация қилувчи асбоб ёрдамида.
- Кузатиш объекти бўйича: индивидуал, гурухли, бригадали, маршрутли.
- Кузатувларнинг натижаларини ёзиш шакли ва усули бўйича: санокли, индексли, график, фото ва киносьемкалар, осциллограф ёрдамида, комбинация усули бўйича.

Иш вақти ва ускуналардан фойдаланиш вақти бевосита ўлчашлар ва моментли кузатувлар усули билан ўрганилади.

Бевосита ўлчашлар усулининг моҳияти шундаки, бунда кузатувчи ишнинг у ёки бу элементларини (бошидан охиригача) бошланиш ва тугалланиш вактларини белгилаб боради ёки унинг давомийлигини ўлчайди, оддий еки махсус соатлар ёрдамида.

Бу услуг амалда энг кўп кўлланиладиган услубдир, чунки у содда ва ускунадан фойдалангандик даражасини юқори аникликада аниклашга имкон беради.

Моментли кузатув услубида кузатувчи иш жойларини олдиндан тузилган маршрутлар орқали юриб ўтади ва кузатув қоғозида рўй бераётган ишларни шартли индекслар билан белгилаб боради.

Кончилик саноати ва геология қидирав ишларида иш вақтини ўрганиш услублари асосан хронометраж, иш вақтини фотография килиш (ИВФ) ва фотохронометраждир.

Миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларида меҳнатни меъёрлаштириш услубларини бирлигини таъминлаш учун вақти сарфини классификациясининг ягона тизими қўлланилади.

Куйидаги классификация иш вақти сарфини ўрганиш учун асос бўлиб хизмат килади.

Иш вақти - бу меҳнат қилувчи, ички меҳнат тартиби қоидаларига мувофик корхонада, ташкилотда унга юкланган ишни бажариши шарт бўлган, конуний белгиланган иш қунини давомийлигининг вақтидир. Иш вақти ишлов вақти ва танаффуслар вақтидан иборатdir.

Жорий вақт деб шундай вақтга айтиладики, бунда вақт тўғридан-тўғри берилган иш хажмињи бажаришга бевосита сарфланади. У иккига бўлинади: асосий ва ёрдамчи. Ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни борувчи вақт асосий вақтга киради.

Асосий ишни бажарилишини таъминловчи операцияларни бажаришга кетадиган вақт ёрдамчи вақт дейилади.

Танаффуслар вақти дам олиш вақти ва шахсий ишларга кетадиган вақтдан иборатdir. Танаффуслар шунингдек ташкилий-техникавий хам булиши мумкин. Бунга ковжойни шамоллатиш, цемент растворини котиш вақти ва бошқа ишлар киради.

Хронометраж. Хронометражнинг асосий вазифалари:

Хронометраж - операциянинг кўп такрорланувчи элементларини ва уларнинг асосий ва ёрдамчи вақтини ўлчашни кўзда тутади.

- асосланган меъёрни ҳисоблаш учун зарур таянч маълумотларни олиш учун;
- ишни бажаришнинг энг яхши усулини аниқлаш учун;
- ортикча ва нотўғри харакатларни аниқлаш ва йўқотиш учун;
- айrim усулларни бирлаштириш ва қоплаш имкониятларини топиш ва жорий қилиш;
- Асосий ва ёрдамчи ишларнинг рационал таркибини ва услугларини лойиҳалаштириш;
- Айrim ишчилар томонидан меҳнат сарфини белгиланган меъёрини бажармаслик сабабларигч аниқлаш;
- Оператив вақтнинг меъёрдаги сарфини тўғрилиги нуктаи-назаридан амалдаги меъёрларини текшириш;
- Бригадаларнинг оптимал таркибини ва уларнинг ишларини рационал тақсимтанишини аниқлаш.

Одамлар сонига қараб, уларнинг кузатилаётган ишлари хронометражи: индивидуал ва гурухли бўлиши мумкин. Қилинаётган ишнинг кузатув характерига ва мақсадига кўра узлуксиз (жорий вакт бўйича) ва танловли (алоҳида ўлчовлар усули бўйича) хронометраж бўлинади.

Жорий вакт бўйича ўтказиладиган хронометраж кузатувларда барча операциялар ва уларнинг элементлари қатъий кетма-кетликда ўрганилади.

Узлуксиз кузатувлар - бу усулда ҳар бир операциянинг давомийлиги вакт бўйича ўлчапади. Бунда операциянинг бошланиш ва тугалланиш жорий вактлари секундомер ёрдамида қайд килиниб борилади.

Танловли хронометраж деб шундай усулга айтиладики, бунда операциянинг алоҳида элементлари ўлчаниб борилади. Бундай хронометражда бажарилаётган операциянинг алоҳида приёмлари ўрганилади ва бунда уларнинг кетма-кетлик тартиби хисобга олинмайди.

Кузатув туридан катъий назар унинг бир неча қуйидаги босқичлари мавжуд.

- Кузатувга тайергарлик. Бунда кузатувчи иш жойидаги ташкилий-техникавий шарт-шароит билан танишиб чиқади ва керакли материалларни тайёрлаб қўяди.
- Бевосита кузатувларни олиб бориш. Бунга вактни ўлчаш, ёзиб бориш, меҳнат жараёнини қайд қилиш ва бошқалар киради.
- Кузатув натижаларини қайта ишлаш, хисоблаш, якуний материалларни олиш ва олинган маълумотларни математик ва график қайта ишлаш.
- Кузатувлар натижаларини тахлил килиш, хulosалар чиқариш, режалаштириладиган чсра тадбирларни ишлаб чиқиш ва улар асосида рационал меҳнат жараёнини лойиҳалаштириш ва меҳнат сарфи меъёрини хисоблаш.

Операцияларнинг ёки приемларнинг давомийлигининг ўлчамлари маълум кетма-кетликда қайта ишланади: биринчи алоҳида элементларнинг бажарилиш давомийликлари аниқланади, кейин эса дефект ўлчамларни олиб ташланади. Шундан кейин хронометраж катор тузилади. Хроно катор операцияларнинг алоҳида элементларининг давомийлиги катталикларидан тузилган катордир.

Хронометраж кузатувлар натижасида олинган материаллар сифати хронометраж қатордаги күрсаткичларнинг ўзгариш даражасига қараб аниқланади. Бундай ҳол шу билан изоҳланадики ишлаб чиқариш жараёнида унга таъсир қилувчи омилларнинг натижасида операциянинг бажарилиш жараёнини тўла барқарорлигини таъминлаб бўлмайди.

Хроно қаторнинг барқарорлик даражаси барқарорлик коэффициенти K_6 билан ҳарактерланади. Бу коэффициент қатордаги максимал күрсаткич (t_{\max}) билан минимал күрсаткичнинг (t_{\min}) нисбати орқали аниқланади.

$$K_6 = \frac{t_{\max}}{t_{\min}};$$

Иш вақтини суратга олиш. Иш вақтини суратга олишда ижрочининг бирор ишни бажариш вақтида (сменада, бир неча сменада) ёки дастгоҳни ишлаш жараёнида вақт сарфини кузатишни ўз ичига олади. Меҳнатни ташкил қилиш шаклига қараб ўрганилаётган иш жойлари индивидуал ва бригада бўлиши мумкин.

Иш вақтини суратга олиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- иш вақтини йўқотиш ёки бекорга ўтказишни аниқлаш, унинг сабабларини кўрсатиш ва намоён бўлган етишмовчиликларни йўқотиш тадбирларини ишлаб чиқиш;
- юкори унумдорлик билан ишләётган ишчи ва бригадаларнинг услубларини ўрганиш, ҳамда уларнинг тажрибасини бошқаларга таркatiш;
- ижрочининг иш куни таркибини рационал лойиҳалаштириш;
- тайерлаш-тугатиш вақти дам олиш вақти ва шахсий ишлар учун кетадиган вақтни дастлабки маълумотларини йигиш;
- айрим ишчи ва бригадаларда ишлаб чиқариш меъёрини бажарилмаслик сабабларини аниқлаш;
- хизмат кўрсатиш меъёрии ва ишчилар сони меъёрини аниқлаш;

Иш вақтини суратга олишда олинган маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш услуби қуйидагиларни ўз ичига олади:

- иш вақтида йўқотишнинг давомийлигини ҳисоби;
- иш вақти йўқотишнинг элементлар буйича индексация қилиш;

- иш вақтини амалий ва лойиҳа буйича балансини тузиш (%да);
- иш вақтидан фойдаланиш кўрсаткичларининг ва меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисоби.
- ишлаб чиқариш самарадорлитини ошириш тадбирлари режасини ишлаб чиқиш ва хулоса.

Назорат саволлар.

1. Меҳнатни техник меъёри деганда чимани тушунасиз?
2. Меҳнатни техник меъёрлашнинг асосий мақсади ва вазифаларини кўрсатиб беринг.
3. Вакт ва иш нормаси деб нимага айтилади?
4. Меҳнат сарфи меъёри деб нимага айтилади.
5. Кончилик саноатида ва геология қидирув ишларида меҳнатни техник мейёрлашнинг қандай усуслари қўлланилади.
6. Кончилик саноати ва геология қидирув ишларида меҳнатни техник мейёрлашнинг ўзига хос хусусиятларини айтиб беринг.
7. Иш вақтини ўрганишнинг мақсади ва усуслари нималардан иборат?
8. Хронометраж ва фотохронометраж услубини тавсифлаб беринг.
9. Иш вақтини суратга олиш услубини тавсифлаб беринг.
10. Иш вақти сарфини классификациясини тарифланг.
11. Иш вақтини суратга олишда олинган маълумотларни қайта ишлаш ва тахлил қилиш жараёнларини қисқача айтиб беринг.
12. Кончилик саноатида ва геология-қидирув ишларида иш вақтини ўрганишнинг асосий услубларини изоҳлаб беринг.

X. КОНЧИЛИК ВА ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ КОРХОНАЛАРИДА ИШ ҲАҚИННИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

10. 1. Иш ҳақини ташкил этишнинг моҳияти ва асосий тамойиллари.

Бозор иқтисодиётiga ўтишнинг олий максади халқ фаровошлигини оширишдир. Бундай муҳим вазифани ҳал этишда меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил қилиш, режалаштириш ва

мехнаткашларнинг ўз иш натижаларидан моддий манфаатдорлигини ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Иш ҳақи – бу ялпи ички маҳсулотнинг бир қисми бўлиб, ишчи ва хизматчиларга уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда бажарган меҳнатининг микдори ва сифатига кўра тўланадиган ҳақ.

Иш ҳақи меҳнат микдори ва унинг сифатига мувофиқ меҳнаткашларнинг шахсий истеъмоли учун сарфланадиган ялпи ички маҳсулот улушкининг пулда ифодаланган шаклидир.

Иш ҳақи ишлаб чиқаришни ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш воситаси ҳисобланади. Ишлаб чиқариш тобора ривожланиши ва меҳнат унумдорлиги юқори даражага кўтарила бориши билан иш ҳақининг ўртача даражаси хам ошиб боради.

Иш ҳақини ҳисоблаш сисгемаси жуда оддий ва аник бўлиши, ишчи меҳнатининг унумдорлиги билан унинг иш ҳақи ўртасидаги алоқадорлик ҳар бир ишчи ва хизматчи томонидан осонгина тушуниладиган бўлиши керак.

Иш ҳақи меҳнатнинг пул шаклидаги нархи бўлиб, уни ишга ёллаганлар меҳнат килувчиларга маълум вакт мобайнида, маълум микдордаги ва муайян сифатли ишни бажарганиклари учун тўлайдилар.

Иш ҳақи уч қисмдан иборат бўлади: а) асосий иш ҳақи; б) мукофотлар; в) иш вактидан сўнг (ишидан кейин, дам олиш ва байрам кунлари) бажарилган иш учун бериладиган устама пул тўловлари. Иш ҳақидан соликлар, ижтимоий сугурта тўловлари, ҳар хил бадал пуллари чегириб олинади. Шундан сунг ишловчининг қўлига накд тегадиган пул соғ иш ҳақи дейилади.

Меҳнатга талаб меҳнат келтирган фойдага боғлиқ ва доимо ўзгариб туради. Меҳнатга талаб, талаб қонунига кўра иш ҳақига боғлиқ. Иш ҳақи юқори булса, меҳнатга талаб қисқаради, агар у паст бўлса, талаб ортади. Паст иш ҳақи шароитида фойда ортади. Паст иш ҳақи шароитида фойда ортади. Иш берувчилар иш ҳақини камайтиришга интилса, ишчилар уни оширишга интилади, чунки ҳар қандай товар эгаси уни яхши пуллашга ҳаракат қиласди.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг асосий принциплари куйидагилардан иборат:

1. Меҳнатнинг сонига ва сифатига караб ҳақ тўлаш;

-
2. Мехнатга ҳақ тўлашни ўсиб бориши; (давлат томонидан окладни ва тариф ставкасини ошириб бориш натижалари) ва геология-қидирув ишларида фойда ҳисоби.
 3. Мехнат унумдорлигини ўртача иш ҳақига нисбатан ўсиши; (таннархни камайтириш учун ва самарадорликни ошириш учун)
 4. Мехнатга ҳақ тулашни мувофиқлаштириш. Бу тамойилига асосан малакали меҳнат ва оғир меҳнатга кўпроқ ҳақ тўланади.
 5. Давлатнинг иш ҳақи тўғрисида ягона умумий (иктисодий сиёсати) сиёсат олиб бориши.

10. 2. Тариф тизими ва унинг элементлари.

Тариф тизими - ишчи ва хизматчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг асосини ташкил этади. Кончилик ва геология-қидирув корхоналарида иш ҳақи давлат томонидан тариф системаси ердамида тартибга солинади. Тариф системаси ердамида тенг меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш, мураккаброқ ва оғирроқ меҳнат учун кўпроқ ҳақ тўлаш таъминланади.

Тариф системаси - нормативлар мажмуаси бўлиб, давлат уларнинг ёрдамида тармоқлар ва мамлакат минтақалари бўйича, уларнинг иқтисодиётдаги аҳамиятига мувофиқ, шунингдек, айrim тармоқлар ичida ишлаб чиқариш турига, ҳар хил категориядаги ходимларнинг малака белгилари, меҳнат характеристи ва шароитларига қараб ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақи даражасини тартибга солиб туради. Тариф системаси тариф ставкалари, тариф сеткалари, тариф-малака маълумотлари ва иш ҳақига доир район коэффициентларини ўз ичига олади. Тариф системаси доимо ривожланиб, унинг барча элементлари такомиллашиб боради. Вақти-вақти билан ишчи ва хизматчиларнинг тариф ставкалари ва мансаб окладлари оширилиб турилади. Тариф сеткалари такомиллаштирилмоқда. Ишлаб чиқаришдаги доимий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ягона тариф малака маълумотномага тегишли ўзгартишлар киритилмоқда.

Тариф ставкаси - тегишли разряддаги ишчининг бир соат ёки бир кун ичидаги меҳнатига туландиган ҳақ микдори. Турли малакадаги ишчилар тариф ставкасининг бошлангич даражасини биринчи разрядли ишчи ставкасини ташкил этиб, у тариф

системасида белгилангандир. Одатда, соатли тариф ставкалари амал килади. Айрим категориядаги вақтбай ишлайдиган ёрдамчи ишчилар (омборчилар, лифтчилар, асбоб тарқатувчилар, электрокар хайдовчилари ва бошқалар) учун соатли ва күнлик тариф ставкалари ўрнига ой ник окладлар қўлланилади. Ишчиларнинг тариф ставкалари у ёки бу тармоқнинг иқтисодиётдаги аҳамияти, меҳнатнинг ўзига хос хусусияти, характеристери ва шароитига қараб кенг табақалаштирилади. Шунингдек, тариф ставкалари ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш шаклига қараб ҳам табақалаштирилган. Ишчиларнинг малакани оширишга, мураккаб ва масъулиятли ишларни бажаришга нисбатан манфаатдорлиги кучайтирилган. Алоҳида мураккаб ва ноёб ускуналарда, мослашувчи автоматлаштирилган ишлаб чиқаришларда банд бўлган ишчиларга имтиёзлар берилган. Бир хил касбдаги, турли тармоқларда бир хил мураккабликдаги ишларни бажарадиган ишчилар тариф ставкаларининг бирлиги таъминланган. Барча ишлаб чиқариш тармоқларида темир йўл ва автотранспорт цехларида, ремонт, юк ортиш, тушириш ва бир қатор бошқа ишларда банд бўлган ишчилар учун туташ тариф ставкалари ўрнатилган. Меҳнат шароитлари оғир ва зарарли бўлган ишларда ишловчи ишчилар учун тариф ставкасининг (окладнинг) 20 фойзгача микдорида табақалаштирилган қўшимча ҳақ белгиланади. Меҳнат шароитлари ниҳоятда оғир ва зарарли бўлган ишларда қўшимча ҳақ микдори 24 фойзгача ортади. Қушимча ҳақлар конкрет иш жойидаги меҳнат шароитларига қараб иш жойларини аттестация қилиш ва рационаллаштириш натижалари бўйича белгиланади. Тариф ставкаларини ошириш ва уларга устамалар белгилаш - иш ҳақини ташкил этишни тубдан кайта куриш элементларидан бири бўлиб, у меҳнатга ҳақ тўлашнинг унинг натижаларига тўғридан-тўғри боғлиқ булишини таъминлашга, текисчилик кўринишларини бартараф этишга, хар бир кишининг самарадорликни ўстириш резервларини аниқлаш ва улардан фойдаланишдан моддий манфаатдорлигини оширишга қаратилгандир. Иш ҳақини ташкил этишни кайта куриш, янги, юқорирок тариф ставкаларини ва мансаб окладларини жорий этиш меҳнат жамоалари томонидан ишлаб топиладиган маблағлар хисобига амалга оширилади.

Тариф тизими элементлари. Тариф тизими тариф малака маълумотномалари, тариф ставкалари ва тариф сеткаларини ўз

ичига олади. Тариф - малака маълумотномадаги - ишларни тарификация қилиш ва ишчиларга малака разрядлари бериш учун фойдаланиладиган меъёрий хужжат. Тариф системасининг элементи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида ишларнинг ва иқтисодиётдаги ишчи касбларининг ягона тариф - малака маълумотномасига (ЯТМК) амал қиласи. Унда мазкур ишлаб чиқаришлар ва иш турлари вазирлик корхоналарида (ташкилотларида) мавжуд эканлигидан катъий назар ана шу ишлаб чиқаришлар ва иш турларига қараб гурухлаштирилган барча касбларнинг тариф - малака характеристикиси баён этилган. ЯТММ ёрдамида турли ҳилдаги ишлар уларнинг мураккаблигига, ходимлар малакасининг даражасига қараб таққослаб чиқилади. ЯТММ иқтисодиётдаги барча ҳил ишларни улар бажарилишининг ташкилий ва техникавий шароитларини ҳисобга олган ҳолда тариф ставкасининг белгиланган разрядлари бўйича тақсимлаш учун хизмат қиласи. Маълумотномада баён этилган малака характеристикиси уч бўлимдан иборатдир. Биринчи бўлимда мазкур малакадаги ишчи бажариши лозим бўлган ишларнинг характеристикиси келтирилади. Ишчининг ишни бажаришдаги, шунингдек, ускунани созлаш, унинг иш режимини танлаш, асбобларни тайерлаш ва хоказолардаги мустақиллик даражаси кўрсатилади. Иккинчи бўлимда тегишли касб ва малакадаги ишчи ўз ускунаси, ишланаётган материалларнинг хоссалари, ишлов бериш жараёнининг технологияси ва изчиллиги, асбоб, ускуналарнинг иш режими тўғрисида, шунингдек, ускунани тузатиш ва созлашга, иш режимини танлаш, асбобларни тўшлиш ва хоказоларга доир талаблар ҳақида нималарни билиши кераклиги кўрсатилади. Учинчи бўлимда ҳар бир разряд учун хос бўлган иш намуналари баён этилган булиб, у ҳар бир ишни муайян разрядга киритишини енгиллаштиради. Разрядга синов топшириш вактида топшириқ мазкур малака учун кўзда тутилган иш намунасига қараб белгиланади. ЯТММни қўлланиш барча корхоналар учун мажбурийдир. Шуни назарда тутиш лозимки, барча касблар ҳам 1-дан то 6-гача бўлган ҳамма разрядлар бўйича тарифланавермайди. Бу ишнинг мазмуни ва мураккаблиги билан белгиланиб, уни тегишли малакадаги ишчи бажара олиши лозим.

Тариф разряди - бажариладиган ишнинг мураккаблигини ва ишчининг малака даражасини характерловчи кўрсаткич. Тариф

сеткасининг асосий элементларидан биридир. Ишларни таърифлаш ва ишчиларга малака разрядларини бериш ишларнинг ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги ишчи касбларининг Ягона тариф-малака маълумотномаси (ЯТММ) асосида амалга оширилади. Ишчига тариф разряди беришда унинг билим даражаси, мазкур касб ва ихтисосдаги маҳорат ва кўнижмалари, тегишли мураккабликда ишларни бажаришга бўлган қобилиятига баҳо берилади. Ишчи меҳнатига тўланадиган ҳак даражаси кўп жиҳатдан тариф разрядининг катталигига боғлик. Вактбай шаклида иш ҳаки тўланадиган ишчиларда операция учун ишбай расценкалар ишбай ишловчилар учун кўзда тутилган тариф ставкалар хамда вакт ёки иш мезёрига асосланиб белгиланади. Жамоа иш ҳақини бригада аъзолари ўртасида тақсимлашда меҳнатга қараб тўланадиган ҳақнинг асосий қисми хам ҳар бир ишчининг тариф разрядини ва ишланган вактни ҳисобга олган ҳолда таксимланади. Бундан ташқари, разряднинг аҳамияти шундаки ишчига берилган разряд ставкасига асосланиб меҳнат қонунларида белгиланган турли хилдаги тўловлар ва кўшимча тўловларнинг микдори белгиланади (иш вактидан ташқари ишлаганлик учун тўланадиган ҳак, тунда ишлаган кўшимча ҳаклар ва ҳоказолар). Ишчиларга малака разряди бериш муайян маънавий аҳамиятга ҳам эга. Ишчиларга разряд бериш корхона маъмурияти томонидан касаба уюшмаси маҳаллий кўмитаси билан келишилган ҳолда назарий ва амалий билимларни цех ёки корхона малака комиссияларида текшириш асосида амалга оширилади.

Тариф коэффициенти - тариф системасининг тариф сеткасини характерловчи элементи. Ўз моҳиятига кўра у ёки бу разряд тариф ставкасининг бирлик учун қабул қилинган биринчи разряд тариф ставкасига бўлган нисбатидир. Тариф коэффициентининг катталиги мазкур разрядга киритилган ишларга тўланадиган ҳак даражаси биринчи разрядга киритилган энг оддий ишларга ёки биринчи разряд берилган малакасиз ишчиларга тўланадиган даражадан неча баравар ортиқ эканлигини кўрсатади. Тариф коэффициенти ишлар ёки операцияларни тариф ставкасининг тегишли разрядларига киритиш вактида уларнинг мураккаблик даражасини аниқлаш учун фойдаланилади. Четки разрядлар тариф коэффициентининг ўзаро нисбати тариф ставкасининг диапазонини ташкил этади. Тариф

коэффициентлари разрядлар бўйича тариф ставкаларининг марказлашган тартибда белгиланадиган абсолют ҳажмларини ишлаб чиқишида ҳисобга олинади.

Тариф сеткаси - биринчи, иккинчи, учинчи ва ундан кейинги разрядлардаги ишчилар тариф ставкаларининг биринчи разряд тариф ставкасига бўлган нисбатини белгиловчи шкала. Тариф сеткаси тариф системаси нинг элементи ҳисобланади. Тариф сеткаси разрядлар сони, сетка диапазони, яъни сеткадаги четки разрядлар ўртасидаги ўзаро нисбатлар билан - тариф коэффициентларининг разряддан разрядга абсолют ва нисбатан (фоиз ҳисобида) ортиб бориши билан характерланади.

Ўзбекистон Республикасида қуидаги тариф сеткаси жорий этилган. (1-жадвал)

1-жадвал.

Тариф разряди	Тариф коэффициенти	тариф коэффициентининг абсолют ортиб бориши
0	1,000	-
1	2,014	1,014
2	2,216	0,202
3	2,439	0,223
4	2,681	0,242
5	2,937	0,256
6	3,205	0,268
7	3,484	0,279
8	3,773	0,289
9	4,064	0,291
10	4,361	0,297
11	4,663	0,302
12	4,973	0,310
13	5,288	0,315
14	5,606	0,318
15	5,931	0,325
16	6,259	0,328
17	6,593	0,334
18	6,930	0,337

19	7,273	0,343
20	7,620	0,347
21	7,973	0,353
22	8,328	0,355

Нолинчи разряднинг тариф ставкасини ва тегишли тариф коэффициентларини билган ҳолда ҳоҳлаган разряддаги ишчининг ставкасини аниқлаш мумкин.

10. 3. Иш ҳақи шакли ва тизими.

Кончилик ва геология-қидирав корхоналарида иш ҳақини ташкил қилишнинг асосий моҳияти уларда бажариладиган ишнинг характеристига қараб иш ҳақининг маълум шаклини танлашдан иборат.

Иш ҳақининг шакли ва тизимини тўғри танлаш ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат унумдорлигини юқори даражага кўтариш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашга бўлган моддий қизиқиши кучайтиради.

Кончилик саноати ва геология-қидирав корхоналарида иш ҳақини тўлашнинг асосан ишбай ва вақтбай турлари қўлланилади.

Ишбай иш ҳақи - меҳнатга хақ тўлаш шакли бўлиб, унда ходим ишлаб чиқарган маҳсулоти ёки бажарган ишининг микдори ва сифатига мувофик хақ олади. меҳнат натижаларини аниқ ва тўла ҳисоб-китоб қилиш мумкин бўлган ишларда қўлланади; ишлаб чиқаришнинг техникавий асосланган меёrlаридан фойдаланилганда энг кўп самара беради. Ишбай иш ҳақи меҳнатига ва малакасига яраша хақ тўлаш тамойилига мос тушади, илмий асосда ташкил этилади ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг ғоят муҳим бўғини ҳисобланади, умумдавлат манфаатларини ҳар бир ходимнинг шахсий манфаатлари билан уйғулаштиришни таъминлайди. Ишбай иш ҳақи тўғри уюштирилганда меҳнат микдори ва сифати устидан таъсиричан назорат ўрнатишни таъминлайди, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишининг яхшилашишига кўмаклашади. Ишбай иш ҳақини қўллаш ишлаб чиқариш илгор тажрибасини оммалаштиришда, ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини

оширади. Ишбай иш ҳақи бевосита ва билвосита, ишбай-прогрессив, ишбай-мукофотли ва аккорд ҳак тулаш системалари шаклида кўлланади. Уларнинг ҳар бири меҳнатини ташкил этиш шаклларига қараб якка ёки жамoa (бригада) иш ҳақи бўлиши мумкин. Меҳнатни ташкил этишнинг бригада шаклида ишлаб чиқариш меёrlари бутун бригада учун белгиланади. Ишбай нархлар бригаданинг бажарилаётган ишларнинг разрядларига мос келадиган умумий меёrlари ва тариф ставкалари асосида ҳисоблаб чиқилади ва бригада таркиби боғлик булмайди. Бевосита ишбай тизимда ишловчининг иш ҳақи тегишли даражада сифатли бўлган маҳсулотларнинг тайерланган ҳар бир донаси учун олдиндан белгилаб қўйилган нарх бўйича белгиланади, билвосита тизимда эса, ишчиларнинг маоши (одатда, ердамчи ишчиларнинг) улар ёрдамташаётган ишчиларнинг меҳнат натижасига бевосита боғлик қилиб қўйилади. Ишбай-прогрессив тизимида ишчининг белгилаб қўйилган бошланғич меёр (база) микдорида ишлаб чиқарган маҳсулотига (ўзгармас) ишбай нархлар бўйича ҳақ тўланади, бошланғич меъёрдан ташқари ишлаб чиқарилган маҳсулотга эса, оширилган ишбай нархлар бўйича ҳақ тўланади. Ишбай-мукофотли тизимда-ишчининг иш ҳақи амалда ишлаб чиқарилган маҳсулот учун асосий ишбай нархлар бўйича ҳисобланган иш ҳақидан ва мукофотлашнинг белгиланган кўрсаткичларини тўла ва ошириб бажарсанлик учун бериладиган мукофотдан таркиб топади. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг аккорд системасида бажарилган ишларга тўланадиган ҳақ микдори ҳар бир бажарилган ишлаб чиқариш операцияси учун алоҳида эмас, балки бутун ишлар комплекси учун, яъни аккорд топширик учун белгиланади.

Вақтбай иш ҳақи - меҳнатга ҳақ тўлаш шакли бўлиб, унда ишловчига тўланадиган иш ҳақи унинг ишлаган вақти микдорига, малакасига ва меҳнатнинг сифатига боғлик бўлади. Ишлаб чиқариш меъёрлари белгиланиши мумкин бўлмаган ёки алоҳида ҳақ тўлашни белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлмаган ишларда қўлланади. Раҳбар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар учун вақтбай иш ҳақи (штатлар руйхатига мувофик) окладлар системаси шаклида, ишчилар учун эса тариф системаси шаклида белгиланади. Оддий вақтбай ва вақтбай мукофотли ҳақ тўлаш системалари қўлланади, буларда ишловчининг моддий манфаатдорлигини кучайтириш учун бир соатлик иш учун ҳақ

тўлашнинг тариф ставкасига кўшимча ўлароқ, ишда эришилган микдор ва сифат ютуклари учун, хом ашё, материаллар, ёқилғи, электр энергиясини тежаганлик, механизмлар авариясиз ишлаганлиги ва бошқалар учун мукофот тўланади.

Мехнат хиссаси (Мехнатда иштирок этиш) коэффициенти (МХК) - хар бир ишловчи умумий натижага кўшган меҳнат хиссасига умумлаштирилган тарзда микдорий баҳо бериш бўлиб, меҳнатга жамоа хақ тўлашда қўлланилади. МХК ни аниқлашда ходимнинг меҳнат унумдорлиги, маҳсулот сифати, унинг меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомиг: риоя қилиши, ўз хизмат вазифаларига муносабати ҳисобга олинади. МХК, одатда, меҳнатта жамоа хақ тўлаш фондининг тарифдан ортиқча ҳосил қилинган қисмини таксимлашда қўлланилади. Бунда ишбай кўшимча хақ, мукофот, иш хақи фонди бўйича ходимларни бўшатиб олиш натижасида олинган ва бир нечта касбда ишлаганлик учун кўшимча хақ тўлашда, хизмат қўрсатиш зоналарини кенгайтиришда ва бажариладиган ишлар хажмини кўпайтиришда фойдаланилмай колган тежам, бригади ташабуси билан мёэрлар қайта кўриб чиқилганлиги учун бир йўла бериладиган мукофотлар ва бошқа хилдаги жамоа тўловлар киритилади. Айрим ҳолларда меҳнат жамоасининг қарори билан бутун иш ҳаки ҳам МХК ёрдамида тақсимланиши мумкин. МХКдан, шунингдек, ходимларни аттестациядан ўтказиша, ҳам фойланилади. МХКни аниқлаш ва қўллаш тартибини меҳнат жамоанинг ўзи белгилайди. Одатда, МХКнинг ҳажми нол билан икки атрофида бўлади. Асосий ўлчов сифатида бирга тенг коэффициентдан фойдаланиш тавсия этилган. Коэффициентларнинг ҳажми бригаданинг қарори билан (унинг йигилиши ёки бригада кенгаши томонидан) ой мобайнидаги ишнинг натижаларига қараб белгиланади ва тегишли протокол билан расмийлаштирилади. МХКни қўллаганда алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларга амалдаги қоидада кўзда тутилганига караганда юқорирок, аммо бригадага ёзилган мукофот умумий суммаси доирасида мукофот белгиланиши ҳам мумкин. МХКни қўллаш самарадорлиги жамоасининг етуклигига, ошкораликка риоя қилишига унинг барча аъзолари маънавий ва моддий рафбатлантириш масалаларини ҳал қилишда актив қатнашишларига боғлиқ. МХКни қўллаш ишлаб чиқаришни бошқаришда демократик асосларини ривожлантиришга, меҳнат

ишлиб чиқариш интизомини мустахкамлашга, меҳнатга онгли муносабатни тарбиялашга ёрдам беради. МХКни қўллаш ишчилар ва мутахассисларга ўз меҳнатларига ўзлари объектив баҳо бериш ва тегишли равища унга хақ тўлаш имкониятини беради.

10. 4. Кончилик саноати ва геология-қидирув ишларида қўшимча иш ҳақи тўлаш турлари.

Меҳнат кодекси қонунига биноан Ўзбекистон Республикасидаги кончилик саноати ва геология-қидирув ишларида қўйидаги турдаги қўшимча иш ҳақи тўланади:

- Бригадага раҳбарлик қилгани учун, агарда бригада ишлиб чиқариш топширигини ўз вақтида бажарса 10 фоиздан - 15 фоизгача;
- Ишчиларни ишлиб чиқаришга ўргатгани учун малакали ишчиларга 20 фоиз;
- Байрам ва дам олиш кунлари ишлаганлиги учун. Байрам кунларида ишлагани учун 2 баробар ортиқ хақ тўланади. Дам олиш кунида ишлагани учун 1,5 баробар ортиқ хақ тўланади;
- Иш вақтидан сўнг ишлаганлиги учун тариф ставкасидан ҳар соатига дастлабки 2 соатга 37,5 фоиз ва қолган соатларга эса 75 фоиздан кўшимча иш ҳақи тўланади;
- Тунда ишлаганлиги учун (соат 22 дан 6 гача) тўланадиган хақ, бунда иш вақтининг узунлиги бир соатга камайтирилади;
- Давлат ва жамоат топширигини бажарганлиги учун ўртacha иш ҳақи тўланади;
- Касбини қўшиб ишлагани учун окладидан 30 фоиз микдорда;
- Сувсиз худудларда ишлаганлиги учун тариф ставкасидан 10 фоиздан 40 фоизгача қўшимча хақ тўланади;
- Радиактив элементларни қидирганлиги учун 20 фоиз микдорда қўшимча хақ тўланади;
- Дала шароитида ишлаганлиги учун иш ҳақидан 40 фоиз микдорда.

Назорат саволлар.

1. Иш ҳақи нима?

2. Иш хақини ташкил этиш моҳияти.
3. Бозор иқтисодиёти шароитида иш хақини ташкил этишнинг асосий тамойиллари.
4. Иш хақини соҳалараро ва соҳа ичида ташкил этишнинг хусусиятлари.
5. Таъриф системаси нима.
6. Таъриф ситетаси элементлари.
7. Иш хақининг тўлашнинг турлари.
8. Иш хақининг тўлашнинг тизими.
9. Кўшимча иш хақини тўлаш турлари.
10. Кончилик саноати ва геология қидирув ишларида иш ҳақини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.

ХІ. КОНЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ДАСТУРИНИ ВА МАРКЕТИНГ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.

11.1. Кончилик корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш дастури ва маркетинг хизматини ташкил этиш.

Маълумки, бозор иқтисодиётида маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишда талаб ва таклиф қонунига қатъий риоя қилинади. Кончилик саноати ва геология-қидирув ишларида ҳам бирор маҳсулот ишлаб чиқариш ёки бирор ишни бажаришдан олдин уни дастурлаштирилади, яъни қанча маҳсулот ишлаб чиқариш керак, бу маҳсулотлар кимларга сотилади ва хоказолар кўриб чиқилди. Маҳсулот ишлаб чиқаришда ва уни сотишда кончилик корхоналарида маркетинг хизматини фаол ташкил этиш талаб этилади. Маркетинг - бу кончилик корхоналарининг бозорни мажмуавий таҳдил қилишга асосланган ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш, энг кўп фойда олишга қаратилган ишлаб чиқариш ва маҳсулотни сотиш фаолиятини бошқариш тизимиdir.

Кончилик саноати ва геология-қидирув ишларида маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ишлаб чиқариш дастурини тузмасдан туриб, корхона хўжалиги фаолиятининг асосий кўрсаткичларини бизнес режасини тузиб бўлмайди. Кончилик корхоналарининг ишлаб чиқариш дастурида қазиб олиниши керак бўлган руданинг, концентратнинг, металлнинг микдори, тури, нави ва сифати кўрсатилган бўлади. Дастурда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришдан ташқари разведка ишларининг, кон тайёрлов ишларининг ва кон очиш ишларининг ҳажми ҳам ўз аксини топган бўлади. Геология-разведка, кон тайёрлов, кон очиш ишларининг ҳажми, шахта ва карьердаги балансли руда заҳираларининг ҳаракатига ва разведка килинган, қазиб олишга тайёрланган руда заҳираларининг йил бошидаги таъминланганлигига боғлик.

Захираларнинг ойлар бўйича таъминланганлиги қуидагича хисобланади:

$$T = \frac{12 \cdot Z_3}{D};$$

бу ифодада Z_3 - разведка килинган ва қазиб олишга тайёрланган заҳиранинг микдори, т;

D - йил мобайнида қазиб олиниши керак бўлган руданинг микдори, т.

Агарда дастурнинг йил бошида қазиб олишга тайёрланган заҳиранинг микдори меъёрдагидан кам бўлса, унда ишлаб чиқариш дастурида разведка, тайёрлов, кон очиш ишларининг ҳажмини кўпайтириш кўзда тутилади.

Кон очиш ишларининг ҳажми куб метрларда, разведка, кон тайёрлов ишларининг ҳажми эса метрларда ва куб метрларда, умуман, рудник ва кон лаҳимлари турлари бўйича аниқланади.

Бир тонна рудани қазиб олиш учун кон очиш ишларининг солишиurma ҳажми кон очиш кофициенти кўрсаткичи билан ифодаланади.

Кончилик саноати ва геология-қидирув ишларида маҳсулотни сотишдан ёки бажарилган иш учун олинган ҳақ корхонанинг тегишли банк ҳисоб рақамига тушгандан кейингина маҳсулот сотилди деб хисобланади. Дастурда сотиладиган маҳсулотларнинг ҳажми товар маҳсулотларнинг микдори ва сотилмаган маҳсулотларнинг йил бошидаги ва йил охиридаги микдорининг ўзгариши аниқланади. Сотилмай қолган

маҳсулотлар, омбордаги маҳсулотлар ва жўнатилган, аммо ҳақи олинмаган маҳсулотлар йигиндисидан иборатdir.

Ишлаб чиқариш дастури бўйича сотиладиган маҳсулотларнинг ҳажми қўйидагича аниқланади:

$$Q_p = Q_r + Q_h - Q_k;$$

Q_r – ҳисобот йили даврида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, т; Q_h ва Q_k - ҳисобот йили бошида ва йил охирида сотилмаган маҳсулот миқдори, т.

11.2. Ишлаб чиқаришнинг техник ва ижтимоий ривожланиши дастурини тузиш.

Корхоналарни техник ривожланишининг дастури техник, технологик, илмий тадқиқот ва ижтимоий-иктисодий тадбирларни мажмуавий равишда амалга оширишни ўз ичига олади. Корхонани техник ривожлантиришдан мақсад ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулот сифатини ошириш, рудани қазиб олиш ва бойитиш жараёнида уларни йўқотишни камайтириш, иш вақтини тежаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, материалларни тежаш, асосий фондлардан фойдаланишни яхшилашдан иборатdir.

Корхонани техник ривожлантириш дастури қўйидагиларни ўз ичига олади:

- янги техника, технология ва автоматлаштиришни ишлаб чиқаришга жорий этишни;
- меҳнатни илмий ташкил этишни;
- эскирган машина ва ускуналарни алмаштириш ва такомиллаштиришни;
- материаллар, ёқилғи ва энергияни иқтисод қилишни;
- маҳсулот сифатини оширишни;
- бошқариш тизимини такомиллаштиришни;
- асосий фондлардан фойдаланишни.

Техник дастурнинг асоси бўлиб, корхонанинг техник-иктисодий ва молиявий таҳлили ҳисобланади.

Кончилик саноати ва геология-қидирув ишларида корхона жамоасини ижтимоий ривожланиш дастури умумдавлат ижтимоий

ривожланиш дастурининг таркибий қисми ҳисобланади. Мехнат жамоасининг ижтимоий аҳволидаги ўзгаришларни истиқболини аниқлаш ва бундай ўзгаришларни таъминлайдиган чораларни белгилаш ижтимоий ривожлантиришнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Корхона ижтимоий ривожланиш дастурини тузиш мобайнида ишлаб чиқариш жамоасини ривожлантириш истиқболларини ва йўлларини белгилаш, уларнинг сифат жиҳатидан ўзгариш даражасини аниқлаш ҳамда меҳнаткашларни ижодий фаоллигини ҳар томонлама ўстириш учун қулай шароитлар яратиш зарур.

Ижтимоий ривожланиш дастури бир томондан корхонанинг техник-иктисодий ривожланишини, иккинчи томондан эса жамоадаги ижтимоий ўзгаришларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсирини акс эттириши лозим.

Корхонани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурини тузилиши қуйидаги қисмлардан иборат бўлади:

- Ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясини такомиллаштириш ва меҳнат шароитларини яхшилаш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш ва унинг моҳиятини ўзgartириш;
- Корхона меҳнаткашларининг тутумуш даражасини кўтариш;
- Жамоада шахсни ҳар томонлама тарбиялаш ва бўш вақтдан унумли фойдаланиш;
- Жамоада муносабатларни такомиллаштириш.

Юқорида келтирилган тадбирлар мавжуд корхона жамоасининг ўзига хос томонларини акс эттирган ҳолда юз бераетган асосий ижтимоий-иктисодий жараёнларни кўрсатади ва режанинг моҳиятини белгилайди.

11.3. Корхоналарда ишлаб чиқариш харажатларини сметасини тузиш.

Хозирги даврда кончилик саноати корхоналари маҳсулотининг ишлаб чиқариш харажатлари бир неча кўрсаткичлар бўйича истиқболи белгиланади ва улар қуйидагилардан иборат:

- бир хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар учун маҳсулотнинг бир бирлигининг ишлаб чиқариш харажатлари белгиланади;

- турли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар учун маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг ўтган даврга нисбатан камайиш даражаси белгиланади;
- турли маҳсулотлар, шу жумладан, янги маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган корхоналар учун ишлаб чиқариш харажатларининг миқдори белгиланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини истиқболини белгилашда ишлаб чиқариш харажатлари сметаси тузишига асосланади.

Маҳсулот ва айрим буюмларнинг ишлаб чиқариш харажатларини тузиш йўли билан режалаштириш, уларни тайёрлаш бўйича харажатлар миқдорини ҳисоблаш ва бу харажатларни айрим буюмлар таниархига нисбати билан белгилашга асосланади.

Маҳсулотларнинг айрим турлари ишлаб чиқариш харажатларини калькуляция қилишдан мақсад:

- а) ҳар бир маҳсулотнинг ишлаб чиқариш харажатлари асосланган равища тўғри аникланишини таъминлаш;
- б) маҳсулот тайёрлаш харажатларини камайтириш йўли билан ҳар бир маҳсулотнинг ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш;
- в) корхонада тежамкорликни таъминлаш;
- г) иктиносий жиҳатдан асосланган нарх кўйишга манба яратиш.

Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини калькуляциялашда корхонанинг харажатлари асосий, ишлаб чиқаришга кўмаклашиши ва уни бошқариш бўйича харажатларга бўлинади.

Асосий харажатларга хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия, иш ҳақи ва асосий фондларнинг амотизациясидан иборатdir.

Ишлаб чиқаришга кўмаклашиши ва уни бошқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар туркумига умумзех, умумкорхона ва бошқа харажатлар киради.

11..4. Корхоналарда ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш йўллари.

Ишлаб чиқариш рентабеллиги кончилик саноати корхонасининг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи мухим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Бу кўрсаткичда маҳсулот ишлаб чиқариш сотиш учун сарфланадиган жонли ва буюмлашган меҳнат тежамининг пул шаклида ифодаланиши ва қўшимча маҳсулотнинг хажми ўз аксини топади. Бундан кўриниб турибдики, корхонанинг рентабеллигини ошириш жуда мухим ходисадир.

Кончилик саноати ва геология қидирав ишларида ишлаб чиқариш рентабеллиги ҳар бир саноат корхонасининг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Кончилик саноатида фойда кўйидагича аниқланади:

$$\Pi = P_u - C_c ;$$

бу ерда P_u - корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдан келган хажми, (даромад) сўм;

C_c - сотилган маҳсулотга кетган ишлаб чиқариш харажатлари микдори, сўм.

Корхоналарда ишлаб чиқаришнинг рентабеллик даражаси фойда микдорини ишлаб чиқариш фондларининг ўртacha йиллик кийматига нисбати билан ифодалаш тавсия этилади. Умуман олганда рентабелликнинг умумий ва ҳисобли турлари мавжуд.

Кончилик корхоналарида умумий рентабеллик кўйидагича аниқланади:

Ҳисобли рентабеллик умумий даромаддан давлат бюджетига, маҳсус фондларга, банк кредитларига тўловлар тўлангандан кейинги қолган ҳисоблик фойда асосида топилади. Ҳисобли фойда микдорини асосий ишлаб чиқариш фондлари ва меъёрлаштирилган айланма маблағлар нисбати орқали ишлаб чиқаришнинг ҳисобли рентабеллиги топилади.

$$P_o = \frac{\Pi_b}{\Phi_{осн} + \Phi_{об}} \cdot 100\% ;$$

бу ерда Π_b - балансли фойда, сўм;

$\Phi_{осн}$ - асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртacha йиллик киймати, сўм;

$\Phi_{об}$ - меъёрлаштирилган айланма маблағларнинг ўртacha йиллик киймати, сўм.

Кончилик корхоналарида умумий рентабеллик билан бирга ҳисоб рентабеллиги ҳам аниқланади:

$$P_o = \frac{\Pi_b - \Pi_u - \Pi_n}{\Phi_{\text{осн}} + \Phi_{\text{об}}} \cdot 100\%;$$

бу ерда Π_u - махсус фондларга тўланадиган фойда микдори, сўм; Π_n - мажбурий тўловлар (бюджетга, банк кредитларига), сўм.

Умумий ва рентабеллик фақат фойданинг хажмини ифодалабгина қолмай, балки асосий фонdlар ва улардан фойдаланиш даражасини ҳамда корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ҳам ифодалайди. Бу эса корхонада рентабеллик даражасини ошириш бўйича олиб бориладиган ишларнинг асосий йўналишларини белгилайди. Бундай йўналиш эса асосий ишлаб чиқариш фонdlаридан самарали фойдаланиш, айланма маблағларни тежаб сарфлаш ва уларни айланнишини тезлаштириш билан бевосита боғлик. Кончилик саноати корхоналарида рентабелликни оширишнинг асоси бўлиб: ишлаб чиқаришда инновация жараёнларини фаоллаштириш, асосий фонdlардан фойдаланиш даражасини ошириш, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, кадрларни тўғри танлаш ва улардан рационал фойдаланиш, кадрларни малакасини ошириб бориш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш хисобланади.

Назорат саволлари.

1. Кончилик саноати ва геология қидирув ишларида ишлаб чиқаришни ва маркетинг хизматини ташкил этишнинг моҳияти.
2. Кончилик корхоналарида махсулот ишлаб чиқаришнинг дастурини тузиш.
3. Кончилик корхоналарида маркетинг хизматини ташкил этиш.
4. Геология қидирув ишларида ишлаб чиқаришни дастурини тузиш.
5. Геология қидирув ишларида маркетинг хизматини ташкил этиш.
6. Кончилик саноатида ва геология қидирув ишларида техник ривожлантиришни ташкил этиш.
7. Кончилик саноатида ва геология қидирув ишларида ижтимоий ривожлантиришни ташкил этиш.

8. Корхоналарда ишлаб чиқариш харажатларини истиқболини белгилаш.
9. Корхоналарда ишлаб чиқариц үрентабеллигини оширишнинг йўллари.
10. Кончилик корхоналарида фойда олишни ташкил этиш.

XII. КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШДА ХИСОБГА ОЛИШ

12.1. Корхона ишларини хисобга олишнинг моҳияти ва аҳамияти.

Мамлакат хўжалиги яхши йўлга қўйилган хисобсиз ривожлана олмайди. Корхона (фирма) ларда хисоб мамлакат иқтисодиётини хисобга олиш қилишдаги ягона тартибнинг бир кисмидир.

Хисоб – ишлаб чиқариш жараёни ва маҳсулотни реализация қилишга таалукли фактларнинг микдор кўринишини ифодалаштириш. Хисоб ишлаб чиқаришнинг бориши, уни режалаштириш, тартибга солиш ва маҳсулотни реализация қилиш учун зарур бўлган маълумотлар билан бошқаришнинг хамма бўйинларини таъминлайди.

Корхона (фирма)ларда хисоб ишлаб чиқариш хажми бўйича режанинг бажарилишини, маҳсулотнинг ассортименти ва сифати даражасини, янги техника ва хом ашёдан, материал ва ёқилғидан, асосий фонд ва айланма маблағлардан қандай фойдаланилаётганлигини, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, таннархнинг камайиши, фойда ва самарадорлик даражасини кўрсатади.

Хисоб ёрдамида ишлаб чиқаришда сарфланаётган меҳнатни, меҳнатга хақ тўлашни назорат қилиш кўзда тутилади. Хисоб хўжалик хисобини мустахкамлашга ва маблағларни тежашга ёрдам беради.

Хисоб ишлари тезкор (оператив), аниқ ва нихоятда оддий бўлиши керак. Ишлаб чиқариш топширикларининг бажарилиши ҳақидаги маълумотлар раҳбарларга ўз вактида етказилиши лозим.

Хисобга олиш моддий, молиявий ва бошқа турдаги мулкларни саклаш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш

воситасидир. Хисобга олиш давлат томонидан марказлаштирилган ягона миллий иқтисодиётнинг тизими бўлиб, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари, иқтисодий ҳудудлар ва бутун миллий иқтисодиёти миқёсида кўрсаткичларни хисобга олиб умумлаштириш имконини беради. Ягона хисобга олиш тизимини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Вазирлар Махкамаси таркибида Давлат кўмиталяри раҳбарлик қиладилар.

Хисобга олиш масалаларини такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Хисобга олиш сифатини ошириш ва хисобга олиш кўрсаткичларига ишлов беришни механизациялаш масалалари олдинги режага сурилади. Хисобга олиш тезкор тахлил қилишга, бутун бир корхона ва хар бир ишлаб чиқариш бўғинларининг фаолиятини режалаштириш учун етарли материаллар беришга хизмат қиласди.

Корхоналарни тўлароқ ифодаламоқ учун натурал (махсулот), меҳнат ва пул ўлчамлари мажмууси бўйича хисобга олинади ва тахлил қилинади. Хисобга олишга куйидаги талаблар кўйилади: у корхона ишидаги ютуқларни хам, камчиликларни хам ишончли, тўғри ва холис ифодаласи лозим; хисобга олиш ва хисобот шакллари оддий, тўлик, аниқ бўлиши керакки, у корхонани бутунлай ва хар бир бўлинмаларини алоҳидасига фаолиятини тахлил килиш имкононини таъминлай олсинлар; корхона ишининг барча бўғинларини қамраб олиши, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг хамма томонларини тўлик ифодаласи лозим; хисобга олишнинг барча кўрсаткичлари ва шакллари аниқ тизимини ифодаласи ва режанинг кўрсаткичлари билан шаклларига боғланган бўлиши керак.

Хисобга олишнинг кўринишлари ягона тизимни ташкил этади. Улар тезкор, бухгалтерик (хисобчилик) ва статистик хисобга олишлар билан узвий боғлиқ.

Тезкор техник хисобга олиш айнан ишлаб чиқариш жараёнларига тезкор бошчилик қўлиш учун керак, улар ёрдамида жорий топшириқларни, хар бир ишчи ва бригаданинг ишчи минтақаларидаги режаларини бажарилишига назорат қилиш орқали амалга оширилади. Одатда бундай хисобга олиш у ёки бу операцияларнинг бажарилиш дақиқалари даврида, шу дақиқага яқин ўтказилади.

Бухгалтерли хисобга олиш корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини, воситалар харакатини, уларнинг юзага келтириш манбаларини, иш натижаларини қамраб олади. Хисобга олиш ёрдами билан барча хўжалик операцияларининг ягона пул кўрсаткичи асосида мунтазам хужжатларга асосланган хисобга олиш туфайли ҳамма хўжалик жараёнларида назоратни амалга оширади. Бухгалтерли хисобга олишда ягона пул ўлчамидан фойдаланилади.

Бухгалтерли хисобга олишнинг олдига таннархни пасайтириш, мулкчилик шаклларини сақланишини, иш хақининг сарфланишини, ишлаб чиқаришнинг тежамкорлик тартибини ва бошқаларнинг бошқарилишини назорат қилиш вазифалари кўйилган. Бухгалтерли хисобга олишнинг натижалари кейинги даврларга ишларни режалаштиришда фойдаланилади. Бунинг асосий мақсади – молия-сметаларини тартибининг сақланишига ва молия режаларининг бажарилишини назорат қилишdir. Бухгалтерли хисобга олиш мунтазам ва қатъий хужжатларга асослангандир.

Бухгалтерли хисобга олишда етарли даражада чуқур умумий ҳулоса чиқариш, тахлил қилиш, ишларнинг айрим томонларини боғликлигини аниқлаш, корхона фаолиятининг натижаларини (фойда ёки зарар кўринишида) аниқлашга имконлар бор. Факат пулли ифодага эга бўлган жараёнларни рўйхатга олганлиги учун бухгалтерли хисобга олиш асосан айланма хўжалик воситалари билан иш кўради.

Бухгалтерли хисобга олишнинг маълумотлари корхонанинг бошқаришдаги ҳар кунли тезкор ишларida ва молия фаолиятини назорат қилишда фойдаланилади. Бухгалтерлик мутаносиблик (хисоб-китоб) ва бухгалтерли хисоботларнинг маълумотларига караб молия фаолияти тахлил қилинади.

Статистик хисобга олиш оммавий ижтимоий ходисаларнинг микдор томонини уларнинг сифат томони билан мустахкам алоқасини ифодалайди. Статистика бутун миллий иқтисодиётни, алохида тармоқларини ва ҳар бир корхонани алохида ривожланишини таърифлайди. Статистика бизнинг мамлакатимизда доимий ўсиб борадиган моддий ва маданий эҳтиёжларнинг энг юкори қондирилиши қандай таъминланмоқда; ишлаб чиқаришнинг тўхтовсиз ўсиши юкори техникага асосланган равишда қандай амалга оширилмоқдалиги каби

холисона иқтисодий қонунларни рақамлар кўринишида ифодалайди. Статистика маълумотлари ишлаб чиқариш резервларини очишга хизмат қилади, тактик ва стратегик режалаштириш учун материал ҳамдир.

Оммавий ходисаларни хисобга олиш ва уларнинг хисобга олинган миқдорида (статистикада) тезкор техник ва бухгалтерли хисобга олиш маълумотларидан, маҳсус кузатувларнинг материалларидан фойдаланилади.

Маълумотларни йигиш, ишлов бериш ва сақлаш, кўпайтириш, узатиш жараёнлари уларнинг асосий босқичи бўлмиш қайта тузишни (мантиқий тайёрлашни) таъминлашга қаратилган. Маълумотга мантиқий ишлов беришнинг баъзи бир жараёнларининг механизациялаштирилиши ва автоматлаштирилиши мумкин. Бошқарув ишидаги хисобларнинг кўп қисми оддий арифметик рақамли ишлов беришни ифодалайди. Шунинг учун ҳам сермехнат бўлган хисоблаш ишларининг хисоблаш техникасини кенг қўллаш хисобига камайтириш керак.

Корхоналардаги хисобга олиш операцияларининг қуйидагиларини механизациялаштирилиши мумкин:

- техник-фойдаланиш кўрсаткичлари, капитал қурилиш ва капитал таъмирлаш, асосий жамғармалар, иш хақини хисоблашлар, молиявий – хисоблаш операциялари, моддий бойликлар, бухгалтерли ва статистик хисоботлар ва бошқалар.

Бозор иқтисодиётидаги информацион оқимининг ортиб кетиши замонавий компьютерларни кенг қўллашни талаб этмоқда. Хозирги кунда тавсия этилиши мумкин бўлган компьютерлар: «Пентиум», оперативная память – 8-16 мегабайт, Винчестр (жесткий диск) – 500-600 мегабайт, Сидиром (CDROM)кабилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, корхоналарда бошқарув меҳнатини механизациялаштиришнинг асосий воситаси бўлиб клавишила ва хисоблаш-перфорацион машиналар ва персонал IBM типидаги компьютерлар кенг хизмат қилмоқда. Ушбу машиналарнинг имконияти мухандислик хисоблашларни бажаришда бенихоядир, шунинг учун ҳам уларнинг такомиллаштириш ўта долзарб муаммо бўлиб қолади.

Бозор иқтисодиёти шароитида хисобга олишдаги ўзгаришлар қуйидагилар бўлиши мумкин:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулкини хусусийлаштириш қўмитасидаги хисобга олиш тизими халқаро амалиётига ўтиши керак;

Давлат мулк қўмитаси ва Ўзбекистон молия вазирлигига Бирлашган миллатлар ташкилоти томонидан қабул қилинган халқаро стандартларнинг амалда қўлланилиши ишларини умумий амалга оширилиши керак;

миллий хисоблар тизимининг амалда қўлланиш тадбирлари ишлаб чиқилиши ва Ўзбекистон Республикасининг раҳбарияти томонидан тасдиқланиши лозим;

бухгалтерли хисобга олишни халқаро стандартларга мос келтирилиши лозим;

корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятларини бозор иқтисодиёти шароитида ифодаловчи янги бухгалтерли хисобга олиш хисоб хужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни амалда қўллаш лозим;

янги бухгалтерли хисобга олиш режаси асосий воситаларни хисобга олишда сеъчарли фарқ қиласди, улар ўз ифодасини топишлари лозим (масалан, асосий воситаларни сотиб олиш учун молия манбаларини бор-йўқлигига боғлик эмас, узок муддатли ижара воситалари, ижара шартлари ва бошқалар эътиборга олишлари керак).

12.2 Бухгалтерия ҳисоби, усувлари ва тамойиллари

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан бухгалтерия ҳисоби ҳисобчилик тизимигини бўлиб қолмасдан, корхона фаолиятининг натижалари хақида ахборот йифиш, ишлаш ва тақдим этиш воситасига айланмоқдаки, бу нарса манфаатдор тасарруфчиларга асосли қарорлар қабул қилишда ёрдам бериши лозим. Шу муносабат билан бухгалтерия ҳисобини ташкил этишининг янги, ягона қонунчилик негизини, иқтисодиётнинг барча соҳаларида уни юритиш ва хисбот тузиш услубиятини яратишга эҳтиёж туғилади, уни халқаро андозаларга мувофиқлаштириш зарурияти юзага келади.

Бухгалтерия ҳисобини ихлос қилиш – режали, буйруқбозлик иқтисодиётидан бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги зарурый тадбирдир. Хар қандай бошқарув тизими тегишли ахборот таъминотига мухтоҷдирки, бусиз иқтисодий

қарорлар қабул қилиш мумкин эмас. Бухгалтерия ҳисоби иқтисодий ахборотларни йигиш ва умумлаштиришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида турли вазифаларни бажаради ва турли мақсадларни кўзлади.

Республикада амал қилаётган «Махсулот таннархига киритилувчи маҳсулотларни (иш хизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби» ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом бу талабларга жавоб беради. Низом ишлаб чиқариш натижаларини ҳисобга олиш ва молиявий натижаларни шакллантиришнинг жаҳонда қўлланилаётган тартибини ўз ичига олади. Аммо бухгалтерия ҳисобининг айрим жихатлари турли меъёрий хужжатларда баён қилиниши бухгалтерия ҳисоби тамойилининг бирлигини таъминланмас эди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни Ўзбекистонда хам бухгалтерия ҳисобининг жаҳон андозаларига мос тизимини жорий қилишни тақазо этди. Шу сабабли, республикамида 1996 йил 30 августда «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» алоҳида қонун қабул қилинди.

Бу қонун республикамида бухгалтерия ҳисоби тизимиға асос бўладиган муҳим негизларни ва уни юритиш андозаларини белгилайди. бундан ташқари, у бухгалтерия ҳисоби соҳасида хўжалик юритувчи субъектларнинг хукуклари, мажбуриятлари ва масъулиятларини, шунингдек бухгалтерлик молиявий ҳисботларини тузиш ва эълон қилишга нисбатан қўйиладиган талабларни белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг турли халқаро ташкилотларида фаол катнашиши, жаҳон иқтисодиёти хамжамиятига қўшилиши жараёнида иқтисодий курсаткичларни хорижий мезонларга таққослаши ҳисобнинг услубий тамойилларини жаҳон амалиётида қабул қилинган стандартлар талабига жавоб беришини таъминлашни талаб этади.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи соҳасида ислоҳотларни бундан бўён ҳам амалга оширишни таъминлаш мақсадида бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БХМС) ни ишлаб чикиш ва амалда жорий этиш зарур. Бу ўз навбатида катор иқтисодий муаммоларни ҳал этиш имконини беради.

БХМСдан асосий максад миллий ва хорижий мутахассисларнинг хисоб сиёсати ва хисобот ахборотини тушунишларидағи фаркни бартараф килишдан иборатдир.

Бунинг учун, аавало, халқаро талабларга асосан бухгалтерия хисобини меъёрий тартибга солувчи миллий тизимни яратиш лозим.

БХМСга асос килиб халқаро стандартлар олинган булсада, лекин у миллий иктисодиётнинг узига хос хусусиятлари ва талабларини хисобга олган ҳолда ишлаб чикилди.

Бухгалтерия хисобининг усувлари деб, унинг предметини ўрганишга қаратилган усувлар йигиндисига айтилади. Айрим усувлар унинг элементлари деб аталиб қуидагилардан иборат бўлади:

Хужжатлаштириш ва инвентаризация қилиш, баҳолаш ва калькуляция қилиш, счетлар тизими ва икки ёқлама ёзиш усули бухгалтерия баланси ва хисобот.

Хужжатлаштириш - бу корхона хўжалик фаолиятини кузатиб бориш хисобга олинадиган хўжалик операцияларини назорат қилиш ва акс эттиришнинг асосий усулидир.

Хар бир хўжалик операцияси хужжатлаштириш асосидагини хисобга олинади. Ҳеч қандай ёзув бухгалтерия хисобида хужжатсиз кайд қилинмайди. Бир ёки бир қанча хўжалик операциялари тўғрисида маълумотларнинг исботи маълум хужжат расмийлаштирилади. Хужжат расмийлаштирилаётганда унинг олдига қўйилган ҳамма хуқукий талабларга риоя қилиш керак. Фақат шундай расмийлаштирилган хужжатларгина бухгалтерия хисобининг кўрсаткичларига умуман ва унинг айрим маълумотларига ишончли таҳлил бўла оладиган кучга эга бўлади.

Йўқлама қилиш – бу санаш, тортиш, ўлчаш ва хоказолар йўли билан корхона мол-мулкини рўйхат қилиш, маълумотларни бухгалтерия хисоби маълумотлари билан солиштириш, топилган камомад, ортиқча нарсалар, нобудгарчилик ва хоказолар тарзидағи фарқларни хужжат билан расмийлаштириш, бу фарқларнинг сабабларини ва айборларини топишдан иборатдир.

Хисобнинг равшан ва хаммаболлиги. Хисобнинг равшан ва хаммабол тарзда олиб борлиши хисоб маълумотларнинг фақат хисоб ходимларигагина тушунарли бўлиб қолмай, балки бутун меҳнаткаш оммага тушунарли бўлиши имконини беради. Бунинг

учун эса, хисоб кўрсаткичлари содда ва тушунарли бўлиши, корхона хўжалик фаолиятининг мухим томонларини аниқ характерлайдиган бўлмоғи зарур.

Равшан ва хаммабоп тарзда олиб борилган хисоб корхонани таъсис этувчи ва қатнашувчиларни ишлаб чиқаришни бошқаришга кенг жалб қиласди. Хозирги пайтда мамлакатимизда хисоб ишларини равшанлаштиришга қаратилган бир қанча амалга оширилмоқда. Бу тадбирлар энг авалло хисоб ишларини қисқартириш, соддалаштириш, хужжатларнинг реквизитларини камайтиришга хамда хисобни халқаро стандартлар даражасига етказишга қаратилган ишлардир. Бундан ташқари ҳисобни равшан ва хаммабоп тарзда олиб борилишини таъминлаш учун ҳисоб ишлари юкори малакали ва ижодий ташаббускор ходимлар кўлига топширилиши зарур.

Хисобнинг режалиги ва арzonлиги. Хисобни режали олиб бориш ва уни арzonга тушириш учун ҳисоб аппаратини қисқартириш, хисоб ишларини тўла машиналаштириш, замонавий хисоб шаклларини ва бухгалтериянинг автоматлаштирилган иш жойларини кенг қўллаш, бошлангич хужжатларни мукаммалаштириш ва хисобни марказлашган ҳолда ташкил килиш билан эришилади. Мана шундай тадбирлар амалга оширилгандагина хисоб ходимларининг сони камайтирилиши ва меҳнат унумдорлиги оширилиши мумкин.

Молиявий хисобот пул оқимлари тўғрисидаги хисоботдан ташқари, хисоблаш тамойили асосида тузилади.

Хисоблаш тамойилига асосан активлар, пассивлар ўз капитали, даромадлар, харажатлар, хўжалик муомалалари ва ходисалар содир этилган (ёки накд олинган) пайтда бухгалтерия хисобида кўрсатилади, улар бўйича пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти олинган ва тўланган вакт бундан мустасно.

Хисоблаш тамойили асосида тайёрланган молиявий хисоботлар фойдаланувчиларга нафакат пул маблағларини тўлаш ва олиш бўйича аввалдан ўтказилган муомалалар тўғрисида, шунингдек, келгусида пул маблағларини тўлаш мажбуриятлар тўғрисида хам тегишли иқтисоди қарорлар қабул қилинишида зарур бўладиган ахборотлар беради.

1. Икки ёқламали қайд этиш усули билан хисоб юритиш. Икки ёқлама қайд этиш усули билан хисоб юритиш тамойили хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия муомалаларини икки

ёқлама ёзиш тизими асосида юритиш кераклигини билдиради. Икки ёқлама ёзиш тизими содир бўлган хўжалик муомаласи бўйича тегишли суммани иккинчи счетнинг кредит томонига қайд қилишдан иборат бўлади.

2. Узлуксизлик. Молиявий ҳисобот хўжалик юритувчи субъект доимий фаолиятни номаълум узоқ муддатгача давом эттиради деган қоида бўйича тайёрланади, яъни хўжалик юритувчи субъектга ўзининг муомалалар бўйича фаолиятини жиддий қисқартириш ёки тугатиш эҳтимоли ва ҳаракатига эга бўлмайди.

Агар раҳбар хўжалик юритувчи субъектни тугатиш ёки унинг фаолияти доирасини қисқартириш, ёки шунга олиб келувчи шароитлар ва муҳит бўлса, молиявий ҳисоботда бериладиган изохларда шу фактни ва узлуксизликдан чекиниш сабабларини ёритиши зарур.

Узлуксизлик қоидаси бухгалтерия ҳисоботини юритиш муддати хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият кўрсатиш муддатига мос келиши кераклиги, яъни бухгалтерия ҳисоби субъектни тугатиш ёки банкрот бўлгунига қадар олиб борилиши кераклигини билдиради. Ўз фаолиятини тугатган кундан бошлаб ушбу субъект бухгалтерия ҳисоби юритишни тўхтатади.

3. Хўжалик муомалалари, активлар ва пассивларни баҳолаш. Барча хўжалик муомалари, воқеалар, активлар ва пассивлар ягона, бир турдаги нул баҳосида ўлчаниши керак.

Ўзбекистон Республикасида сўм ва унинг қисми – тийин нул ўлчови ҳисобланади.

4. Ишончлилик. Аҳборот, агар унда жиддий ёки ғайирили хатолар бўлмаса, фойдаланувчилар унга ишонсалар, ишончили ҳисобланади.

Муомалалар ва воқеаларнинг ишончлилиги бирламчи ҳисоб хужжатлари билан тасдиқланиши керак.

5. Эҳтиёткорлик. Эҳтиёткорлик молиявий ҳисоботда активлар ва даромадларнинг баҳоси оширилган ва мажбуриятлар ёки харажатларнинг баҳоси пасайтирилган холда (старли баҳоланмай) кўрсатилишига йўл қўймасликдир.

Ушбу шартга риоя қилиш яширин резервларни хосил қилиш ёки активлар ва даромадларни, мажбуриятлар ва харажатларни атайлаб пасайтириб ёки бўртириб кўрсатиш орқали кўпайтириб таъминлаш хукукини бермайди.

6. Мазмуннинг шаклдан устулиги. Агар хисоб хужжаталри ва молиявий хисоботларда муомалалар ва ходисаларнинг мазмуни ишончли акс эттирилса, унда ушбу ахборот молиявий хисоботда хисобга олиниши ва кўрсатилиши керак.

7. Кўрсаткичларнинг қиёсийлиги. Молиявий ахборотлар фойдали ва мазмунли бўлиши учун хар хил хисобот даврларига қиёсланиши керак. Фойдаланув'илар субъектнинг молиявий хисоботни тайёрлашда фойдаланадиган хисоб сиёсатидан, ушбу сиёсатдаги барча ўзгаришлар ва уларнинг натижаларидан боҳабар бўлишлари керак.

Киёслаш қоидасига риоя этиш учун қуйидаги шартларни бажариш керак:

- барча ахборотларнинг миқдорига нисбатан талаблар;
- хисоботга ушбу йилда тақдим этиладиган ёндашувларнинг ўзгариши билан қиёлаш мақсадида ўтган давр учун ахборот қайта тасниф қилиниши керак;
- агар қайта тасниф қилишнинг мутлақо иложи бўлмаса, унда қайта тасниф қилинганда аниқланиши мумкин бўлган ўзгаришларнинг сабаблари ва хусусиятлари ёритилиши керак.

8. Молиявий хисоботнинг бетарафлиги. Молиявий хисоботнинг ишончли бўлиши учун унда келтирилган маълумотлар аввалдан ғайрли хатолардан холис бўлиши шарт.

9. Активлар ва мажбуриятларнинг хақиқий баҳоси. Активлар мажбуриятларни хақиқий баҳолаш шарти уларнинг таннархи ёки сотиб олинган нархи баҳолаш учун асос бўлишини назарда тутади.

Стандартларда кўрсатилган баъзи бир холларда хақиқий баҳолар сотиб олиш нархидан фарқ қилиши мумкин.

10. Хисобот даври даромадлари ва харажатларининг мослиги. Хисобот даври даромадлари ва харажатларининг мослиги факат ушбу хисобот даврида даромад олишни таъминлаган харажатлар акс эттирилишини билдиради. Агар айрим кўринишдаги харажатлар ва даромадларнинг бевосита боғлиқлигини аниқлаш қийин бўлса, харажатлар бир нечта хисобот даврлари орасида тақсимотнинг бирон-бир тизими асосида тақсимланади. Масалан, атмортизация харажатларига тааллуқли бўлиб, бир неча йилга тақсим қилинади.

11. Тушунарлилик. Молиявий хисоботларда бериләётган ахборот фойдаланувчилар учун оддий ва тушунарли бўлиши керак.

12. Аҳамиятлилик. Молиявий ахборотларнинг аҳамияти шундаки, фойдаланувчиларнинг қарор қилиш ва муомала жараёнида молиявий ва хўжалик фаолиятини баҳолаш, эҳтиёжларини тезкорлик билан қондириш керак.

Ахборотнинг моҳияти ва қиймати унинг аҳамияти даражасига таъсир этиши мумкин.

12.3 Бухгалтерия баланси, унинг тузилиши ва мазмуни

Корхоналарнинг хўжалик маблағлари ҳамма вакт кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида харакатда бўлали ва даврлар бўйича ҳам микдор, ҳам қиймат жиҳатидан ўзгариб туради. Буларнинг хўжалик фаолиятини устидан раҳбарлик қилиш ва бошқариш учун корхона қандай маблағларга эга, уларнинг таркиби ва қаерда жойлашганлиги ҳамда бу маблағлар қандай маблағлардан ташкил топганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар бўлиши зарур. Хўжалик маблағларининг таркиби, жойланиши, харакати ва уларнинг келиб чиқиши манбаларидағи ўзгаришларни бир-бирига солиштириб, маълум бир санага пул ўлчовида умумлаштириб акс эттириш бухгалтерия хисоби усулининг мухим элементларидан бири – баланс ёрдамида амалга оширилади. Баланс ёрдамида хўжалик маблағлари уларнинг холати, мавжудлиги, жойланиши ва ташкил тониш манбалари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлинади. Баланс усулидан факат бухгалтерия хисобидангина фойдаланилади дебтушуниш нотўгридир. Бу усулда режалаштириш, таъминот, статистика хисобида ва оператив хисобда ҳам кенг фойдаланилади. Шунинг учун ҳам баланс усули ёрдами билан маълумотларни умумлаштириш кўп фанларда қўлланиладиган умумий усуллар қаторига киради.

Бухгалтерия хўжалик маблағлари икки томонлама, яъни уларнинг таркиби ва жойланишига ҳамда келиб чиқиши манбаларига кўра акс эттириши хисобга олиниб, баланслар тузилаётганда уларда акс эттирилаётган маълумотлар тенглигига эътибор қилинади. Корхона хўжалик маблағларининг турлари ва

жойланиши ҳамда бу маблағларнинг ташкил топиш манбалари бухгалтерия балансининг икки томонини ташкил қиласди.

Бухгалтерия хисоби бўйича ҳалқаро бухгалтерия стандартларда бухгалтерия баланси баланс хисоботи деб юритилади. Баланс хисоботи корхонанинг маълум санага бўлган ҳолатини кўрсатади. Баланс хисоботи корхонанинг активлари, корхонанинг бошқа хукукий шахслар ва фуқароларга бўлган мажбуриятлари ҳамда акцияли жамият шаклида фаолият қиласидиган корхонанинг акцияли капиталининг тафсилоти билан берилган рўйҳатини кўрсатади. Бухгалтерия баланси баланс деб аталишига сабаб, бу балансда корхона активларининг қийматини, корхонанинг бошқа хукукий шахслар ва фуқароларга бўлган мажбуриятларининг умумий қиймати билан корхонанинг капиталининг умумий қийматига тенг келишигидир. Корхонанинг капитали – бу корхонаи ўзининг активларига эгаигидир. Корхонанинг мажбуриятлари эса – бу муайян корхона активларига унинг кредиторлари томонидан эгаигидир. Баланс хисоботи бўйича корхона активининг қиймати унинг капитали қиймати билан мажбуриятларининг суммасининг ийгиндисига тенг келади.

1997 йил (чорак)лик хисобот учун Ўзбекистон Республикасининг Молия Вазирлигининг 1997 йил 15 январидаги 5-сон буйруги билан тасдиқланган бухгалтерия баланси (форма №1) корхоналар қандай мулкчилигидан қатъий назар ишлатадилар. Бу баланснинг активи қуидаги бўлимлардан иборат:

- Узоқ муддатли активлар.
- Оборот активлари.

Баланснинг пассивидаги бўлимлар қуидагидир:

- Ўзлик маблағларининг манбалари.
- Мажбуриятлар.

Бухгалтерия балансининг иккала томони ҳам бир қанча моддаларга бўлинади. Бу моддаларнинг ҳар қайсиси хўжалик маблағларининг ёки унинг ташкил топиш маблағларининг иқтисодий жиҳатдан бир хил бўлган, лекин ҳар хил мақсадлар фойдаланилаётган кўрсаткичларни акс эттиради. Демак, бухгалтерия балансининг моддаси деб иқтисодий жиҳатдан бир хил бўлган хўжалик маблағларининг маълум тури ёки хўжалик

маблағларининг ташкил топиш манбани балансда алоҳида акс эттирувчи кўрсаткичга айтилади.

Актив томондаги баланс моддаларнинг йигиндиси суммаси пассив томондаги баланс модаларининг йигиндиси суммасига тенг бўлиши шарт.

Баланслар ўзларининг мазмуни ва қандай мақсадга қаратилганлигига қараб дастлабки, ҳисобот ва тугатиш балансларига бўлинади. Корхона ўз фаолиятини бошлашда **дастлабки ёки бошланғич** баланс тузилади. Бундай баланснинг активида корхонанинг ташкил қилинишида берилган хўжалик маблағлари кўрсатилса, пассивда бу маблағлар қандай маблағлардан ташкил топганлиги кўрсатилади.

Ҳисобот баланси корхоналари томонидан ҳар бир ҳисобот даври тугаши билан тузилади. Корхоналар ойлик, чорак ва йиллик ҳисобот балансларини тузадилар. Бу баланслар, одатда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг биринчи кунига бўлган хўжалик маблағлари, уларнинг жойланиши ва ташкил топиш манбаларини гурухлаштирган ҳолда кўрсатади.

Тугатиши баланси корхона тугатилаётган бўлса, шу тугатилиш кунига бўлган унинг маблағларини, уларнинг жойланиши ва ташкил топиш манбаларининг ҳолатини кўрсатиш учун тузилади.

Назорат саволлари.

1. Корхоналарда ҳисобга олишнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтириб беринг.
2. Ҳисобга олишда қандай талаблар қўйилади.
3. Ҳисобга олишнинг қандай кўринишлари мавжуд.
4. Бухгалтерия ҳисобининг қандай усуслари ва тамойиллари мавжуд.
5. Бухгалтерия баланси ҳақида тушунча беринг.

XIII. КОРХОНА (ФИРМА)ЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХҮЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ.

13.1. Турли мулк шаклидаги корхоналарни бошқаришда иқтисодий таҳлилнинг моҳияти, аҳамияти ва вазифаси.

Турли мулкчилик тизимиға асосланган иқтисод бозор механизмининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Унинг субъектлари бўлган корхона ва ташкилотлар, алоҳида олинган, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар мулкининг эгаси ва тасарруф этувчisi сифатида уни тўғри бошқаришдан манфаатдордир. Бу эса, албатта, содир бўлаётган хўжалик жараёнлари ва ҳодисаларни даврий кузатишни, фаолият натижавийлигини батафсил ўрганишни, иқтисодий таҳлил қилишни талаб этади.

Ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш – корхона (фирма), цех эришган натижаларни объектив баҳолаш мақсадида уларнинг ишини комплекс ўрганиш тизимиdir.

Хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш соҳасидаги тадбирлар тизимида иқтисодий таҳлилнинг аҳамияти катта. Фақат корхона (фирма)лар хўжалик фаолияти натижаларини мунтазам ўрганиш, уларнинг имкониятлари ва хусусиятларини ҳар томонлама тадқиқ қилиш, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш ва ишга солиш йўли билангина иқтисодий жиҳатдан асосланган дастурларини ишлаб чиқиш мумкин.

Шу жиҳатдан иқтисодий таҳлил корхона (фирма) фаолиятини бошқаришнинг муҳим воситаси ва қуроли ҳисобланади.

Иқтисодий таҳлил корхона (фирма) фаолиятини ўрганади, эришилган натижа, йўл қўйиладиган камчиликларни ўз вактида кўрсатиб, илғор тажриба ва foяларни умумлаштиради ҳамда иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни келгусида тўғри бошқариш учун замин яратади, чора ва тадбирлар дастурини тайёрлашда муҳим восита бўлиб хизмат қиласди.

Таҳлилда корхона ишлаб чиқариш-тижорат ва молия фаолиятида содир бўлаётган иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг

ўзгариши, ўзгаришларнинг сабаблари, бошқарув ва уни мувофиқлаштириш масалалари ўрганилади. Унинг асосий мақсади корхона хўжалик молият фаолиятига ктисодий ташхис қўйиш, иқтисодий натижавийликни ҳамда молиявий аҳволни яхшилашга қаратилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифалари бўлиб:

- тузилган бизнес-режа ва нормативларнинг илмий ҳамда иқтисодий асосланганлигини ўрганиш, уларнинг бажарилишига тўғри, холисона баҳо бериш;
- ўрганиладиган иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг ўзгариш сабабларини аниклаш;
- меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларни бошқаришдан олинган иқтисодий фойда ва унинг ўзгаришини баҳолаш;
- иқтисодий самарадорликни ошириш юзасидан ички имкониятларни аниклаш, уларни йўлга қўйиш;
- корхона молиявий ҳолатини баҳолаш ва уни бошқариш;
- бизнес фойдаси ва унинг ўзгаришини омилли ўрганиш;
- иқтисодий рейтинг ва унинг кўрсаткичлар тизимини ўрганиш;
- режанинг бажарилишига объектив баҳо бериш ҳамда уни бажаришда корхоналарга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган омиллар ва сабабларни бир биридан ажратган ҳолда аниклаш;
- хўжалик ички резервларини аниклаш;
- корхоналарнинг хўжалик фаолиятида эришиладиган натижаларини олдиндан аниклаш;
- таҳлил натижаларига асосан корхоналарнинг хўжалик фаолиятида содир бўлган камчиликлар ва хатоларни бартараф килишга қаратилган чора тадбирларни ишлаб чиқиш ва энг илфор тажрибаларни татбиқ этиш ва уларни оммалаштириш кабилар ҳисобланади.

Корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлилида амал қилинадиган тамойиллар. Таҳлил қилинча асос қилиб олинадиган бир қатор тамойиллар мавжуд. Бу тамойилларнинг ҳалқаро ва миллий хисоб андозалари асосида куйидаги шаклларини келтириб ўтиш мумкин:

Ишончлилик - олинган маълумотларда хато бўлмаслиги ва хаққоний эканлиги, аниклиги.

Таққосланувчанлик - кўрсаткичларнинг таққосланувчанлиги, уларни бир асосли тарзда турли даврлар ва бошқа корхоналар фаолияти тўғрисидаги худди шундай маълумотлар билан қиёсий ўрганиш.

Бетарафлик – ахборотдан фойдаланувчилар бир гурухнинг зарари ҳисобига бошқа гурухлар манфаатлари қондирилишининг ўринсизлиги.

Даврийлик – олинган маълумотларнинг даврий оралиги, хўжалик фаолияти тўғрисида манфаатдор томонни ахборотлар билан таъминлаб туриш.

Пулли баҳолаш – барча активлар капитал ва мажбуриятларнинг сўмда ифода этилиши.

Ҳисобга олиш – даромад ва харажатларнинг юзага чиқиш вақти, ўрни ва марказлари бўйича ҳисобга олиниши.

Мазмуннинг шаклдан устунлиги – маълумотларнинг ҳисоб ва иқтисодий воқелиги бўйича ҳисобга олишдаги ифодасининг устунлиги.

Аниқ баҳолаш – активлар ва фойданинг бозор нархларида қайта ифодаланиши.

Узлуксизлик – корхонанинг хўжалик фаолияти юасидан барча жараёнларни ўз якунига қадар ҳисобида узлуксиз акс эттирилиши.

Таҳлилнинг комплекс хусусиятига эгалиги ҳамда ўзаро бир бирига узвий равишда боғлиқ иқтисодий кўрсаткичлар тизимининг қўлланиши;

Иқтисодий маълумотларни аналитик жиҳатдан қайта ишлаш жараёнида ўрганиладиган ҳодисаларни туркумлаш ва уларга таъсир кўрсатувчи омилларни микдорий ва сифат белгиларига қараб тасвирлаш;

Таҳлил натижалари асосида илғор тажрибаларни кенг ёйиш ва оммани ишлаб чиқаришни бошқаришга яна ҳам кенг жалб қилиш;

Корхоналарни бошқаришда ҳисоб ва ҳисботларнинг ҳал қилувчи роли ва унинг таҳлилда асосий ахборот манбаи эканлиги.

Комплекс иқтисодий таҳлил. Комплекс иқтисодий таҳлил деганда корхона, бирлашма ва ташкилотлар фаолиятида иқтисодий, социал, экологик, хуқуқий ва ташкилий масалаларни узвий, бир-бири билан боғлиқликда ва боғланишда, бир бутунликда ўрганишга айтилади. Шунингдек, комплекс иқтисодий

тахлил ўрганиладиган ходиса ва жараёнларга тизимий, кетмакетлик ва динамик тарзда ёндашиш ҳамда бунда кўрсаткичлар кўплиги билан характерланади.

Таҳлилнинг комплекслиги ва тизимишлиги жуда кўп ва мураккаб маълумотлардан (иктисодий, технологик, ижтимоий, экологик, хукукий ва х. к.) манба тариқасида фойдаланишда ҳам кўринади.

Таҳлил аввало тўсқинлик қилиш механизмини бартараф килишининг ва иктиносидётнинг сифат жиҳатидан ўсишини таъминловчи муҳим омилдир. Ҳозир корхоналарда хўжалик соҳасидаги жараёнлар сарф харажатларининг, ялпи ёндашувларнинг тазиикидан халос этилмаган, ресурсларни тежаш борасидаги ишлар жуда ҳам секин олиб борилмоқда. Бинобарин, бу масалаларни ечиш борасида иктиносидий таҳлилининг ахамияти бекёёсdir, чунки у иктиносидий ахборотларни йигиб, уларни кайта ишлаб, корхонанинг жорий ва истиқбол режаларини тузишда асос бўлади.

13.2. Таҳлилининг маълумот манбалари ва босқичлари.

Иктиносидий таҳлил қилишнинг асосий манбалари ҳисоб ва ҳисботнинг ҳамма турлари – бухгалтерия, статистика ва оператив-техник ҳисоблар маълумотлари; режа маълумотлари, олдин ўтказилган кузатиш материаллари; маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, меҳнат, кадрлар ва иш хақи режалари, таннарх ва ҳоказолар тўғрисидаги статистик маълумотлар; кундалик маълумотлар (қондирилмаган талабларни хисобга олиш журнallари, таридорлар конференциялари баённомалари, талаб ва таклифлар дафтарлари, йигилиш ва кенгаш карорларива бошқалар) ҳисобланади.

Таҳлил жараёни тўрт босқичдан иборат бўлади: таҳлил дастурини тузиш; таҳлил қилинадиган материалларни танлаш ва тайёрлаш; хўжаликнинг таҳлил қилинадиган даврдаги фаолиятини характерлайдиган кўрсаткичларни ўрганиш; хулоса ва таклифларни ишлаб чиқиш.

Иктиносидий таҳлил кўп қиррали бўлиб, ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятининг барча босқичларида ва ишлаб

чиқаришнинг ҳар бир даражасида резервларни қидириб топишни тақозо этади.

Маълумотларни таҳлил қилишда бир неча усуулар қўлланилади.

Таҳлилнинг асосий усули таққослашdir. Корхона (фирма)ни иқтисодий таҳлил қилишда қўлланиладиган таққослаш усулининг асосий турлари:

Хисобот кўрсаткичларини режа кўрсаткичлари билан таққослаш;

Режа кўрсаткичларини ўтган давр кўрсаткичлари билан таққослаш;

Хисобот кўрсаткичларини ўтган даврдаги кўрсаткичлар билан таққослаш;

Ишнинг ҳар кунги кўрсаткичларни таққослаш;

Корхоналараро таққослаш;

Корхона кўрсаткичларини тармоқнинг ўртacha кўрсаткичлари билан таққослаш;

Корхона кўрсаткичларини илфор корхоналар кўрсаткичлари билан таққослаш.

Бу усуулар иқтисодий жараёнга хос бўлган у ёки бу конуният ва тенденцияларни корхонанинг тармоқдаги эгаллаб турган ўрнини аниқлаш, илфор иш усууларини умумлаштириш ва кенг ёйиш, мавжуд резервларни излаб топиш имконини беради.

Гуруҳлаш усули. Гуруҳлаш деб ўрганилаётган ҳодисалар орасидан у ёки бу белгилари билан характерланадиган гуруҳни ажратишга айтилади.

Таҳлил қилинадиган объектни энг характерли хусусиятларини аниқлаш учун кўрсаткичларни гуруҳлаш усули қўлланилади. Бу усул кузатиладиган объектни сифат жиҳатидан бир хил белгилари бўйича қисмларга бўлиш ҳамда уларни ускуналари ва гуруҳлари бўйича таклиф қилишдан иборат.

Кўпинча таҳлил пайтида режа ва хисобот кўрсаткичларини гуруҳлашдан фойдаланилади. Гурухларга ажратиш ёрдамида хўжалик фаолиятининг муҳим кўрсаткичлари бўйича режанинг бажарилиши ўрганилади.

Маълумотларни гуруҳлаш, одатда, тегишли аналитик жадвалларда кўрсатилади. Бу жадвалларнинг ахамияти шундаки, уларда ўрганиладиган процесс ва воеаларга яққол

характеристика берилади. Зарур таққослашлар чиқариш имкони яратылади.

Жамлаш (сводка) усули. Жамлаш ёрдамида хар хил омилларнинг бир кўрсаткичга умумий таъсирини кўриш мумкин.

Масалан, бу усул орқали маҳсулот чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигини ўстириш, танинархни пасайтириш, фойда ва рентабелликни ошириш ва ҳоказо кўрсаткичларга бир қатор факторларнинг умумий таъсирини ўрганиш мумкин.

Абсолют ва нисбий микдор. Абсолют микдорлар ёрдамида иқтисодий ҳодисаларнинг размерлари (микдори, ҳажми) характеристланади. Нисбий микдорлар режанинг бажарилиш даражасини, ишлаб чиқарышнинг ривожланиш суръатини характерлаш учун ишлатылади. Нисбий микдорнинг айрим формаси – проценттир. Бунда база микдори бирга эмас 100 га тенг деб қабул қилинади.

Иккита бир хил кўрсаткичларни солишириш натижасида, топилган микдор – коэффициенттир. Бунда булардан бири бирга тенг деб қабул қилинади.

Ўртача микдор усули. Ўртача микдор бу бир турдаги кўрсаткичларнинг турили хил индивидуал микдорларини умумлаштирувчи микдор характеристикасидир.

Ўртача микдорлардан фойдаланмасдан туриб таҳлил қилинадиган объектдаги хўжалик фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш мумкин эмас.

График усули. Бу метод рақамли микдорлар ва уларнинг нисбатини шартли равишда тасвирилашдан ибораттир. Иқтисодий таҳлилда графикларнинг деярли барча турлари қўлланилади. Графиклар воқеаларнинг структурасини, даражасини, динамикасини ва ривожланиш суръатини кўрсатишида қўлланилади.

Таҳлил қилишнинг муҳим усули балансли боғланишdir. Бу усул мунтазам кўрсаткичларнинг айрим элементларини ўзаро боғлаган ҳолда ўрганиш, бир элементнинг иккинчисига таъсирини ва ҳар бир элементнинг таҳлил қилинадиган кўрсаткичга таъсирини кўрсатиш имконини беради.

Хозирги пайтда саноат корхона (бирлашма)ларида хўжалик фаолияти таҳлилининг бошқа иқтисодий математик усул ва усуллари кенг ёйилмоқда.

Корреляцион таҳлил воқеалар орасида (агар бу воқеаларға таъсир қиласынан умумий сабаблар бўлса) алоқа ўрнатиш ёки унга турли даражада таъсир кўрсатадиган маълум воқеа ва омиллар орасидаги алоқаларни аниқлаш имконини беради.

Хозирги вактда ишлаб чиқариш дастурини бажарилишининг боришини кундалик назорат қилишга муҳим аҳамият берилмоқда. Кундалик назорат корхона (фирма)га тезкор (оператив) раҳбарлик қилишнинг ажralmas қисмидир. Кундалик назоратда турли хил тезкор маълумотлар ва кузатув материалларидан фойдаланилади.

Шундай қилиб, корхона (фирма) нинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш факат дастурнинг бажарилиши даражасини аниқлаш билан чегараланмаслиги керак, таҳлил энг аввало таъсирчан бўлиши лозим. Аниқланган камчиликларни бартараф қилиш йўлларини кўрсатиш, фойдаланилмаган ресурс ва резервларни кўрсатиб бериш, корхона (фирма) ишининг самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий қилиш кабилар унинг вазифасидир.

13.3. Хўжалик шартномалари асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини таҳлил қилиш.

Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни сотиш таҳлили вазифалари. Жамият эҳтиёжини янада тўлароқ кондириш учун зарур бўлган моддий неъматларни ишлаб чиқариш асосан саноат корхоналарининг зиммасига тушади.

Тула хўжалик ҳисоби, ўз ҳаражатларини ўзи қоплаш ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш асосида корхона фаолиятини бошкариш замонавий хўжалик механизмини вужудга келтириш бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамиятга эга. Бундай механизм корхонани ривожлантириш учун таъсирчан ички омилларни таъминлайди, истеъмолчи учун ишлашга, ресурсларини бутун чоралар билан тежашга, фан ва техника ютукларини кенг куллашга унрайди. Бу механизм корхона манфаатини жамият манфаати билан уйғун ва чамбарчас боғлаб олиб бориши лозим.

Назорат рақамлар корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулотга ижтимоий эҳтиёжларни, ишлаб чиқариш самарадорлигининг энг қўйи даражаларини акс эттириши керак. Бу рақамлар директив тусда бўлмаслиги, меҳнат жамоасини режани ишлаб чиқиш

чогида қисиб қўймаслиги, ҳужалик шартномаларини тузишда шерикларни танлаш учун кенг имкониятлар бериши керак, буюртмалар ва шартномаларнинг бажарилиши, корхоналар фаолиятига баҳо беришда ҳамда меҳнат жамоасини моддий рефбатлантиришда энг асосий бўлиб қолиши лозим.

Узоқ муддатли барқарор иктисодий нормативлар бюджет билан ўзаро муносабатларини, меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ва иктисодий рағбатлантириш фонdlари тузилишини белгилайди ҳамда нархлар, кредит учун фоизлар тўлашда қўлланилади.

Лимитлар – тармоқлағаро ишлаб чиқаришни ривожлантириш, давлат режасига киритилган объектлар, қурилиш-монтаж ва пудрат ишлари хажмлари, марказлаштирилган тартибда тақсимланадиган материал ресурслар рўйхатига мувофиқ янги қурилиш ва айниқса мухим капитал маблағлари микдорини белгилайди.

Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишда таҳлилнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича белгиланган режа топшириқларининг тифизилигини текшириш;
- корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши ва ўзгаришининг ҳажми, таркиби, номенклатураси, ассортименти, сифати бўйича ва бир текисда ишлаб чиқаришга баҳо бериш;
- ўтган йилга ҳамда беш йилликнинг бошланишига нисбатан режанинг бажарилишидаги фаркни ва унинг сабабларини аниклаш;
- тузилган шартнома мажбурияти асосида маҳсулотни етказиб бериш бўйича сотиш режасининг бажарилишига баҳо бериш;
- маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотишни амалга ошириш бўйича резервларни аниклаш ва унинг таркиби ҳамда сифатини яхшилаш кабилар.

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси – корхоналар ўртасида тузиладиган битим. Бунда маҳсулот етказиб берадиган корхона харидор корхона ўзаро көлишилган ассортиментдаги, микдор ва сифатидаги маҳсулотни ўз муддатида топшириш мажбуриятини, харидор эса уни қабул қилиш ва хақини тўлаш мажбуритини ўз зиммасига олади.

Шартнома интизомига риоя қилиш иқтисодиётнинг баланслашуви, халқ хўжалигининг нормал фаолият кўрсатиши, корхонанинг бир маромда ишлаши, унинг самарадорлигини оширишнинг зарур шартидир ва ниҳоят хўжалик механизмининг такомиллаштиришнинг энг муҳим омилидир.

Сотиш хажмидаги шартнома мажбуриятларига риоя қилиш режасининг бажарилишини таҳлил қилиш учун керакли маълумотлар йиллик ҳисоботнинг 1-м «Корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича йиллик ҳисоботи» номли формасидан олинади. (2-жадвал).

Жадвалдан кўринишича, сотиш хажми бўйича режа 104, 2 фоизга ($98246 \times 100\% / 94260$) бажарилгани холда тузилган шартнома мажбурияти бўйича режа эса 98, 8 фоизга бажарилади.

Шартнома мажбурияти бўйича режанинг бажарилишини аниқлаш учун режа ҳажмдаги сотиш суммасидан етказиб берилмаган маҳсулотларнинг суммаси чиқарилади ва сотиш ҳажмининг режа даражасига бўлинади.

2-жадвал

Тузилган шартнома мажбурияти бўйича истеъмолчиларга мол етказиб бериш режасининг бажарилишини таҳлил қилиш
(минг сум ҳисобида)

Давр	Режа бўйича сотиш ҳажми	Етказиб берилмаган маҳсулот микдорининг усиб бориши	Сотиш режасининг шартнома мажбуриятини ҳисобга олган холда бажарилиши	
			Суммаси	Фоиз хис.
I квартал	21065	-240	20825	
II квартал	21070	-230	20840	
I-ярим йиллик	42135	-475	41660	
III квартал	21060	-260	20800	
IV квартал	31065	-370	30695	
Жами	94460	-1100	93160	98, 8

Таҳлил килинаётган корхона истеъмолчиларга маҳсулотларнинг айрим тури бўйича 1100 минг сумлик маҳсулот етказиб бермади. Демак, бу ҳолда шартнома мажбурияти режаси 98,8 фоизга бажарилди, яъни:

$$\frac{94260 - 1100}{94260} = \frac{93160}{94260} = 98,8\%$$

13.4. Ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишига таъсир килувчи омиллар ва уларнинг таҳлили.

Товар маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича режанинг бажарилиши кўнгина омилларга боғлиқдир. Кўпинча улар қармақарши йўналишда харакат қилиб маълум миқдор ва сифат ўзгаришларига олиб келади. Шунинг учун товар маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича режанинг бажарилишига таъсир килувчи омилларни таҳлил қилиш жараёнини осонлаштириш мақсадида улар маълум иқтисодий белгиларга асосан уч гуруҳга умумлаштирилади:

1. Мехнат омиллари. Бу омиллар таркибига корхонанинг иш кучи билан таъминланиши, иш вактидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги каби масалалари киради.

2. Мехнат воситаси омиллари. Буларга корхоналарнинг асосий фондлар билан қай даражада таъминланганлиги, асосий фондларнинг хажми, тузилиши, ўсиш суръатлари, техник ҳолати ва улардан фойдаланиш смарадорлиги сингари масалалари киради.

3. Мехнат буюмлари омиллари. Буларга корхонанинг хом ашё ва материаллар билан қай даражада таъминлаганлиги, яъни моддий-техника таъминотининг ҳолати ва моддий ресурслардан фойдаланиш самараси (материаллардан олинадиган самара, материаллар сифими) каби масалалари киради.

Юкорида санаб ўтилган омиллар ўзига хос мустақил маънога эга бўлиши билан бирга ўзаро бир-бири билан узвий равишда боғлангандир. Бинобарин, бу омилларнинг таъсирини механик тарзда бир-бирига асло ўшиб ҳам бўлмайди. Масалан, меҳнат унумдорлигининг ўсиши ишчиларнинг малакасига ва уларнинг иш вактидан самарали фойдаланишга боғлиқ (мехнат омиллар). Мехнат унумдорлиги эса ишлаб чиқариш

кувватларидан фойдаланиш даражасига (мехнат воситалари) хамда моддий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишга (мехнат буюмлари) боғлиқ.

Аввал ҳар бир омиллар гурухи алоҳида—алоҳида ўрганилади. Сўнгра учала омиллар гурухини тахлил қилиш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш борасидаги йифма резервлар тўғрисида умумий хулоса берилади.

Хар бир омиллар гурухи ўз навбатида миқдор ва сифат кўрсаткичга бўлинади. Миқдор кўрсаткичи ресурсларининг мавжудлиги кўрсатса, сифат кўрсаткичи баҳолашни билдиради. Аввал, миқдор, сўнгра сифат кўрсаткичларининг таъсир қилувчи омилларни хисоблашда куйидаги формуладан фойдаланилади: миқдор омилларда бўлган фарқ (ўзгариш) сифат кўрсаткичининг режа даражасига кўпайтирилади, сифат омилларида бўлган фарқ эса миқдор кўрсаткичининг ҳақиқий даражасига кўпайтирилади.

13. 5. Маҳсулотни сотиш дастурининг бажарилишига таъсир қилувчи омилларни тахлил қилиш.

Корхонани ҳажм кўрсаткичларига сотиш, товар маҳсулот ва норматив соф маҳсулот киради. Бу кўрсаткичларни таҳлил қилиш учун керакли маълумотлар йиллик ҳисботнинг 1-м, 2-м шаклларидан олинади (5-жадвал).

Жадвалдан кўринишича, корхона жорий йилда барча ҳажм кўрсаткичлари бўйича режани ошириб бажаради. Бунда ушбу кўрсаткичлар бўйича режани бажарилиши турлича. Агар соф маҳсулот бўйича режа 1-фоиз ортиқ бажарилган бўлса, у холда товар маҳсулот бўйича эса 6 фоиз ортиқ бажарилган. Демак, корхона жорий йилда кўпроқ материал талаб маҳсулот ишлаб чиқарган.

Куйидаги жадвалдан яна шу нарса кўринадики, сотиш ҳажми бўйича режа 3986 минг сум ёки 4, 2 фоиз ортиқча бажарилган. Сотиш ҳажмининг мутлоқ ўсишига икки омил таъсир кўрсатади: 1) Товар маҳсулотнинг режага нисбатан 5537 минг сум (99797-94260) кўп ишлаб чиқарилиши; 2) Сотиш ҳажми бўйича ўсиш суръатининг ўзгариши.

Бу омилнинг таъсири баланс усулида аникланади, яъни $(3986-5537)=1551$ минг сўм. Демак, сотиш суръати пасайган.

Шундай қилиб икки омилнинг таъсири 3986 минг сўмга (5537)-(1551)=3986, яъни сотиш ҳажмида бўлган фарқга тенг.

Ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотнинг бир-бирига боғлиқлигини текшириш учун товар балансини тузиш керак. Уни қўйидаги формула орқали ифода қилиш мумкин:

$$T_1 + M = P + T_2$$

Бу ерда: T_1 – сотилмаган маҳсулотларининг йил бошига бўлган қолдиги;

З-жадвал

Товар маҳсулот, сотиш ва норматив соғ маҳсулот бўйича режанинг бажарилиши ва ўсиш суръати (минг сум)

№	Кўрсаткич лар	Ўтган йилдаги ҳақиқи й сумма	Жорий йилдаги режа суммаси и бўйича	Жорий йилдаги ҳақиқий суммаси.	Режага нисбата н мутлок фарқ (+, -)	Режанинг бажарилиши (% ҳисобида)
1.	Сотиш ҳажмининг режада берилган корхона улгуржи баҳоси.	89655	94260	98246	+3986	104, 2
2.	Товар маҳсулотнинг режада берилган корхона улгуржи баҳоси.	89655	94260	99797	+5537	105, 9
3.	Товар маҳсулотнинг ўзгармас (барқарор) 1.1.82. га бўлган	89837	94500	100091	+5591	106, 0

	корхона улгуржи баҳоси.					
4.	Норматив соғ маҳсулот	21620	23800	24035	+235	101, 0

P – жорий йилда сотилган маҳсулотнинг ҳажми;

M – жорий йилда ишлаб чиқарилган товар маҳсулотнинг ҳажми;

T_2 – сотилмаган маҳсулотларнинг йил охирида бўлган қолдиги.

Сотиш ҳажмининг ўзгаришига товар маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотилмаган маҳсулотнинг ўзгариши ҳам таъсири килади. Энди юқорида берилган тенглиқдан сотиш жараёнини қуидагича ифода этиш мумкин:

$$P = T_1 + M - T_2$$

Ушбу боғланишни таҳлил қилиш учун қуидаги жадвални ҳавола қиласиз (б-жадвал)

4-жадвал

Сотилмаган маҳсулотнинг ўзгаришининг сотиш ҳажмига таъсири (минг сўм ҳисобида)

№	Кўрсаткичлар	Режа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи	Сотиш ҳажмига таъсири (+, -)
1.	Сотилмаган маҳсулотларнинг йил бошига бўлган қолдиги	6247	6252	+5	+5
2.	Сотилмаган маҳсулотларнинг йил охирига бўлган қолдиги	6247	7803	+1556	-1556
3.	Товар маҳсулот	94260	99797	+5537	+5537

4.	Сотилмаган маҳсулот ҳажми (1-қатор –2 – қатор + 3 – қатор)	94260	98246	+3986	+3986
----	--	-------	-------	-------	-------

Ушбу жадвалдан кўринишича, сотиш ҳажмининг режа ва ҳақиқий суммаси товар маҳсулот ва сотилмаган маҳсулотнинг қолдик суммаси билан ўзаро боғланган экан.

Назорат саволлари.

1. Иқтисодий тахлилнинг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
2. Турли мулк шаклидаги корхоналарни бошқаришда иқтисодий тахлилиниң қандай ўрни бор?
3. Корхоналар фаолиятини иқтисодий тахлил қилишда қандай тамойилларга амал қилинади?
4. Комплекс иқтисодий тахлил деганда нимани тушунилади?
5. Иқтисодий тахлил қилиш маълумотларининг манбаларини кўрсатинг.
6. Тахлил жараёнлари босқичларини таърифлаб беринг.
7. Маълумотларни тахлил қилиш усулларини ёритиб беринг.
8. Махсулотни ишлаб чиқариш ва сотишнинг тахлилиниң вазифалари нималардан иборат?
9. Корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми дастурини бажарилиши қандай тахлил қилинади?
10. Махсулот ишлаб чиқариш дастурига қандай омиллар таъсир этади?
11. Махсулот сотиш дастурининг бажарилишига таъсир этувчи омиллар тахлил қилишни шарҳлаб беринг.

ТАЯНЧ СҮЗЛАР

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КООПЕРАЦИЯЛАШ – узок муддатли, рационал ишлаб чиқариш алоқалари формаси бўлиб, бундай алоқалар ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида вужудга келади ва ихтинослаштирилган корхоналар ўртасида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида ўрнатилади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ – конкрет социал иктиносидий шароитларда жонли меҳнатни ишлаб чиқаришнинг моддий элементлари билан самарали қўшиш соҳасидаги тадбирлар комплекси.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РЕЗЕРВЛАРИ – ресурслардан яхшироқ фойдаланиш эвазига ўстиришнинг маҳсулот ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилашнинг корхона ички имкониятлари.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ – унинг маҳсулдорлиги, ишлаб чиқариш фаолияти натижалари билан уларга эришиш учун сарфланган меҳнат ва моддий ресурсларнинг ўзаро нисбати.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УСУЛИ – ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш воситалари бирлиги.

ИКТИСОДИЙ АНАЛИЗ – тармоқлар, бирлашмалар, корхоналар ҳамда ишлаб чиқариш ички бўлинмаларнинг ишлаб чиқариш – хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тузиш ва қайта ишлаш методлари мажмуаси бўлиб, бу методлар улар ишининг натижаларини илмий асосланган тарзида баҳолаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш резервларини аниқлаш имконини беради.

МАҲСУЛОТ СИФАТИ – маҳсулотнинг ўз вазифасига мувофиқ муайян хусусий ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондира олиш қобилиятини таъминловчи умумий хоссаси.

МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ – буюмлар сифатининг халқ хўжалик нуқтаи назаридан оптимал даражасига эришиш мақсадида ишлаб чиқаришга планли равишда таъсир кўрсата бориш жараёни.

МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ФОНДИ – тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказилган корхона меҳнат коллективи ходимларига меҳнат натижалари учун барча тўловларни ягона манбай.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВИНинг КЕНГАШИ (корхона ёки бирлашманинг) – меҳнат коллективининг умумий йигилиши (конференцияси) да сайланадиган хамда йигилишлар ўртасидаги даврда унинг ваколатини бажарадиган бевосита ўз-ўзини бошқарув органи.

МЕҲНАТНИ ИЛМИЙ ТАШКИЛ ЭТИШ (МИТ) – меҳнатни фан ютуклари ва ишлаб чиқаришнинг илфор тажрибаси асосида рационал ташкил этиш.

МЕҲНАТНИ КООПЕРАЦИЯЛАШ – меҳнат фаолиятини бирлаштириш формаси бўлиб, бунда кўп кишилар бир-бири билан ўзаро ҳамжиҳатликда ишлаб чиқаришнинг битта жараёнида ёки ўзаро боғлиқ бўлган жараёнларида ишлайдилар.

МЕҲНАТНИ НОРМАЛЛАШТИРИШ – маҳсулот бирлигини тайёрлаш учун кетадиган меҳнат сарфи ёки вақт бирлигида маҳсулот ишлаб чиқариш нормалларини белгилаш.

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ – мамлакат ахолисининг халқ хўжалигида ишлаш учун жисмоний ва маънавий қобилиятларини, умуттаълим ва хунар билимларини ўзида жамлаган қисми; мамлакат иқтисодий потенциалининг энг муҳим элементи.

МЕҲНАТ СИФАТИ – меҳнатнинг мураккаблик, тифизлик ва халқ хўжалиги ахамияти даражаси М. с. га меҳнат шароитлари: унинг жозибалилиги, оғирлиги, соғлиқ учун заарли бўлган технологик жараёнларнинг мавжуучиги ҳам таъсир қиласи. М. с. меҳнаткашларнинг умумий билим, маданий ва техникавий савијаси, уларнинг малакаси ўсган сари ошиб боради.

МЕҲНАТ ХИССАСИ (МЕҲНАТДА ИШТИРОК ЭТИШ) КОЭФФИЦИЕНТИ (МҲК) – ҳар бир ишловчи умумий натижага қўшган меҳнат ҳиссасига умумлаштирилган тарзда микдорий баҳо бериш бўлиб, меҳнатга колектив хақ тўлашда қўлланилади.

МИЛЛИЙ БОЙЛИК – жамият имтиёзидаги меҳнат билан яратилган ва жамғарилган. Моддий неъматлар мужассами.

МОДДИЙ ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ – кончилик саноати ва геология қидирув ишлари ва ташкилотларни хом ашё, материаллар сотиб олинадиган ярим фабрикатлар, ишлаб чиқаришда ва ишлаб чиқаришдан ташқари сарфлашга мўлжалланган тайёр буюмлар билан планли равишда таъминлаш жараёни.

ПАТЕНТ-ЛИЦЕНЗИЯ ФАОЛИЯТИ – корхоналар, илмий тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, илмий ишлаб

чиқариш бирлашмалари ахборот соҳасидаги фаолиятнинг таркибий қисми бўлиб, у патент ёки лицензия битимларига сабаб бўла оладиган илмий-техникавий ечимларни аниқлашдан иборатdir.

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛИК – корхона ёки ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган янги техникавий ечимларни ишлаб чикиш.

РЕНТАБЕЛЛИК – корхоналар хўжалик ҳисоби фаолиятининг кўрсаткичларидан бири, у маълум вақт (йил, квартал) давомида ишлаб чиқариш фаолиятининг фойдалилиги (зараарлилиги) кўрсаткичи. Ишлаб чиқариш Р. билан маҳсулот Р. фарқланади. Ишлаб чиқариш Р.: а) умумий баланс фойдасининг асосий ишлаб чиқариш фондлари ва нормаллаштириладиган оборот маблағларининг йиллик ўртacha қийматига нисбати; б) ҳисоб-китоб – баланс фойданинг фондлари учун тўловлар, белгиланган тўловлар ва банк кредити учун тўловларни чиқариб ташлангандан кейингина асосий ишлаб чиқариш фонdlари ва нормаллаштириладиган оборот маблағларга нисбати ҳисобланади.

САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПЕРСОНАЛИ – бевосита ишлаб чиқаришда қатнашадиган, шунингдек, ишлаб чиқариш бирлашмаларида (комбинатларда), саноат корхоналарида ишлаб чиқариш фаолиятига хизмат кўрсатиш билан банд бўлган ходимлар.

СЕРИЯЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ – ишлаб чиқариш типи бўлиб, унда маълум вақт оралиғида бир хил маҳсулотлар серияларини (ёки бир хил деталлар партияларини) тайёрлаш тақрорланади.

СМЕНАЛИЛИК КОЭФФИЦИЕНТИ – ускунадан фойдаланишининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири. Ҳар бир ускуна (станок, агрегат, линия) кун, ой, квартал ёки йил давомида ўрта ҳисобда қанча смена ишлаганилиги кўрсатади.

ТАЖРИБА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ – янги маҳсулот турларини ёки технология жараёнларини яратишнинг муҳим босқичи, тажриба-конструкторлик ёки илмий тадқиқот ташкилотлари фаолиятининг асосий турларидан бири.

ТАЖРИБА СТАТИСТИК МЕЪЁР - оператив ва статистик ҳисобга олиш маълумотлари бўйича ҳамда бу нормани белгиловчи шахс тажрибаси асосида белгиланган меҳнат нормаси. Т, -с. н. экспорт баҳоси асосида, илгари амал қилиб келган

нормаларга ёки амалдаги харажатларга қиёсан, амалдаги умумий вакт сарфии ёки меңнат унумини ўлчаш маълумотларига қараб белгиланади.

ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ – ишлаб чиқариш жараёнини узлуксиз қайтариб, доимо такрорлаб туриш; моддий неъматлар, ишчи кучи ва ишлаб чиқариш муносабатларини Т.и.ч. ўз ичига олади. Оддий Т.и.ч. ва кенгайтирилган Т. и. ч. фарқланади. Оддий Т.и.ч. да ишлаб чиқариш жараёни кўламлари ўзгармоган холда такрорланаверади. Кенгайтирилган Т.и.ч. да ишлаб чиқариш жараёни кенгайиб борадиган кўламларда давом этади. Кенгайтирилган Т.и.ч. да қўшимча маҳсулотнинг маълум бир қисми ишлаб чиқарышни мунтазам равишда кенгайтириш ва техник жиҳатдан такомиллаштириб боришига сарфланади.

ТАРИФ КОЭФФИЦИЕНТИ - тариф системасининг тариф сеткасини характерловчи элементи. Ўз мөҳиятига кўра у ёки бу разряд тариф ставкасига бўлган нисбатидир.

ТАРИФ-МАЛАКА МАЪЛУМОТНОМА – ишларни тарификация қилиш ва ишчиларга малака разрядлари бериш учун фойдаланиладиган норматив хужжат.

ТАРИФ РАЗРЯДИ - бажариладиган ишнинг мураккаблигини ва ишчининг малака даражасини характерловчи кўрсаткич. Тариф сеткасининг асосий элементларидан биридир.

ТАРИФ СЕТКАСИ – биринчи, иккинчи, учинчи ва ундан кейинги разрядлардаги ишчилар тариф ставкаларининг биринчи разряд тариф ставкасига бўлган нисбатини белгиловчи шкала. Т. с. тариф системасининг элементи ҳисобланади.

ТАРИФ СИСТЕМАСИ – нормативлар мажмуаси бўлиб, давлат уларнинг ёрдамида тармоқлар ва мамлакат регионлари бўйича, уларнинг халқ хўжалигидаги аҳамиятига мувофиқ, шунингдек, айrim тармоқлар ичига ишлаб чиқариш турига ҳар хил категориядаги ходимларнин. малака белгилари, меңнат характери ва шароитларига қараб ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақи дарajasини тартибга солиб туради. Т. с. тариф ставкалари, тариф сеткалари, тариф-малака справочниклари ва иш ҳақига доир район коэффицентларини ўз ичига олади.

ТАРИФ СТАВКАСИ – тегишли разряддаги ишчининг бир соат ёки бир кун ичидаги меҳнатига тўланадиган хақ микдори.

ТАШКИЛИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ТАДБИРЛАР ПЛАНИ – ишлаб чиқарышни ва меҳнатни ташкил этишни

такомиллаштириш, янги техника ва технологияни, фан-техника ютукларини ишлаб чиқаришга жорий этиш соҳасидаги планли тадбирлар системаси; корхона төхпромфинпланнинг таркибий қисмидир.

ТЕРРИТОРИАЛ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМПЛЕКСИ (ТИЧК) – муайян территорияда тўплланган ва унинг ресурсларидан комплекс фойдаланадиган, иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғлиқ, пропорционал ривожланадиган ишлаб чиқаришлар мажмуаси.

ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁН – саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда амалга ошириладиган ҳом ашё, материаллар, ярим фабрикатлар ёки буюмларни олиш, ишлаш ёки қайта ишлаш йўллари ва усуллари.

ТУГАЛЛАНМАГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ – ишлаб чиқариш жараёнининг турли босқичларини ўтаётган, ҳали тугал тайёрлаб битказилмаган маҳсулот. Т. и. ч. оборот маблағларининг асосий элементларидан биридир. Т. и. ч. нинг хажми ва состави ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида бир хилда эмас ҳамда буюмнинг ва ишлаб чиқариш жараёнининг характеристига, ишлаб чиқариш циклининг давомийлигига ва ишлаб чиқариш харажатларининг микдорига боғлиқдир.

ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ – мъълум календарь муддат (йил, квартал) ичida маҳсулот тайёрлаш ва реализация қилиш учун корхона харажатларининг тўла йигиндиси бўлиб, у сарф-харажатларнинг иқтисодий элементларига кўра тузилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Асосий:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмокда.- Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Абдуллаев Ё. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил. Мехнат, 2001.
4. Алимходжаев С.Р., Соатов Н.Х. Кончиллик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. 1996.
5. Борисович В. Т. и другие Организация и планирование геологоразведочных работ. М.: Недра, 1993.
6. Мескон М., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента. М: Недра, 2002.
7. Раицкий К.А. Экономика предпринятия. М: Юнити. 2000.
8. Саноат ишлаб чиқариш иқтисодиётини ташкил қилиш, режалаштириш. Ўзбекистон, 1989 йил.
9. Шоёкубов Т.Ш. Минерально-сырьевая база Республики Узбекистан и проблемы ее развития. //Геология минеральные ресурсы Узбекистана. 1999, 1 сони. Ҳалқ сўзи, 18. 02. 03. N40

Қўшимча:

1. Бизнес-план. Методические материалы под редакцией проф. Р.Г. Макиловского; М.: 1995.
2. Котлер Ф. Менеджмент организаций. Учебное пособие. М.: 1996.
3. Солиев А., Хўжахонов Ҳ. Иқтисод, бухгалтерия ҳисоби ва аудити. -Т.: Мехнат. 1999.
4. Кодиров А.М. ва бошқалар. Кичик корхона қандай тузилади? Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти ва унга шарҳ. Т.: Молия. 1999.

МУНДАРИЖА

	Бет
СЎЗ БОШИ	3
КИРИШ	5
1. Кончилик саноатининг мамлакат итисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти.	5
2. Курснинг предмети, объекти ва вазифалари.	9
I. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА КОНЧИЛИК САНОАТИ ВА ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИДА КОРХОНАЛАР ВА ФИРМАЛАР.	12
I.1. Корхона ва фирмалар тўғрисида умумий тушунчалар.	12
I.2. Кончилик ва геология-қидирув ишларида мулкчилик шаклига кўра корхона ва фирмаларнинг турлари.	14
I.3. Кичик корхоналар.	16
I.4. Кўшма корхоналар..	17
I.5. Давлат геологик корхоналари.	20
II. КОНЧИЛИК ВА ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.	24
2.1. Кончилик саноати ва геология-қидирув ишларида ишлаб-чиқариш жараёнларининг тавсифи ва таснифи.	24
2.2. Ишлаб чиқариш жараёнларининг таркибий кисмларга бўлиниши.	26
2.3. Ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг қоидалари ва вазифалари.	29
2.4. Кончилик саноати ва геология-қидирув ишларида корхона ва фирмаларнинг ташкилий тузилиши.	35
III. КОНЧИЛИК ВА ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИДА ИШ ТАРТИБИНИИ (РЕЖИМИНИ) ТАШКИЛЛАШТИРИШ.	38
3.1. Иш тартиби ҳақида умумий тушунча.	38
3.2. Йиллик ва суткалик иш тартиблари.	38
IV. КОНЧИЛИК ВА ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИДА АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.	47
4.1. Кончилик саноатида асосий ишлаб чиқаришни ташкил этиш.	47
4.2. Геология-қидирув ишларида асосий ишлаб чиқаришни ташкил этиш.	58

V. КОНЧИЛИК ВА ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИДА ЁРДАМЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ	61
5.1. Кончилик саноати ва геология-қидирув ишларида энергия хўжалигини ташкил қилиш.	61
5.2. Кончилик саноати ва геология-қидирув ишларида таъмирлаш ишларини ташкил қилиш.	66
5.3. Кончилик саноати ва геология-қидирув ишларида ички транспортни ташкил қилиш.	71
VI. КОНЧИЛИК ВА ГЕОЛОГИЯ – ҚИДИРУВ ИШЛАРИДА ТАБИЙ РЕСУРСЛАР, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВОСИТАЛАРИ ВА МЕҲНАТ ПРЕДМЕТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ	74
6.1. Кончилик саноати ва геология қидирув ишларида табиий ресурслар ва ишлаб чиқариш востилари билан таъминлашнинг аҳамияти.	74
6.2. Кончилик саноати ва геология қидирув ишларида моддий-техника таъминоти режаси.	76
6.3. Моддий ресурсларга бўлган талабни аниқлаш ва уларнинг номенклатураси.	77
6.4. Корхоналарда моддий-техника таъминоти жараёнини ташкил этиш.	79
VII. КОНЧИЛИК ВА ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИДА МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ	81
7.1. Маҳсулот сифати тўғрисида тушунча, унинг кўрсаткичлари ва сифатни оширишнинг аҳамияти.	81
7.2. Маҳсулот сифатини бошқариш.	82
7.3. Маҳсулот сифатини оширишни йўналишлари.	84
7.4. Маҳсулот сифати оширилишини моддий рағбатлантириш.	86
7.5. Техник назоратни ташкил этиш.	88
VIII. МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ВА МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ.	90
8.1. Меҳнат ресурслари ҳакида умумий тушунча.	90
8.2. Меҳнатни ташкил этишни усувлари ва уларни қўлланиш шарт-шароитлари.	92
8.3. Меҳнат ва дам олиш тартиби.	95

IX. КОНЧИЛИК ВА ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИДА МЕҲНАТНИ ТЕХНИК МЕЬЁРЛАШТИРИШ	97
9.1. Меҳнатни техник меъёрлаштириш ҳақида умумий тушунча.	97
9.2. Меёрлашнинг мазмуни ва вазифалари.	98
9.3. Меҳнат ва вақт меъёrlарини аниқлаш услуби.	99
9.4. Иш вақтини ўрганиш ва иш вақти сарфининг таснифи.	102
X. КОНЧИЛИК ВА ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ КОРХОНАЛАРИДА ИШ ҲАҚИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ. . .	107
10.1. Иш ҳақини ташкил этишнинг моҳияти ва асосий тамойиллари.	107
10.2. Тариф тизими ва унинг элементлари.	109
10.3. Иш ҳақи шакли ва тизими.	114
10.4. Кончилик саноати ва геология-қидирув ишларида кўшимча иш ҳақи тўлаш турлари.	117
XI. КОНЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ДАСТУРИНИ ВА МАРКЕТИНГ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.	118
11.1. Кончилик корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш дастури ва маркетинг хизматини ташкил этиш.	118
11.2. Ишлаб чиқаришнинг техник ва ижтимоий ривожланиши дастурини тузиш.	120
11.3. Корхоналарда ишлаб чиқариш харажатларини сметасини тузиш.	121
11.4. Корхоналарда ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш йўллари.	122
XII. КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШДА ХИСОБГА ОЛИШ.	125
12.1. Корхона ишларини хисобга олиш.	125
12.2. Бухгалтерия ҳисоби, усуслари ва тамойиллари. . .	129
12.3. Бухгалтерия баланси, унинг тузилиши ва мазмuni. .	135
XIII. КОРХОНА (ФИРМА)ЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАХЛИЛ ҚИЛИШ.	138
13.1. Турли мулк шаклидаги корхоналарни бошқаришда иқтисодий тахлилнинг моҳияти, ахамияти ва вазифаси. . .	138
13.2. Тахлилининг маълумот манбалари ва босқичлари. . .	141

13.3. Хўжалик шартномалари асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш хажмини тахлил қилиш.	144
13.4. Ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишига таъсир килувчи омиллар ва уларнинг тахлили.	147
13.5. Маҳсулотни сотиш дастурининг бажарилишига таъсир қилувчи омилларни тахлил қилиш.	148
ТАЯНЧ СЎЗЛАР.	152
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.	157

Алимходжаев Собир Рахимович

Сайдахмедов Ҳикматилла Маҳкамович

Ибрагимова Саодат Абдумўмӯновна

Кончилик саноати ва геология – қидирув ишларини ташкил
қилиш.

Мухаррир: М. Ҳасанова

Босишга руҳсат этилди 18.06.2003 й.. Бичими 60x84 1/16.

Шартли босма табори 10. Нашр-хисоб босма табори 10.

Нусхаси 50 дона. Шартнома № 364.

ТДТУ босмахонасида чоп этилди. Тошкент ш. Талабалар кўчаси, 54